

ЛУТФУЛЛО МАҲМУД

**ДИЛМУРОДНИНГ  
ДИЛКАШ ДАВРАЛАРИ**

Тошкент — «Истиқлол» — 2000

85.315.3

М37

## МАХМУД ЛУТФУЛЛО.

Дилмуроднинг дилкаш давралари. — Т.: «Истиқлол», 2000. — 144 б.

Ҳаётда шундай санъат фидойилари борки, улардаги иқтидор, истеъдод, маҳорат ва матонатни кўриб, тасанинолар айтасан киши. Ушбу рисолада ана шундай санъат дарғалари, уларнинг авлодлари вакили — таникли доирекакаш, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилмурод Исломов ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинганд, ўзинингдек, устоз ва шогирдлари, хусусан, укалари — Холмурод ва Элмуродларнинг доирачилик санъатини ривожлантиришга қўшган қиссалари қаламга олинган.

Мазкур китоб санъат ихлосмандларининг дилларини кушнуд эта-  
тади, деган умиддамиз.

ББК 85.315.3

Лутфулло МАХМУД

## ДИЛМУРОДНИНГ ДИЛКАШ ДАВРАЛАРИ

Муҳаррир А. Зиёдов

Бадий муҳаррир Ш. Мирфаёзов

Техн. муҳаррир Ж. Бекиева

Мусаҳиҳ У. Жуманазарова

Ю

Теришга берилди 24.01.2000 й.да. Босишига рухсат этилди  
29.02.2000 й.да. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табори  
8,0. Нашр табори 8,6. Адади 1000 нусха. Буюртма № 4175.  
Шартнома 80—99

«Истиқлол» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-  
хонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-й.

ISBN 8224-1218-2

© «Истиқлол», 2000 й.

A

O'zb. Res. DK  
2884

10 25768  
3

Бир ажиб анжуман: Қелажак — маҳзун,  
Утмиш ижросида тинглайди күйлар,  
Уларни кузатиб ўтирган Бу Қун  
Ватан ва миллатнинг тақдирин ўйлар.

Армонга дўнмасин эмди ҳеч орзу,  
Қолмасин ўзини куйламаган дард,  
Туёғида тоғни синдирисин оҳу,  
Бу миллат қаддини тикламоги шарт!

Эрку қадру баҳтина топар у албат,  
Мендан-да яхшироқ ким билар буни.  
Дунё ва одамлар, о, неча муддат  
Бедаступо, муте дедилар уни,

Мен уни қудратли атадим фақат,  
Дунё кездим, саркаш донрам — забон,  
Миллатим қодир завқ, шиддат, шижоат  
Хақида сўйладим.

Тан берди жаҳон!

**Ўзбекистон ҳалқ артисти Абдуҳошим Исмоилов:**

«Доиранинг бошқа созларга қараганда мураккаб томонлари бор. Сабаби, доирачи пардаси йўқ создан оҳанглар топади, пардасиз оҳангларни куйлатади... Ҳар қандай санъаткор, машшоқ каби доирачининг қалбida ҳам хиргойи яшаши, оғриқ ва завқ яшаши даркор. Булар йўқ экан, уни машшоқ деманг, созанда деманг. Бундайлардан аҳли тарабни йиглатадиган наво умид қилмоқ ғалат... Хайфким, кўпчилик ёшларимиз санъатнинг маънавий қониқиши ва моддий беками-кўстлик келтирадиган манзилига бориш учун ижод, изланиш, машаққат, тижимсиз, кечак-ю кундуз қилинган машқлар кўчасини эмас, осон шуҳрат, енгил, дидсиз оломон олқишилаётган чучмал куй-қўшиқлар, таниш-билишчилик каби эгри ва боши берк йўлларни танламоқдалар. Уларда ҳали ҳозир биз айтган, элу юртнинг дарди дунёсига туташ хиргойи нетсин-у, завқу оғриқ нетсин!»

**Шундайларга мен:**

— Ҳаволанманг, тушинг она заминга, деган бўлардим. Миллий санъатимизга, танлаган касб-ҳунарингизга муҳаббатни, садоқатни, заҳматдан, машаққатдан чўчимасликни, маҳорат учун бармоқ қонатиб машқу меҳнат қилишни, ҳаётнинг баъзан инсон зоти чидаши мумкин бўлмаган синовларини енгишни Дилмуроддан ўрганинг, деган бўлардим».

**Ўзбекистон ҳалқ артисти Фофир Солиқов:**

«Уста Олим ер берди, бизлар ариқ очдик, Дилмуродлар уруғ сепдилар, экин парвариш қиляптилар. Бусаъий-ҳаракатнинг ҳосили, меваси яхшилик бўлгай, эзгулик бўлгай, бүз зироат умрбоқий бўлгай, иншооллоҳ. Буларнинг ижрочилик маҳорати, техникаси бениҳоят даражада ўсиб, ақл бовар қилмайдиган даражада кучли бўлиб кетганки, эшишиб ёқангни ушлайсан. Дилмурод ҳам, укалари, шогирдлари ҳам Ҳизр алайҳиссалом назар қилган йигитлардир. Бўлмаса-чи, ҳаммаям доирачи бўлиб кетаверса, ўхшар эканми?».

Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов:

«Ҳар қандай инсоннинг ўзи туғилиб ўсган, ўқиган, меҳнат қилган, яшаган жойларидаги хешу ақраболари, ёру биродарларидан иборат давраси бўлади. Дилмурод Исломовнинг, унинг жигарлари Холмурод, Элмуродларнинг давраси бутун дунёдир. Жаҳоннинг қайси мамлакатига борманг, Дилмуроднинг мухлислари, қадрдонларини топасиз. Шунинг учун айтаманки, уларни отонаси тарбиялаб, вояга етказган, лекин аслида улар ўзбек халқининг фарзанди, Ўзбекистоннинг ўғлонларидир».

## БИРИНЧИ ДАВРА ОЛДИДАН. ДОИРА

Дилмурод: — Бизнинг ҳунаримиз, санъатимиз — доирачилик, чирмандакашлик. Шу санъат, шу мўъжаз соз менга ҳам, жигарларимга ҳам ризқу рўз ато этди, кетмас давлат берди (шундай деганимга сабаб: ҳунар кетмас давлатдир), обрў келтириди, оламни бизга, бизга оламни танидди. Бизнинг давраларда доира дин-эътиқод, элу юрт, ота-онадаи кейинги мавқе-эътибор эгасидир. Шунинг учун ҳам суҳбатимизни доира мавзусидан бошласак...

Муаллиф: — Яхши. Аввало, шуни айтиш керакки, дунёдаги ҳар бир нарса — буюм, жонзот, наботот олами вакиллари, манзара, хатти-ҳаракат, катта-кичик воқея ва ҳодисанинг ўз мароми, суръати-ритми бор. Сўзнинг, суҳбатнинг ҳам суръати бор, сукутнинг ҳам.

Шу боис ҳам мақсади-вазифаси ҳаётни, борлиқни, унинг ранг-баранг кўринишлари, жилваларини, воқея, ўзгаришларни сўз билан, оҳанг, ҳаракат, мўйқалам, тасвир билан ифода этиш бўлган санъат асари ҳам маълум бир умумритмга ёки турли ритмлар силсиласидан иборат мужассамот асосига қурилади.

Адабиётшунос Эркин Худойберганов ёзади: «Иил фасллари алмашиниши, қуёш чиқиши ва ботиши, дарё тўлқинларининг қирғоққа урилиши ва қайтиши ритмик равишда содир бўлади... Мазкур табиий жараёнларни кузатиш натижасида қадим олам кишилари ўз ишларida, фаолиятларининг турли соҳаларида ритмни қўллаш фойдали бўлиши ҳақида хулоса чиқарганлар...»

Дилмурод: — Бирорта каттароқ иш қилаётганда маълум ритмни топиб олиш жуда муҳимлигини билишган. Ҳозир ҳам иш яхши бориб турганда, нимадир ҳалақит берса, диққат бўламиз-ку — бир маромда, яхши кетиб турувди, деб. Бу — ўша ритмни йўқотиш бўлади.

Муаллиф: — Ритм, шунингдек, одамларни бирлаштириш, яъни уларнинг кучи, гайрати, интилишини ягона мақсад сари йўналтириш вазифасини ўтаган экан. Шунинг учун ҳам бора-бора меҳнат, ов, жанг ёки дам олиш

жараёнида кўпчиликни умуммақсад, умумҳаракатга чорлагувчи ритмик ундовлар, хитоблар пайдо бўла бошланган.

«Уша хитоблардан, — дея қайд этади Эркин Худойберганов, — кейинчалик ибтидоий жамиятда кенг ёйилган ва ҳозиргача ҳам сақланиб қолган меҳнат, ов ва жанг қўшиқлари келиб чиққан. Масалан, асрлар давомида ўзгариб, сайдалланиб, бизнинг замонамизгача етиб келган ўзбек халқ қўшиқларидан «Майда гул» ғалла янчиш жараёнидаги ритмик ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда туғилган».

Англашиладики, мусиқа — қўшиқ, куй ўзининг дунёга келиши учун аввало усулга, ритмга қуллуқ айтиши даркор экан.

Дилмурод: — Устозларимиз бизга доиранинг, урма асбобларнинг жуда қадимий асбоб эканлигини айтишарди. Чунки, мусиқанинг замининда бир хил усул бўлишини таъминлаш учун албатта урма созлар бўлиши даркор эди.

Муаллиф: — Мусиқа созлари орасида энг аввал усул берувчи асбоблар ясалган десак ҳам янгишмаймиз. Ритмни мусиқанинг энг қадимий унсури эканлиги ҳисобга олинса, ритм берувчи асбобларни, ҳатто мусиқа санъат сифатида шаклланмай туриб пайдо бўлган дейиш мумкин.

Отахон санъатшунос Мамажон Раҳмонов «Ўзбек театри — қадим замонлардан то 1917 йилгача» деган китобида битганидек, Фарғона водийсининг Саймалитош форларидан топилган деворий суратларда доира ёки дўл ногорага ўшаш соз ушлаб турган одамларни учратиш мумкин. Бу тасвирларни аждодларимиз эрамиздан аввалги II—I минг йилликда чизганлар. Кўрдингизми, доира ёки унинг қадим аждодларининг ёши қайга боради!

«Авесто»да келтирилган қўёшга сифиниш маросимлари, Искандар Зулқарнайн Раҳшона билан учрашган мусиқа ва рақс байрами, грек актёрлари ва аждодларимиз биргаликда ўйнаган фожналар, Қушон давлати давридаги будда динига оид тадбирлар, Хитойга, Японияга бориб ўз санъати билан у юртларни мафтун этиб келган раққосаларимизнинг чиқишлиари (сўз VI—VII асрлар хусусида кетмоқда), ва албатта Шарқ Ренессансси даврида мусиқа санъатининг юксак такомил олиши, унинг олий намунаси бўлмиш мақомларимизнинг

пайдо бўлиб шаклланиши доирасиз, унинг қардоша·  
рисиз юз берган эмасдир.

Дилмурод: — Доирани ўзбек мусиқасининг юраги,  
мотори деса бўлади. Бунинг қувваи жозибаси, таъсирига  
тоб берадиган одам бўлмаса керак. Кўп кўрганман, ет·  
миш·саксонга кирган қариялар ҳам доира садосини  
эшитганда қад ростлайдилар, ўйинга тушиб кетганла·  
рини билмай қоладилар.

Муаллф: — Ўзбекистон халқ артисти Раҳим Исахў·  
жаев Сизнинг фикрингизни тасдиқлади. «Доира, — де·  
дилар у киши, — миллий созларимиз орасида аҳамият  
жиҳатидан биринчи ўриида туради. У давранинг бош·  
ловчиси, мусиқачилар дастасининг дирижёридир. Унинг  
биргина усули — сўзидан бўлғуси суҳбатнинг — куйнинг,  
кўшиқнинг табиати, мавзуси, салмоғи, оғир ёки енгил  
кечиши дарров маълум бўлади. Усиз иш битмайди».  
Дилмурод, доирада неча хил товуш бор?

Дилмурод: — Муҳтарам устозимиз, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган артист Соғиржон ака Азимов: «Ме·  
нинг хунарим «бум-бак» деб қўярдилар... Шундан билиб  
олингки биз чаладиган созда икки хил товуш бор —  
бўгиқ «бум» ва очиқроқ «бак»... Хоразмда буларни  
«гум-так» тарзида чалишади. Доиранинг ҳамма усул·  
лари, жуда мураккаб қочиримлар, нақшлар, импрови·  
зациялар ана шу икки товушни усталик билан қўшиб  
юборишдан келиб чиқади.

Муаллиф: — Ростдан ҳам. Бугунги кунда Дилмурод  
Исломов, унинг инилари, шогирдлари иштирок этган  
концертларни томоша қиласар экансан, уларнинг бармоқ·  
лари остидан чиқаётган бағоят нафис ва мураккаб усул·  
лар мужассамоти, силсиласини иккита товушдангина ту·  
зив чиқилганига ақлииг бовар этмайди. Ахир, бу сил·  
силани, бу гўзал тизимни тузим учун моҳир созандагина ўша  
«Бум-бак»ларнинг неча юз, неча мингини адашмай жой·  
жойинга қўйиб, териб чиқиши, бу ишни баъзан жуда  
катта тезликда адо этиши даркор...

## БИРИНЧИ ДАВРА

### 1

Эй азизлар, хей биродарлар!

Бу фоний дунёга кимлар келиб, кимлар кетмаган дайсиз...

Таърифини бошласанг ҳаяжондан қаламнинг тили тутилиб, сўзниңг кўксисда гулу райхонлар очиладиган гулрўлар, гуландомлар, гўзаллар қани? «Сиз каби билтурги гуллардин бири пайдо эмас...» деб эдилар Хазрат Навоий.

Ҳар сўзи маъно гуҳари, ҳар жумласи маҳшар қадар яшашга муносиб донолар қани?

Биргина қорни дунё моли билан тўймаган Қорууллар қайда-ю, ўртантган нафси, ўксинган ғууриннинг амрига бўйсуниб ўзи каби инсонларга қарши чоҳ қазиб, яроғ кўтариб, умрини хусумат, адоват, урушлар, фитналарда ўтказган ёвуз даҳолар қайдамиш бугун?

Айтадиларки, чеки-поёни йўқ ажойиботлар, гаройиб воқе-ҳодисотлар манзили бўлмиш бу оламда бир япроқ иккинчисини такрор этмагани каби битта инсон ҳам атвору сажияси, руҳий олами, орзу-интилишлари билан иккинчисига ўхшамас экан. Шунинг учун, дунё карvonсарайига бир неча муддат меҳмон бўлиб, келгандан кейин, инсонлик номига муносиб ё номуносиб ишларни қилиб, ё ўзи келган манзилни мардлик, донолик, саҳоват, меҳру муҳаббат нақшу нигорлари билан обод этиб, ва ёки калтабинлик илиа меҳмонлик расми-таомилини бузиб, кўхна саройга, унда умргузаронлик қилаётгандарга ранжу озорлар, кулфату мусибатлар еткуриб ўтган ҳамма аҳли башарга таъриф бермоққа ожизман.

Фақат айтмоқчи бўламанки, ўз-ўзим билан қилган мубоҳасалар, фикр муҳорабалари мени охир шу хил сулҳга етказдилар: ёруғ жаҳонга келдингми, бас, қўлинг калтами, дарозми, имконинг етадими, йўқми (етса омон-омон, худога шукур, йўқ эса, сўзинг билан, шафкатли, муруватли, хайриҳоҳ қалбинг билан), яхшилик

қилиб, саховат кўрсатиб, имдоду кўмак бериб, ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам юрагинг заминини тоза, ҳавосини мусаффо асраб яшамоқ керак экан.

Фақат шундай яшаган башар авлодларинигина инсон атамоқ мумкин экан.

## 2

Худо раҳмати Муҳиддин ака ана шундай шамси мукаррамдай қарамли, шафиқ, ният-ўйи тозалигидан хотири сокин, «шукур» деб яшашни эплайдиган одамлар сарасидан эдилар. Оиласи, қариндош-уруғлари, болаларини жондек кўрадиган, дўстликнинг, дўстнинг қадрига етадиган, ва яна айтмасак бўладими, таибурнинг ноласи, доиранинг садоси, ҳофизнинг хонишини сел бўлиб, оламни унутиб эшита оладиган асл, ўзбакий шинаванда эдилар бу инсон...

Муҳиддин аканинг ота-боболари аслида Тошкентнинг Тахтапул даҳасида истиқомат қилганлар. У кишининг бузруквори Ислом ота Исамуҳаммад ўғли ўзига тўқ, бой-бадавлат оиланинг бошлиғи эдилар, бу давлатни чорва боқиб, чорвачилик билан шуғулланиб топганлар. Ислом отани шаҳри Шошда ҳам, ундан йироқларда ҳам Ислом карvon номи билан аташган.

Инқилоб аталмиш балойи бадтарин тириклигигининг илиги-ю турмушининг усти-боши бутун, егани олдиди, емагани ортида одамларга хешу адоват ила қараш сиёсати билан давргага чиқар экан, бу хонадоннинг бир маромда кечётган осуда ҳаётига ҳам зиён етди. Энди Карвон от, мол, қўйни аввалгидай бемалолу беҳадик боқиш, кўпайтириш, бу аъмоли билан ҳам ўз оиласи, ҳам юртига наф келтириш имконидан маҳрум этилди.

Бироқ, шунга қарамай, кўп йиллар давомида сабр дарахти меваси билан кун кўриб, тонгги қизил булутларсиз отган кунларга етиш умидида яшаган оиласида чорвардорлик касбига, жониворларга, хусусан отга нисбатан меҳр-муҳаббат ота мерос бўлиб қолаверган.

«Уқ отни тўхтата олмайди», дейди халқимиз.

Сут билан жонга кирган, қон-қонга сингиб кетган эътиқодни, муҳаббатни, урфу одатни ўткинчи шамол йўқота оларканми?

Муҳиддин ака то умрининг охиригача ота касбини қўймади. Гарчи Келесдаги «энергосбит» деб аталмиш ташкилотда нурчи вазифасида ишласа ҳам, асосий иши

үйнда ҳайвон парваришилаш эди, аксари вақти, кучигаррати, фикри-ёди, изланишлари чорвасига озуқа тошиш, касалини тузатиш, оригини семиртириш, наслини яхшилаш, кўпайтириш... каби ишлар билан банд эди.

У, замон ва енгилтабиат хотиндай атвори ўзгариб турадиган сиёsat имкон бергани қадар ҳовлисида ҳайвон сақлади, чорвадор бўлиб қолди — Тошкентнинг турли бозорларидан чорва молларини сотиб олар, сўнгра уларни фақат ўзигагина хос бўлган уқув, малака, тажриба ва турган гапки, меҳр билан парвариш қиласарди.

Мол-қўйи жониворларни яхши кўрган, меҳр билан қараган одамнинг қўли тегса ҳам яйраб, йилтираб кетаверади, эътибор берганмисиз?

Агар, қўни-қўшнининг жонлиги семириб эт олиши учун ойлар даркор бўлса, Муҳиддин ака парваришида бўлган чорва бир неча кун ичида йилтираб, етилиб, кўзга ташланиб қолаверарди.

Яхши, қирқинчи йиллар охирида шаҳри азим Тошкентнинг бугун «Ишчилар шаҳарчаси» номи билан аталаидиган даҳаси қурила бошланди-ю, оиласа шу томондан ҳовли учун жой берилди. Бу тарафларда ҳайвон бўқиши учун имконият кенгроқ эди — янги ерлар, яна, шу атрофдан Анҳор ўтади, унинг қирғоқлари ҳам кўм-кўк ўт.

Хонадоннинг тирикчилиги асосан шу билан — Муҳиддин ака озғин ҳайвонларни олиб келади-да бокиб, устига тухум қўйсанг ўрнайдиган қилиб семиртиради, нимжонлари, касалҳолларини тузатади, сўнгра бозорга олиб чиқади ёки сўйиб сотади, билингки қассобликдан ҳам хабари бор.

Оиланинг фарзандлари ҳам болаликданоқ жониворларга меҳр, меҳнатдан, қийинчиликдан қўрқмаслик руҳида тарбия топдилар.

Оиланинг учинчи фарзанди Мавлуда опага сўз берайлик:

— Отамиз оқар сувдай тинмаган, сахий, қўли очиқ, жигаржон киши эдилар. У киши шанба нима, бозор нима, эрта қачон, кеч қачон — билган эмаслар. Қачон қарасанг бирорта юмуш билан банд бўлардилар. Биз — болаларини ҳам ана шунга ўргатганлар. Суягимиз меҳнатда қотган.

Болаликнинг ёш, уҳдадор, бақувват отанинг овози, кулгилари, эркалаб, танбеҳ бериб гапиришлари билан тўлғин давралари...

Мұхиддин аканинг фарзандларини ўзига тенг кўриб гаплашиш, тушунтириш, кенгашиб одати бор эди: «Мана, шу мол ёки қўйни олиб келдим. Барака топтур ноудда, ношудроқ одам экан-да, жониворга қарашни билмайдиган... Астойдил, зерикмай парвариш қылсанглар, ҳаш-паш демай этига эт, ёғига ёғ қўшилади. Яхшими ахир?»

— Бизга ана шу ишонганлари, маслаҳат солғандарн айниқса маъқул келарди. Қувонардик-да... Бўш қолдик дегунча мол-қўйларимизнинг ёнига чопардик. Шу билан бирга, адамлар рагбатлантириши ҳам жуда ўрнига қўяр эдилар: бозорга борсалар қўллари қуруқ қайтмасди, албатта, қўнглимишини овлайдиган бирор нарса олиб келардилар. Янги пишиб, бозорга чиққан нарсани аввал биз ердик десам хато бўлмайди. Қоғозни «варанка» қилиб қулунтай солиб келганлари, қани она қизим, шакар қизим, деб бўлиб берганлари ёки чит рўмолларига туғиб ҳандалак келтирганлари, сўйиб, улашганлари шундоқ кўз ўнгимда турибди.

Ростдан... Опа гапираётиби-ю, суҳбатлашиб ўтирган хонамишини ҳандалакнинг хуш иси тутиб кетгандаи...

— Уша пайтлар — эллик тўққизинчи-олтмишинчи йилларни айтаман, жуда унақа дориломон, тўкин-сочин замонлар эмасди — ун кам, кўпчилик гижда нон, қора буханка еб юрадиган даврлар. Аммо, адамлар ёлгиз ўзлари ишласалар-да, биз қийинчилик кўрмай яшаганмиз. Элнинг олди эдик, башанг-у қашанг кийинардик демайман, уйимиз ҳам оқ уй, ола баргак бўлмаса ҳам бироқ қоқ ер, қора шип эмасди. Эгнимиз бут, қорнимиз тўқ эди, буниси — аниқ. Ҳаммаси раҳматлик дадамларнинг гайрати, тиниб-тинчимаслиги, ҳаракатчанлиги, ҳозирги замон тили билан айтганда, ишбилармонлиги туфайлидан.

Мұхиддин aka Ислом карвоининг Тоиржон, Жанинатхон, Фотимахон деган фарзандларидан сўнг түғилган, тўртинчи зурриёди. Карвон бува хонадонида Мұхиддин акадан кейин ҳам Нажмиддин, Орифжон, Раҳимахон, Иқборхон исмли қиз-ўғиллар дунёга келганлар.

Ҳафтанинг турли кунларида Тошкентнинг ҳар томонида ҳайвон бозори бўлар, Мұхиддин aka уларга борар экан, ўша томонда яшаётган опалари, сингилларининг уйига бош суқмай, ҳол-аҳвол сўрамай, бир пиёла чой устида жиндак бўлсин тафт олмай қайтмасди.

Мавлуда опа, сўз яна Сизга:

— Черниевка бозори йўлида, Болтамозорнинг ёнида Жаннат аммам турардилар. Иқбор аммамлар «Сабзабот совхози»да яшардилар. Кўктерак бозори тарафда, Келесда Раҳима аммамнинг ҳовлилари бўларди. Адамлар бозордан қайтишда албатта уларнига кириб, кўриб келардилар.

### 3

Бу оиласа хос яна бир яхши одат — ёмон одамлар-у ёмон ишлар хусусида гапирмаслик эди.

Мазкур таомил қачон жорий бўлган, Ислом карвон даврадами, ундан авалми, бизга қоронги — равшани шуки, оиланинг ширин давраларида Муҳиддин ака ҳам, кейинчалик унинг мунис рафиқаси Зулфия опа ҳам теварак-атрофда юз берётган яхши ўзгаришлардан, воқеалардан, одамларнинг фазилатлари, хайрли, савобли ишларидангина сўзлар эдилар:

— Фалончи мана бундай олийжаноб иш қилибди. Қийналиб яшаётган ёлғиз кампирга бир қоп ун олиб берибди.

— Нариги маҳалладаги бир одам қўшнисининг етим қолган тўртта фарзандини ўз тарбиясига олибди.

— Анов қўшнимизнинг ўғли ўз кучи билан катта ўқишга кирибди. Битирса, катта олим бўлар экан.

— Фалончининг ўғли-чи? Отаси шаҳарнинг нариги четидан уй олиб берган. Азамат йигит экан, ҳар куни эрталаб келиб, отасидан фотиҳа олади, шундан кейингина ишга кетади.

Ёмонлик, зўравонлик, шафқатсизлик, адovat, хәёсизлик, бевафолик...лар тилга олинмас эди, тилга олишгода арзимайдиган нарсалар ҳисобланарди.

Ота-она ўғил-қизларини ёруғликка, эзгуликка итилиб яшашларини истаб шундай қилдилар. Шайтоннинг, зулматининг бу саҳифада қайд этиш ҳам нотўри бўлган аъмолларини ўша ёруғлик устига андак бўлса-да, соя ташлашини хоҳламадилар.

Йўқ, бу оиласини фарзандлари дунёда ёмонлик йўқ экан, ғаму меҳнат қасди жон қилмас экан деган тасаввурдаги, олтин водийларда яйраб, ваҳший даралар учраганда тиззаси қалтирайдиган ношуд, анои, қўймижоз, бўлимсиз одамлар бўлиб улгайишгани йўқ. Зеро, кўзлар очиқ, тафаккурлар югурик — борлиқ уларнинг кўз ўнгидаги айланади, эзгуликни ҳам, қабоҳатни ҳам кўр-

маслик, мушоҳада этмаслик, ибрат-ўрнак олмаслик мумкин эмас.

Бироқ доно, бузруквору комила волиданинг тутган удумлари натижаси ўлароқ, опа-укаларнинг кўнглида, барибир, барибир бу ёруғ оламда яхшилик кўп, яхши одамлар кўп, эзгуликнинг ғалабаси муқаррар, шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам, икки тошнинг орасида туриб ҳам бандабинлик, худобинлик билан яшаш даркор экан деган ишонч устивор бўлди.

Бу ишонч уларни умр бўйи тарк этгани йўқ.

#### 4

Оила майшатининг олдида олтин товоқ бўлганда ҳам, илгида синган сопол бўлганда ҳам бу ҳовлидан доим отнинг кишинаши, пишқириши, курсиллатиб беда чайнаши келиб турган. Нега десангиз, Муҳиддин ака деган инсон кўнгли ҳудудининг катта бир қисмида Фирқўксимон, Бойчиборсимон аргумоқларга ишқибозлик, муҳаббат яшайди. У бошқа жониворларга қараганда от билан кўпроқ банд бўларди, десак хато кетмаймиз. Но-чор, нимжонларини олиб келиб кўзининг оқи-қорасидай авайлаб-суйиб боқади, касалларини ўзи қараб, дўхтирларга кўрсатиб тузатади, озуқа бермайди, дон бермайди — жон беради, жон. Бундай марҳамат, бундай тарбияни кўрган отлар ҳеч қанча фурсат ўтмай етилиб, қувватга тўладилар, тулпорга айланадилар.

Хов, ана унда кўрмабсиз!

Муҳиддин ака ҳавас билан янги тулпорининг ёлларини тараб, ясатиб кўчага миниб чиқади, гузар айланади, Анҳор бўйларида елдиради жониворни. Бунақа кезларда уни танимайсиз — камтарин, меҳнаткаш, оддий одам лочинга айланган. Кўнгли фахру ифтихор, ёриб чиқиб кетаман деган қувонч билан тўла, завқу-бахтининг чеки-чегараси йўқ!

Яратганингта шукур, парвардигор!

Мана мен, миннатдор қулинг Муҳиддин!

Тирикман, яшаяпман!

Атрофимда сен ато этган олам, азиз одамлар, вужудимда ҳаётга ташнали!

Яшаяпман, номингдан айланай Худойим!

Муҳиддин аканинг алоҳида, отишқибози дўстлари, улфатлари бор — Маҳмуд ака, Мухаммад ака, Комил мўйлов, Абдураззоқ ака, Ҳайдар ака, Носир ака, Собир

«ест», Мирза ака, Мухиддин ака... Тошкентнинг турли даҳаларида, туманларида яшайдиган бу одамларнинг боши бир жойга қовушса бас — суҳбат фақат от ҳақида кетади: жониворнинг турли фазилатлари — кўрки, чиройи, фаросати, садоқати, ҳушёрги, машҳур тулпорларнинг таърифу тавсифи, афсонавий воқеалар, орзулар, армонлар от мавзуси атрофида яйраб, хумордан чиқиб жон қоқиб айланадилар.

Отни тарбиялаш, қандай ем билан боқиш, кучли, илдам қилиш сирлари, пойгага, улоққа тайёрлаш, қулунлатиш билан боғлиқ охири-адоси йўқ суҳбатлар, дилкаш турунглар бўларди булар.

«Ели қуюқ эшакдан яғири бўлган от яхши», дейдилар.

Отдан-да чиройли, кўркам жонивор борми!

Нақлиётнинг бирор тури, энг нуфузли, энг қиммат баҳо машина, ҳатто самолётнинг ўзи ҳам арғумоқнинг суворийга баҳш этган гаштини, сурурини бера олмайди. Сабабки, от жонивор чавандози кўнглидан ўтган туйгуларни ҳис этиб туради, бирга қувонади, бирга дард чекади, Худо кўрсатмасин, бирор фалокатга йўлиқсанг имкони қадар ёрдам беришга уринади. Чунки от — темир вужуд, машина эмас, у — тирик мавжудот.

Қайсиdir йили Муҳиддин аканинг хизмат жойида — ўша «Энергосбит» ташкилотида не бир баҳтесиз ҳодиса юз беради-ю, акамиз ундан ўзгалардан кўпроқ жабр тортадилар. Ташкилот раҳбарлари аввало аканинг кўп йиллик хизматлари хурматидан, қолаверса, чеккан азијатлари асорати кўнглидан кўтариilar деган мулоаҳза билан унга «Победа» машинаси ҳадя этмоқчи бўладилар.

— Раҳмат, — дейди Муҳиддин ака, — раҳмат, шунчалик... Лекин, бир илтимос-да... Иложи бўлса, машинанинг ўрнига менга битта от берсангиз.

Уша маҳалда «Победа»нинг бутун собиқ Иттифоқда энг яхши машина эканлигини, манаман деган бойвачча йигитларнинг орзуси бўлганлиги эътиборга олинса, Муҳиддин ака қилган бу ишнинг аҳамияти яққолаён бўлади.

Раҳбарият унинг илтимосини бажо келтириди, машина ўрнига битта яхши от совфа қилди.

Ишқибоз йигит бу отни айрича муҳаббат, аёв билан олиб юрди, сотмади, алмаштиrmади. От ҳам янги соҳибига сидқу вафо билан хизмат қилди.

Дилмуродларнинг «Ишчилар шаҳарчаси»даги ҳовлиси бир томондан «Малика» фабрикаси, иккинчи томондан «Фишт тайёрлаш заводи»га яқин жойда эди. Заводнинг фишт пишириладиган улкан чуқурларини — хумдонларни кўз олдингизга келтиринг. Бу ердаги хумдонларнинг четларини чала пишган, куйиб ўтиб кетган, ё шаклсиз, қаттиқ бўтқа ҳолидаги, ё бир-бирига ёпишган учи ўткир чақмоқ тошларга ўхшаган фишт уюмлари қоплаб ётарди.

Кунлардан бирида Муҳиддин ака дўстлари билан гаров боғлашади-да, кейин ҳозиргина бас бойлашиб турган биродарларининг:

— Ҳай-ҳай! Эсингни йиғ! Бир кори ҳол бўлмасин! — деганига қарамай, отининг эгар-жабдуфини олиб ташлаб, ҳатто ёлини ҳам ушламай ана шу чақир-чуқур тошлар устидан чуқурнинг тагига тушади.

От сал тойса, қўркиб ўзини у ёққа-бу ёққа ташласа ҳам бир кори ҳол муқаррар... Бироқ, бу Муҳиддин ака эди-ю, наригиси унинг вафодор, ақлли, ҳушёр оти!

Улар бир вужудга айланган эдилар гўё, томирлар, асаблар, туйгулар бирлашиб кетган эди, юраклар ҳамоҳанг урар. Қалтис вазиятнинг ҳар кичик ўзгаришини-ю, нимага эътибор берилса, қандоқ йўл қилинса бу имтиҳон, синовдан бешикаст ўтиб олиш мумкинлигини бир-бирларининг нафас олишидан билиб турадилар.

Шу боис ҳам бу гаровда улар ғолиб келишди.

## 5

Мана, фурсат етиб даврамизга, одатлари бўйича иккала қўлни кўксиларига қўйганча, хуштавозеъ салом берив, беназир инсон, устоз доирачи, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Фоғир ака Азимов кириб келдилар.

Фоғир ака тозаликнинг, саришталикнинг тимсоли, руҳий сокинлик, озодалик, тартибининг рамзи. У билан даврага хушҳоллик киради, дилкашлиқ, самимият, офтоб киради.

Елғиз офтоб деманг, бир неча офтоб десангиз янгилишмайсиз, чунки унинг юраги, руҳи табиати бир неча қуёшнинг манзилидир — саҳоват, хайриҳоҳлик, эзгулик, дўстлик истаги каби қуёшлар.

Чеҳрасида яна бир хуршид — ёқимтойлик, тозалик,

хуштабассум, сўзлари, такаллуфи, эзгулик, яхшилик, имдод бериш йўлидаги ҳаракатлари яна бир қуёш...

Фоғиржон ака — таниқли доирадаст, ўша маҳаллар дунё кезган атоқли санъаткор Тамарахонимнинг гуруҳида ижод қиладилар.

Кўпроқ сафарларда бўладилар-у, ҳар гал сафардан қайтганда оила аъзолари, дўсту ёрлари, қариндош-урӯслари, маҳалла-кўй учун байрам бўлиб кетади. Карнай сурнайлар чалинади, тўймисан, тўй!

Сўнгра бу хонадонда 10—15 кун давомида нафис мажлислар қурилади, уларга Фоғир аканинг кўнгил қадрдонлари, юракдошлари, аҳли-санъат дўстлари — Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Наби Раҳимов, Фоғир Солиҳов, Раҳим Исахўжаев, Ҳамид Раҳимов, Зоқиржон Султонов каби чалса созига булбул қўнган, куйласа гул ўздан бориб, бағрини чок этган неча-неча сеҳрофаринлар ташриф буюрадилар.

Бир давраки, унинг асносида юракдошлар ушбу оламни унутадилар, тарк этадилар уни... Ким Гўзаллик, ким Нафосат, ва яна кимдир Зарофат атагувчи беҳад латиф, сафобахш, беҳиштий олам бор — бирга-бирга-о-ов етаклашиб ўша тарафларга кетадилар. У оламда дўстлар кўнглини наки бу олам, балки арши аълога олиб кетмоққа қодир тенги йўқ соҳирлар, сеҳргарлар яшайдилар...

Кўйлар аталмиш соҳирлар — ҳар бирининг поми таъбиннга равшанлик ато этади, руҳингга саришталик — Шаҳноз, Баёт, Ироқ, Ушшоқ, Муножот, Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Эшвой, Тўлқин атайдилар уларни... Умумнома қўшиқ, ашула, суруд бўлмиш соҳирлар. Яна қай бирини айтай? «Якка бу Фарғонада» ними, «Ўлмасин»ними, «Бир келиб кетсин»ними?

О, у сирли оламга бормоқ осонмас, чунки у ёқларга маҳсус рухсатномалар билан ўтказадилар — ишқивор, дардивор, лахча чўғ бўлиб, ахгар бўлиб турган юрагини гизни кўрсатасиз, ўша соҳирларни таний оладиган, қадрига етадиган, эъзозлай оладиган дидингизни кўрсатасиз.

Бундай рухсатномаси йўқлар, баъзан шундай даврага тушиб қолса ҳам, анқайиб ўтираверади, қайга кетди ёнимдагилар, деб...

Дарвоқе, бу оламга келганинг қайтмоғи, ўша кишвардан ҳам, кўнгилни муҳиб этган ўша сеҳргарлардан ҳам дил узиб кетмоғи мушкул...

Кўнгул узилмайман дейди улардан, жон эриб турибди, сел бўлиб турибди. қўй мени, шуларга қўшилиб оқиб кета қолай деб турибди...

Фақат Куйлар, Наволар эмас, бу оламда яна Зариф Сўз, Ширин Лутф, Дилбар Фазал каби сеҳргарлар ҳам яшайдилар.

Мунис Хоразмий битган эканлар:

Шеър ул неъмат эруркум

Ҳар неча базл этсалар,

Лаззати ортар, доғи

қадрига топмас нуқс роҳ.

Айтайлик, ўша тарафлардан, ўша оламдан бир илож қилиб қайтдингиз ҳам, аммо буни тўла қайтиш дейиш мумкинми, агарки дилнингизнинг улкан бир қисми, чин қисми, балки ҳаммаси ўша сеҳр-жоду билан банд бўлган бўлса, тилингиз соҳирлар айтган оҳангларни, сўзларни ҳар он, ҳар зумда тақорорлаб турса:

Ёр васлига қувондинг, қувди кўйидин сени,

Эй Навоий, ҳеч ким давлатга мағрур ўлмасун.

Не бахтки, Мұхиддин ака ҳам Нафис Сўзу Гўзал Навонинг қадрига етадиган заршунос, ишқивор, завқи кучлилар хайлидан бўлиб, Фоғиржон ака тузган давраларнинг бирортасидан қолмас эди.

Шинавандалик, санъатга қулчиликнинг ўзи эмас, табиатан ҳазил-мутойибага ўч, сўзи ўткир бўлгани учун кези келганда пайровга бемалол аралашар, яъни бу майдон аро ҳам дадил аргумоқ сурib, дуруст-дуруст лутфлар қиларди, даврадошларининг шавқу олқишига, таҳсининг сазовор бўларди.

Фоғиржон ака билан Мұхиддин ака, икки дўст, маҳалланинг Анҳор бўйида жойлашган чойхонасида ҳам бот-бот ана шундай давралар — концертлар ташкил этиб туришган. Бундай давраларнинг қучоги албатта кенгроқ, сифимлироқ бўлар, унга юз-юз эллик чоғлик одам жам бўларди. Маҳалла аҳли — кекса-ю ёш, эркагу аёлнинг жони эди бундай базмлар...

Гарчи юқорида қайд этилганлардан ташқари яна Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Исҳоқ Катаев, Қодиржон Юсупов, Коммуна Исмоилова, Жуманазар Бекжонов, Неъматжон Қулабдуллаев каби атоқли санъаткорлар қатнашсалар-да, бундай кечалар қатъий дастур асосида эмас, сухбат-қўшиқ, савол-куй, талаб-ғазал тариқасида ўтган.

Бу — ижодкорларнинг, санъаткорларнинг халқ билин, мутрибнинг муҳиб билан учрашуви, эркин, дилкаш мулоқоти, фикр алмашуви бўлганини кўриб турибмиз.

Санъаткорларни таклиф этиш, афишалар чиқариш, жойларни тайёрлаш, кечани жонли, қизиқарли ўтказишни таъминлаш каби ўнлаб ташкилий масалалар доим икки дўстнинг зиммасида эди.

Камоли санъатга ошуфталик ҳамда дўсти Фоғиржоннинг мавқе — эътибори, одамохунлиги, олиймақом фазилатлари маъқул келганидан бўлса керак, кўнгли бисёр сурур билан тўлган кезлар Муҳиддин ака ҳавас ва андаккина армон ила:

— Фоғиржон, минг яша, иним! Дилемда битта муродим бор: агар парвардигор битта ўғилга еткизса, уни албатта сенга шогирдликка бераман, — дер эди.

Фоғир ака бунга жавобан дўстининг қўлини қўл ташлайди:

— Бўпти, келишдик!

Андак армон деганимизда сабаб бор — Муҳиддин ака оиласида кетма-кет Дилбархон, Дилемонхон, Мавлудаҳон, Мавжудаҳон исмли тўртта дилбару дилемон бону таваллуд топишган, бовужуд бўлишган-у бирорта ўғилдан дарак йўқ.

Рост, фарзанд — атойи худо, шу попук қизларни берибдими, минг қатла шукур айтиш керак.

Керак, керак, лекин...

Биттагина ўғлинг бўлса қани! А?

От минишни ўргатсанг унга, эгарга ўтқизсанг-да, етаклаб гузарга, анҳор бўйларига олиб чиқсанг! Еки бирга-бирга шаҳар марказларига олиб тушсанг, боғларга, концертларга! Ўғлинг халигидай базмларга бирга борса, Маъмуржонни бирга эшилса...

— Қалай, йигит? — деб сўрасанг;

— Тан бердик, дада. — деса. — Беш!

Хов, унга нима етсин!

Бозорга бориладиган кунлар саҳарда ўғлинг сенга билдирамай уйқудан турса-да, отни аравага қўшиб, сотиладиган ҳайвонларни ювиб, тараб сени уйғотса:

— Дадажон, — деса, — туринг, тонг ёришиб қолди!

Еки... мана шу Фоғиржонга ўхшаб доирачи бўлса, номи чиққан ҳофизлар — дарё, у — тўлқин бўлиб гижибанг-гижибанг доира чалганда эшилган одамлар:

— Аммо, қўлинг дард кўрмагур, роса чапдаст, бармоғи тилло созанда бўпти-да! Э, отасига минг раҳ-

мат, — дейишса-ю, сен кўксингга гуур, кўзларингга қувонч тўлиб, яратганга шукрлар айтиб ўтиранг...

Бундан ортиқ бахт борми!

Шу кунларгаям етармикини, ё Худойим...

Муҳиддин аканинг муроди-ю армонини билган дўстлари, яқинлари:

— Ҳе, ҳали ўғил кўрмагингиз қайда эмиш! Ғам еманг, — дея юпатишар. Еки:

— Қатор-қатор Машалар келди, Иванлар ҳам кеб қолишар, — дея ҳазиллашар эдилар.

## 6

Ниҳоят ўша кун келди.

1954 йили 27 апрелда Муҳиддин аканинг кўнглини осмон, бағрини боғу бўстонга айлантириб унинг оиласида ўғил туғилди.

Ўғил! Бўри. Шер. Йигит. Эркак. Жангчи. Ҳимоячи.

Ўғил деган сўзнинг олдига энг кўркам, бутун, мардона, сифатларни қўйсанг ярашади.

Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ,  
Қарвон бор, қалъа бут, қўргон саломат,  
Қизлар кулгисида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида роҳат-фароғат, —

дебди шоираларнинг бийрони Ғофур Ғулом отамиз.

Муҳиддин aka ўша кунларда қувончдан еру кўкка сиғмай юрди.

Ўғилча кичкина қўлчалари билан суриб, оёқчалари билан тепиб отанинг бахти сарҳадларини самовот қадар кенгайтириб юборган эди. Ота:

— Дилемнинг муродига етқизди мени Худойим, — деб ўғилчасига Дилмурод исмини қўйди.

У айтганини қилиб, боланинг чилласи чиқар-чиқмас чопонининг барига ўраб чойхонага, гузарга, ҳатто ўтиришларга ҳам олиб боришга одатланди. Тетапоя бўлмасидан, йўлга кирмасидан илгари отга ўтқазди. Шунинг учун ҳам, айтиш мумкинки, Дилмурод эгарда юришни ерда юришдан илгари ўрганган.

Дарвоқе, ўғилнинг туғруқхонада эмас, уй шароитида дунёга келганини, унга Ғофиржон aka Азимовнинг онаси Нури буви доя бўлганини ҳам айтиб қўйишим керак.

Ғофиржон аканинг ўғли, таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Марат Азимов шундай хотирлайди:

— Кейинчалик... Дилмурод бирор иш билан алахсиб, Мұхид акамнинг чиқиб кетганини билмай қолган бұлса, у кишини истаб чиқиб келарди. Гоҳи калишда, гоҳи ялангоёқ, яланғбош... Кириб, отасининг пижига суқилиб ўтириб оларди-да, катталарнинг сұхбатига, ашула, мусиқаларга алланечук жиддийлик билан қулоқ солиб ўтиради... Шунинг учун, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, куй-қўшиққа меҳр Дилемнинг дилига болаликдан жо бўлган, сут билан кирган.

Шундай қунлардан бирида Мұхиддин ака деган валламат ваъдамнинг устидан чиқиб қўяйин деб тўрт яшар ё беш яшар ўғлини улфатларнинг гувоҳлигига Фоғиржон Азимовга шогирдликка берганини эълон қиласди, ва расм-русуми шундоқ экан, яъниким, бу гап қонуний тамойил олиб қолсин деб Дилемуродни устоз созанданинг оёқлари орасидан ўтказиб олади.

— Эти сизники, суяги бизники, — дейди кўзига ёш олиб.

Фоғир ака ҳам алланечук тўлқинланиб аввал дўстини, кейин янги шогирдини қучади.

Шу билан Мұхиддин аканинг кўнглига яқиндан бери улфат бўлиб олган, калтак билан ҳайдасанг кетмайдиган ғашлик хархашаси пасайгандек бўлади.

Алқисса, шундай қилиб Дилемурод исмли болакай тарихи неча минг йил бўлган кўхна доира санъати мөҳирларнинг дарвозаси эшигини қоқиб ичкари қадам босди.

Кўп олис йўл шогирдлик йўли. Атрофингда сен кабилар юзта, мингта, балки ундан-да кўп, устозинг бир-бир: келяпсанми деб сўраб қўяди, адашсанг, сўқмоқлаб кетсанг тўғрилайди, бундай юр, ундаи юрма деб ўргатади, оёқ босишинг, нафас олишинг, ҳар бир хатти-ҳаракатингдан воқиф туради, тузатади, танбеҳ беради, койиади, кези келганда:

— Қўлингдан ҳеч иш келмайди сенинг! Бор, қорангни кўрсатма, бошқа ишнинг бошини ушла! — деб ҳайдайди.

Чидайсан. Тишингни тишингга ғижирлатиб босиб (шундай босасанки, ўт чиқиб кетади), аввалгидан ҳам қаттиқроқ жидду-жаҳд, алам аччиғи, гайрат билан юраверасан, изланаверасан. Товонларинг мاشаққат тошларини қон билан бўяйди, қўлларнинг меҳнатда тарстарс ёрилади, йинглайсан, дод деб қочгинг келади...

Бу йўлнинг ана шу каби катта-кичик заҳмату си-

новларига чидайсан-у, доирадай тобланасан, дудама личноқдай чарҳланасан — камолотнинг манзилига етасан.

Мабодо... Ҳақ таоло, ҳамма синовлардан ўтиб бар-камол ҳунар соҳиби бўлишни рўзи насиб этса, ўша ку-ни бош кўтариб атрофингга бир қарагин, сен билан бирга йўлга чиққанларнинг лоақал мингдан ўнтасини кўрармикансан...

## 7

Отаси билан кечган йиллар Дилмурод учун ҳаётининг энг бахти даврлари бўлди. Гарчи оради кўп ўтмай, 1956 йилда укаси Холмурод туғилган эса-да, у отасининг бош ўғли, эрка ўғли эди, у эмину эркин, шўх шалайим, айни чоғда мўйчинакдай пухта, қайишдай пишиқ, меҳнатсевар, уҳдалик, оёқ-қўли чаққон, фахму фаросатли бола бўлиб ўсади. Сабаби, Муҳиддин ака суюб эркалатишни, мақтаб гууруланишни қай даражада жойи-га қўйса, ишлатишни, меҳнатга, заҳматга тоблашни ҳам шу қадар ўринлатарди.

— Ҳаёт — асов тулпор, ўғлим, — дер эди у, — Агар лалайсанг, лақма, заиф, ландавур бўлсанг миндирмайди ҳам, ёнига яқин йўлатмайди ҳам. Шунинг учун ан-қайма, чайир, эпли, кучли бўл! Шиддат билан, шижоат билан ёпиш унинг ёлларига!.. Яна ёдингдан чиқмасин: қатъиятли, кучли бўлсам бас, ишим мих экан деган хом хаёлга ҳам борма! Ҳаёт, ўғлим — асов тулпор, бироқ у меҳривор, кўнгли тоза, шафқатли одамларни ёқтиради. Ичи қора, нияти бузук, бешафқат кимсаларни сўймаган ҳам, сўймайди ҳам. Бундайларни у олдидан борса тишлайди, ортидан борса келиштириб тепади.

Дилмуроднинг бўйи қуёш кафтига бош қўйиб яира-тан тераклар билан баравар ўсади... Шўхлиги, чаққонлиги, илдамлиги дақиқаларни қувлаб ўтаман деган, ан-ҳор бўйида ўйнаб-югуриб эсаётган, шабадаларни лол қилгудек.

Анҳорнинг бағрига сал илиқлик киргандан токи бу илиқликни муз забтига олиб маҳв этгунча унинг битта жўшқин тўлқининг айланиб чўмилишни, сузишни, сувда ҳар турли ўйинларни ўйнашни яхши кўрганидан ба-қувват, чайир, югурнб, ўйнаб, ишлаб чарчамайдиган, чидамли, тўзимли...

Орзулари кўклам сабзаларидай қулф урадилар, да-

даси олиб берган кичкина лўли доира қўлидан тушмайди.

— Гулсизидан оберинг деб туриволганиман,— дейди бугунги Дилмурод, 6—7 ёшлик чоғларини эслаб, кулиб.— Гуллик чирмандани ёш болалар чалади, дедим. Гулсизини «профессионал» доира ҳисоблар эканиманда.

Оёғи заминда маҳкам турса-да қўли кўкка интилган, осмондаги ойни доирадай чалиб, юлдузларни ўйнатгуси келади.

Дарвоҷе, бунинг не мушкуллиги бор, агарки бошинг узра соябонинг падари бузрукворинг омон бўлса, нуридийданг, дуогўйинг онанг омон бўлса! Раҳнамоинг, устозинг «болам» деб турган эса, опаларинг атрофингда парвона эсалар.

Маврудахон опа:

— Шўх эди, шум эди-ю, ёмонлиги йўқ, зиёни йўқ бола эди. Кўнгли тоза, руҳи саломат эди.

Мавжудахон, Дилмуроднинг тўртничи опаси:

— Ҳовлимиз «Фалаба» боғига яқин жойда эди. Шу ерга болалар билан чўмилгани кетарди. Қараймиз, кутамиз — йўқ, йўқ, йўқ. Кейин опамлар мени физиллатадилар, боргин, чақириб келгин, деб. Борсам, кўприкнинг устидан калла ташлаб қийқиришиб ўйнашаётган бўлишади.

— Дилмурод! Опам чақирвоттила! — десам, бирор марта «Йўқ, бормайман», «Яна бир оз ўйнай» демасди, дарров чиқиб кетарди.

Ота кўрган ўғил йўл бичар экан.

Муҳиддин ака ўғлига шундай тарбия бердики, Дилмурод мактабга бормасдан аввалоқ ҳаёт деб аталмиш дорилфунуннинг баъзи катталар ҳам идрок этолмайдиган, эплай олмайдиган сабоқларини ўзлаштириди.

Ота фарзандини мурғаклик пайтидан уй ҳайвонларини боқишга, айниқса от билан муомила қила билиш уқувига ўргатди.

О, албатта, бу — бутун бошли илм эди, фан эди!

Бора-бора, шундай бўлдики, бозорларда, ва ёки от пойгаси, улоқ ўтказиладиган жойларда бирорта минилмаган асов от учраса ота хеч иккиланмай ўғилчаснига:

— Қани, арслон! Кўрсат ўзингни! — дея имо қилас, Дилмурод эса тишлаб отаман деб, пишиқириб, кишинаб турган ўша отнинг кўнглини топа билар, тиллаша оларди улар билан.

Афтидан йигитчадаги Муҳиддин ака талаб этган

кучни, шижаатни ва меҳрни жонивор ҳам ҳис этса, сезса керак эди.

Кичкина чаваңдоз, митти ковбой неча-неча гал шу хил ёввойитабиат отларга чапдаст миниб йиғилгандарнинг таҳсини, олқишига сазовор бўлганини айтадилар.

Бунақа кезлар отанинг кўнглидаги қувонч ила фурурни-ю, боланинг юрагидаги ифтихор ила суурининг чеки-чегараси бўлмас эди...

...Ё отингдан айланай, парвардигор! Яратганингга шукур! Муродимга мос ўғил берганингга шукур!

Яшаяпмиз, айланай Ҳудо, яшаяпмиз!..

Дилмурод:

— Шунақа отларни уйга олиб келиб, эгар-жабдуқ-ка кўниктирадик. Баъзилар асов отлари бўлса ўзлари ташлаб кетишарди. Биз уларни ўргатиб, синаб, буниси аравага қўшиладиган, мана буниси эса миниладиган ёки пойгабоп, улоқбоп деб аниқлаб берардик.

Яна: Муҳиддин ака, ўғлим ҳали ёш, қандай бўларкин демади, билмаса, чув тушиб қолса-чи деб торлик қылмади, кичкина эканидаёқ фарзандини савдо-сотиққа олиб кирди. Ҳадемай Дилмуроднинг бу борада саводи чиқиб қолгач, унга савдони ишониб, ўзи бозордаги чойхоналардан бирида чой тортиб ўтиришга одатланди.

Ким билади, балки бунақа кезлар отанинг Дилмурод танимайдиган бирорта биродари тирмизак тожирнинг савдосини киши билмас кузатиб тургандир, зарурат тугилганда аралашиб, ёрдамга келгандир. Балки. Фақат, бора-бора бундай аралашувларга ҳожат қолгани йўқ.

— Бозор тугагач, дадамин чойхонадан топиб, фалон қўй ёки молни бунчага сотдим, отни мана бунчага, деб Сирма-бир ҳисоб берсан, жуда-жуда мамнун бўлардилар. Улфатларига мақтар эдилар: «Мана, менинг ўғлимни кўриб қўйинглар... Эркак — бу, эркак!» деб. Эрталаб у кишидан аввал уйғонсам-у отни аравага қўшиб, ҳамма ёқни тайёрлаб қўйсам ҳам севинардилар, қайта-қайта дуо қиласдилар.

Булар парвариши қилган отларни бозордан ёки уйга келиб сотиб олган киши, баъзан эса Муҳиддин аканинг улфатларидан бирортаси илтимос қилса ота Дилмуродга буюради:

— Ўғлим, амакингиз олган отни уйларига ташлаб келасиз.

Ёки:

— Харид қилган мол-қўйларини ҳайдаб обориб беринг.

Бу ҳам отанинг ўз ўғлига төгдек ишончи, одам та-  
писин, мустақил, пишиқ-пухта йигит бўлсин дея тутган  
йўли эмасми?

Маврудахон опа:

— Кўпинча бозор шаҳарнинг бу четида, ҳалиги ки-  
шининг уйи эса тамом тескари тарафда бўларди. Ҳазил  
эканми, Тошканди азим деб қўйибдилар. Харидор ту-  
шунтиради: қанақа гузар, муюлиш, қайда қандай да-  
рахт, мачит ёки бозор бор, ҳовлиси қайда жойлашган,  
дарвозасининг ранги қанақа... Дилмурод алай-балай  
баҳона қилмасди, зийраклик билан эшитиб турарди,  
қуйиб оларди кулогига-да, ташлаб келарди ўша киши-  
нинг оти, моли-қўйларини. Пулини олиб келасан деса-  
лар, қорнига боғлаб етказиб келарди. Бирор марта то-  
полнадим ё у одам йўқ экан деб қайтган эмасди... За-  
рур одамки топиб, ишни биткизиб қайтган доимо. Ма-  
бодо дарвозадан у одамнинг хотиними, болаларими —  
бирортаси чиқиб «Хўжайн ёки адамлар йўқлар, фалон  
жойда йўриқдалар ёки писмадон чойхонадалар», деса,  
истаб-сўраб ўша ердан топар экан. У маҳалларда буна-  
қа гир-ғир юриб турган транспорт йўқ, Чуқурсой, Кўк-  
терак тарафларда ғалати-ғалати, одам қўрқадиган кў-  
чалар бўларди. Шу ёқларга ёш боши билан борганини  
айтаман-да, ахир 8—9 ёшларда эди!.. Ёки агар мол-  
қўйларни ҳайдаб борса-ю, хонадоннинг соҳиби бирор  
жойга кетган бўлса, уларни уйдагиларга топши-  
рарди. Қейин барибир оила бошлигини топиб: «Амаки,  
мен шундай қилдим, мол-қўйларингизни уйда фалончи  
бор экан, шунга топширдим», — деб айтиб қўяр экан.  
Ўша одам адамларни кўрганда Дилимни мақтаб гапи-  
рар, адамлар эса уйга келиб бизга айтиб берардилар.

Ҳазрат Навоийнинг айтганлари ёдингизда бор:

Фарзанд ато қуллиғин чу одат қилғай,  
Ул одат ила қасби саодат қилғай,  
Ҳар кимки атога кўп риоят қилғай,  
Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай.

Тасаввурингизда қандайдир — кичкиналигиданоқ кат-  
та одамларга ўхшаб қолган, болалик жойи йўқ, ўта  
жиддий, ҳаддан зиёд тартибли, китобий, зерикарли бо-  
ла пайдо бўлмасин... Шунақаларни кўрсанг энсанг қо-

тади: мисоли, саксонга кирган чолни бошига бир уриб кичкина қилиб қўйгандек...

Ёки туғилибоқ олтмиш-етмишга бориб қолганга ўхшайди булар.

Дилмурод — бола эди. Бола. Ўйинқароқ. Тиниб-гинчимас, оёғига кулдиргич суртилган, шўхлигиям ўзига етарли, баъзан балки керагидан ортиқроқ...

Бир гал... Муҳиддин aka чойхонада. Дилмурод ўртоқлари билан бирга, анҳор бўйида 5—6 отни боқишаётган. Бунақа пайтлар атрофингни маҳалланинг болалари ўраб олишади.

— Дилмурод, манави самани мен етакласам майлими?

— Қораси меники-а?

Ким билади, балки, Дилим бугун эриб кетар, ювошроқ отни миндиргани ҳам кўнار...

Бу сафар Дилмурод Фоғир Азимовнинг ўғилларидан бири — Санъат билан отларни чўмилтиришга қарор қилишади. Шунда, отлардан бири нимадандир чўчийдими, ҳуркйдими ёки бошқа сабаб биланми, анҳорнинг ўртарогига, чуқур жойига бориб қолади. Болалар уни қайтармоқчи бўлишади...

Ушанда Дилмурод ҳам Санъатжон ҳам нақд ўлимдан қолган эди, дейишади. Икки дўстни ўша куни Анҳор бўйига балиқ тутиш ниятида чиқкан ўрис қўшини қутқариб қолади.

Дилмурод ўзига келгач, юз берган ҳодисани уйидагиларга, айниқса ойисига айтмасликка қарор қиласди.

Зулфия опа бу гапни қўшини хотинлардан эшитадилар:

— Үғлингиз тузукми? — деб сўрашади улар.

— Тузук, юрибди ўйнаб... Нима бўлти ўғлимга?

— Ие, эшитмадингизми ҳали?.. Боласи тушмагур айтмагандир-да... Чўкиб кетишига озгина қобди-ку... Ана, менинг кичкинам келиб ҳаммасини айтиб берди...

Опа ҳушидан айрилар ҳолга борди. Дилмурод кўчадан келганда, уни ўз ёнига чақирди, урушмади, койи-мади. Қучоғига босди-да, бошини силади:

— Бошинг омон бўлсин, тойчогим... Наҳот шунақа қилсанг?.. Сенга бир кори ҳол бўлса, мен қандоқ чидайман, ахир?.. Айланайин сендан.

Эртаси куни Муҳиддин aka маҳалла оқсоқолларини чорлаб, худойи қилиб берди.

...Дилмурод дейди:

— Отга меҳр бизга ота мерос. Сира кўнгилдан кўтарилилмайди. Худо хоҳласа, ҳовлимизни битказиб олсак, албатта икки-учта от қилиб қўйиш ниятим бор.

## 8

Одатда, кўпроқ ҳайвон олиб бориладиган ёки харид қилинадиган катта бозор кунлари отага Дилмурод билан бир қаторда қизлардан бирортаси ҳам ёрдам беришарди — Мавлудахонми, Дилоромхонми...

Уша, 1963 йилнинг 14 декабр куни Муҳиддин ака Дилоромхонни ва айниқса:

— Нимага обкетмаяпсиз мени? — деб эргашган Дилмуродни қолдириб кетади.

— Қўяверинглар, ўзим бориб келарман.

Туманлик саҳар эди, чирсиллаган совуқ. Отанинг кўнгли негадир ғаш, безовта...

Туманнинг муздек забонини тушунган борми? Ким таржима қиласди унинг гапларини? Айтинглар ахир нима демоқчи у?

Муҳиддин ака ҳовлидан ташқарига чиқкач, дарвоза олдида мунғайишиб туришган ўғлига, қизига ўгирилди, туманнинг совуқ қўллари юрагига етиб боргандек бўлди, чуқур хўрсинди.

Сўнг, совуқ оқ парда орасига кириб ғойиб бўлди.

Айтадиларки, фалокатнинг ўзиям яхши одамларни суйиб, ўшаларни истаб юрар экан.

Мавлудахон опа:

— Мактабда эдим. Соат саккиз яримларда Дилмурод учиб борди. Синфнинг эшигини шартта очиб кирди, қарасам — кўзлари жавдирайди, тўлиқиб турибди, ранги «би-ир хил».

— Опа, — деди, — юринг! Адамларни мошина уриб кетди.

Юрагим «шув» этди. Титрайман. Қани энди ўрнимдан туролсам... Китоб-дафтари мни йиғиштирай дейман, қўл ўлгир қалтирайди, тутганим «тапа-тап» этиб ерга тушади.

Югардикми, учдикми, билмайман, уйга етдик. Кетаяпмиз-у, хаёлимдан минг хил фикр ўтади:

— Нимага? Нимага мошина уради адамни? Менинг адажонимни, — дейман.

Ойимлар билан Дилором опам Юнусободдаги касалхонага, дадамлар ётқизилган жойга кетишган экан.

Кўп ўтмай, уйимиизга қўни-қўшнилар, қариндош-урулар тўплана бошлашди — шум хабарнинг қаноти юзта деганлари рост экан. Ана келиб қолишар, мана келиб қолишар дея илҳақликда уйга кирамиз, кўчага чиқамиз. Бир хабар бўлса-чи!.. «Биз ҳам борайлик-чи» деб кетгандардан ҳам дарак йўқ. Худога илтижо қиласиз, но-ла қиласиз:

— Эй худойим! Ишқилиб тинчлик бўлсин, — деймиз. — Марҳаматинг улуғ, парвардигор.

Бошда хабар олиб келган одам ваҳима бўлмасин, қўрқишишмасин деган мақсадда алдаганими, ишқилиб ўша дамларда ҳар қалай ортиқча ваҳмамиз йўқ, кўнглимиз тўқ эди. Ҳамма ўйлаганки, Муҳиддин — омон, у ер-бу ери сал лат еган, ҳадемай тузалиб кетади, балки шу бугун кириб келиб қолар, — деган-да.

Дилоромхон опа:

«Туман қуюқ бўлгани учун адамлар кетаётган аравани кўрмай, келиб урилган мошина «бурни бор» кичкина автобус экан. Ҳалқ орасида уни «ботинка» ҳам дейилади. Етиб борсак, чоғроқ касалхона экан, адамлар ўзларини билмай ётибдилар. Бошларини оқ дока билан ўраб-тангиб ташлашибди. Шу доканинг устига ҳам қон сизиб, кўлчиб турибди. Ойимлар «войдод» деб ўзларини у кишининг устига ташладилар... Мен ҳам қўрқиб йиғлашга тушдим. Тасодифни қаранг, Иқбор аммамнинг доктор ўғиллари — Қўчқор акам ўша касалхонада ишлар эканлар. Югуриб-елиб ҳар хил дори-дармонларни топиб, қараб туришди. Лекин қани бир мартағина кўзларини очсалар, бир оғиз сўз десалар, юракларим тўқилади, ада, ада, дейман, дод соламан. Қарамайдилар, эшитмайдилар.

Бурройим адам, хушзабоним адам, кейин билсан, бу дунёда айтадиган гапларингизни айтиб бўлган экансиз ўшанда. Ширин сўзларингизни энди айттолмайдиган аҳволга тушиб қолган экансиз...

Бир маҳал адамларнинг дўстлари — Комил амаким етиб бордилар. Адамларнинг ҳолини кўрдилар-у ўтраниб кетдилар, ҳаловатни йўқотиб, югуриб қолдилар:

— Йўқ! Бу касалхона бўлмайди. Тезда тузукроқ дўхтирга олиб бориш керак! ТошМИга етказиш кепрак! — деб туриб олдилар.

Мошина топилди. Бирга-бирга ТошМИга кетдик...

Бахтга қарши, дарров операцияга ётқизишнинг ило-

жи бўлмади — жарроҳлар банд экан. Адамлар кутиб, ётиб қолдилар.

Комил амаким тўполон кўтариб, кимларни дир топиб келдилар. Ушалар катта дўхтирлар бўлса керак, адамларни кўришида, Комил амакимни четга сурисиб:

— Фойдаси йўқ, — дейишди. — Үнгланмайди.

Буни мен ҳам, ойим ҳам эшитдик, уввос солиб йиғладик.

Охири... Менинг йиғлаганларим қулоқларига етдими ёки парвардигор ёруғ дунёни, жуфти ҳалолингни, болаларингдан лоақал бирортасини сўнгги марта кўриб қол, бандам, деб изн бердими, адамлар...

Кўзларини очдилар. Менга, ойимга бир-бир қарадилар. Ишонсангиз, қўлларини юзларига тортиб, сўэсиз дуо қилдилар-у...

Узилдилар... Кетдилар, бизларни ташлаб...»

Тушликка бориб эрталабки туман тарқаган, қишиб бўлганига қарамай, ҳаво чарақлаб очилиб кетганди.

Шунда... Дарвозадан Зулфия опа кириб келади-ю, истиқболига ошиқкан болаларини бағрига босиб, фарёд қилиб юборади:

— Войдо-од! Отангиздан айрилиб қолдик, болаларим! Айрилиб қолдик!

Ҳамма бир неча зумга даҳшат ичидаги хангу-манг, лол-мааттал туриб қолади. Сўнгра ҳовлидан осмоннинг бағрини қақшатгудек қий-чув, оху-вовайло кўтарилади.

\* \* \*

Эй муғаний биродардар! Қанисиз!

Бир маҳзун куй чалингиз, юракнинг дардига ҳамоҳанг бўлсин, бу дардни камайтирмасин, орттирсин майли!

Танбурчининг мизроби қалбларни қонатсин, ғижжакчи камонига жон риштасини қўйсин.

Уша хазин-хазин куй «Чўли ироқ»дай дарди бепоён наво бўлса, пешрав бўлса тагинам мақбул, ва яна унга жаҳондаги ҳамма эзгин куйларнинг намудлари қўшилиб кетсин!

Негаки, дарди-дилимиз энг йироқ чўлдан, энг кабир саҳредан бепоёндир бугун. Ўртаниш, изтироб аламларимизни босадиган куч йўқ, қудрат йўқ.

«Қайғу остида қолмоқдан күра тоғ остида қолган яхшироқ» дейдилар Ҳазратим...

Үзини унугиб, ҳушидап ажралиб зор-зор йиглаётган юрак яна күпроқ эзилишдан, ўртанишдангина ҳаловат топмоқни истайди.

Хей мұғанний дилдошлар, ана шундай мунгли-нав-хали бир күй ғалингиз!

Бу күн биз Мұхиддин исмли бир асл инсонни, меҳр, сақсоват, шинавандалиқ, ишқивозлик билан яшаган, шунча яшаса-да, ҳәётган түймай кетган бир мәрдни жаҳон даврасидан мангулик сафарига кузатмоқдамиз...

У олам сайрини 51 йилдаёқ тутатди.

51 ёшда...

Ажал ташлаган түрга бу гал жавоҳир тушган эди, ҳәётнинг гулини қишининг нафаси музлатган эди.

Мұхиддин ака беш қызы, уч ўғилнинг отаси эди. Қызларидан әндигина биттасини чиқаришга улгурған эди холос.

Тұғилажак қанча-қанча набиралар боболари бағрида яйрамаганлари каби, у ҳам набираларнинг на бўйини, на тўйини, на камолини кўриб қувонолмади. Севимили фарзаандларининг орзу-ҳавасини кўролмади, кўзининг оқу-қораси, дилимнинг муроди деган ўғлининг санъатда топган мартабасини кўриш, кейинги ўғилчаларини ака ортидан бориб санъату ҳунарда зўр, не-не давраларда қўр бўлган кунларига етиш насиб этмади унга.

Нетайлик, тақдири илоҳий шундай экан.

Айтадиларки, Мұхиддин ака кўмиладиган күн — фалокатнинг эртаси куни ҳаво бирдан тундланиб, осмон қол-қаро тус олади. Бўралаб қор ёғади, бўрон кўтарилади. Бу ҳодисанинг гувоҳлари, Само ҳам норасида болалар билан бир этак бола билан қолган муштипар аёлга, бебаҳо инсон, тозадил дўст, ҳамкорни йўқотиб:

— Во ҳасрато! — дея андуҳ тортаётган ёру-ёронлар, маҳалла-кўйга қўшилиб изтироб чекканга ўхшади, — деб айтадилар.

...Мұхиддин аканинг вафодор отини фалокат юз берган жойдаги бир таниш киши ўз уйнга олиб кириб кетган эди. Фотиҳа ўтгач бўлса керак, ўша одам отни олиб келиб ташлаб кетади.

Жонивор... Ҳовлига кирганда ўзини ерга ташлашини ҳам, кўкка сачрашини ҳам билмайдиган аҳволда, тарьиф ожиз қайғуда эди. Унинг туриши, ер тепиниб, бўш силкиб пишқиришидан:

— Мен! Мен — айборман! Ахир уни бу ҳовлидан соғу саломат олиб чиқиб кетган эдим, мен уни сақлаб қололмадим. Кечириңглар мени, — деган маънони уқиш мумкин эди.

Құл очиб дуо қылайлик, биродарлар:

— Илоҳим, Мұхиддин акани Парвардигор ўз раҳматига олсин, омин!

\* \* \*

Ҳазин чашмалардир күзларим маним,  
Чашмаки, ҳар томчи азиз, муқаддас,  
Уларни гавҳар деб этаман фараз  
Умр йўлларида тўплаганларим.

Турмуш тегирмонин гардидан сочи —  
Оқарган онамнинг кўзидан бир кун —  
Жоним узра томиб,

Жонимни буткул  
Жизғанак айлаган қайноқ кўэ ёши;

Қорни оч укамни ухлатмаган нон...  
Унинг, нон сўрай деб келгани чоғи  
Ночорҳол онамни кўргани замон  
Тилга чиқолмасдан қайтган сўроғи;

Юришни, кишинашни истамай қолган,  
Қанча эркалама — тураверган гунг,  
Бу фоний дунёдан чарчаган, толган —  
Отамнинг тулпори кўзидағи мунг;

Не-не эшиклардан ҳайдалиб,  
оппоқ —  
Юзи моматалоқ бўлган умидим;  
(Кўпроқ ҳайдасалар,  
келибман кўпроқ,  
Умидим, шунчалар  
қайсарми эдим?)

Жоннинг хамиридан узиб ёпилган  
Жоннинг ўзи қадар азиз ризқ, неъмат;  
Минг йиллик мاشаққат ўтгач,  
топилган  
Дастлабки бир-икки илиқ сўз, ҳурмат;

Халқым руҳидаги ботиний, алам —  
Дарёлари берган оғриқ қайғулар  
Бари бу чашмалар аро мужассам!  
Шун-чун гавҳар эрур ундағы сувлар.

Махзун чашмалардир, күзларым маним.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова:  
«Дилмурод — менинг дилу-жоним. Ўзиниям, санъатниям яхши кўраман. Шу йигитлар бор экан Уста Олимнинг саҳоват, меҳр, маҳорат, одамшавандалик каби ақидалар устивор устозлик мактабининг устидаги байроқ ҳеч қачон йиқилмайди, ерга тушмайди».

Ўзбекистон халқ артисти Дилафруэ Жабборова:  
«Дилмурод билан дастлаб танишган пайтларимда ёш ўсмир йигит эди.

Мени бу одамнинг бир фазилати, хусусияти ҳамиша ҳайратга солиб келади: бу — ундағи кўнгил қўйған ҳунарни, санъатни ўрганишга бўлган жуда улкан хоҳиш, доира деган созга нисбатан оташин муҳаббатdir. У устозларнинг хизматини қилиб чарчамасди, мана шу усулни, мусиқа жумласининг мана шу мушкул жойини яна бир марта кўрсатиб беринг, деб сўрашга орланмасди. Ўша ўзини қийнаган ўрнини олий такомилга еткизмагунча ишлаб ҳормасди.

Ундағи бошқа бир олий фазилат—садоқатdir. Унинг миллий санъатимизга, ўзи улғайиб катта бўлган, моҳир созанда, етук устоз мақомини топган жамоасига нисбатан садоқатига ҳар қанча таҳсин айтсанг кам.

У «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг яхши кунларини ҳам, ёмон кунларини ҳам, яхши раҳбарларини ҳам, ёмон раҳбарларини ҳам кўрди, барига чидади, ташлаб кетмади.

Шу ерда униб ўси, кўкарди. Шу ерда ижоди гулга кирди. Мана бугун меҳнати, сабру иродаси, садоқатининг ширин меваларини әл-юрти билан баҳам кўрмоқда».

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулаҳад Абдурашидов:

«Устозини рози қилиш, унинг кўнглидагини топиб, айтганини дилидагидан ўтказиб, ўрнига қушдек қўндириб қўйиш осон эмас.

Дилмурод фақат ўз устозининг эмас, жуда кўп ёши улув ижод аҳлининг қўлига сув қўйиб, хизматини қилиб, кўнглини кўтариб меҳрини қозонган, ўз устозларининг эса айтганларини, сўраганларини талаб даражасидан ўн баробар, балки ундан зиёда даражада бажариб бера олган, ҳаммаларининг дуоларига сазовор бўлган инсон ва санъаткордир.

Мен унинг бутун дунё таниган машҳур созанда бўлиб камол топиб кетишида ана шу дуоларнинг инкор этилмас ўрни бор деб ҳисоблайман».

## ИККИНЧИ ДАВРА ОЛДИДАН. УСТА ОЛИМ КОМИЛОВ (1875—1953)

Дилмурод: — Уста Олим — афсонавий санъаткор. Бугун Узбекистонда яшаб ижод этаётган доирачиларнинг деярли ҳаммаси шу кишини пиру устоз деб биладилар. Биз учун Уста Олим Урфий Ота, Рӯдакий, Паганини даражасидаги сеҳргар ижроцидир, етукларнинг етуги, устозларнинг устозидир.

Муаллиф: — Муҳтарам домламиз Муҳсин Қодиров ёзадилар: «Уста Олим шунчаки созанда эмас, балки ўз санъатини таг-томири билан, ҳар томонлама пухта эгаллаган баркамол ижодкор, ҳақиқий устоз, олийжаноб инсон эди. У неча авлод санъаткорлари томонидан асрлар мобайнида яратилган усуллар ва рақс ҳаракатлари хазинасини оча олган, ундан ёлғиз ўзи эмас, бутун ҳалқни баҳраманд этишга аҳд қилиб, ниятига етган пири бадавлат киши эди».

Дилмурод: — Уста Олим санъаткорлар шаҳри, нафосат чамани, сайиллар, байрамлар, базмлар макони Марғилонда таваллуд топиб вояга етгани учун куйга, қўшиқка, рақсга эрта кўнгил қўйғанлар. Болаликданоқ санъаткорлар тўлига қўшилиб доира чалганлар, рақс тушганлар.

Муаллиф: — Уста Олимнинг айни чогда қўли гул аравасоз сифатида ҳам донғи кетганди. У қулинг ўргилсин соябон араваларнинг моҳири эди. Уста ясаган араваларнинг ичкариси фақат шу ҳунарпеша қодир нозик маҳорат, ҳавас, ижодий тахайюл билан безалар, бежирим, накшинкор тахтачалр қоқилар, атласу кимхоб матолар тортиларди, түянинг кўзидай ойначалар анвойи рангларга бўяб ўрнатиларди. Олди-орқа томонига пардалар осиғлиқ. Қараган кўзнинг қувончи, ўтирган жоннинг хузури бунақангি аравалар ўша замоннинг «Нексия»си, «Мерседес»и эди, деяверинг!

Улар бою-боёнлар, пўрим, чапани бойваччалар, киборлар орасида харидоргир эди. Устанинг маҳсулоти, шунингдек, то Туркманистон тарафларгача машҳур бўл-

ган. У тайёр араваларни бир-бирига улаб, олиб бориб Чоржу, Мари шаҳарларидағи бозорларда сотиб келарди.

Дилмурод: — Гавҳар ола Раҳимова устанинг лакаби «сөз» бўлган эди, дейдилар. Бу у кишининг нафақат доира, балки чанг ва бошқа созларни ҳам маҳорат билан чалгани туфайлидан бўлса ажаб эмас. Тамараҳоним эса ўз хотираларида Уста Олимни «Марғилонлик денди» деб атайди ва ҳамиша шинам, олифта кийиниб юрадиган, этиклари соқол олиш мумкин ойнадек, яктағи қуёш тушган кордек ярақлаб, чуст дўпписи бош устида омонат қўниб турадиган бу йигитни ҳамشاҳарлари «карранда» дейишарди, деб эслайди.

Муаллиф: — Устанинг озодалиги, саришталиги, нозик табиати, бир кесарлиги, интизомни, тартибни қаттиқ ушлаши ва ҳар қандай ишга қўл урса, то камоли авжини фалакка етказмагуича эринмай ишлайвериши, изланавериши ва бошқа фазилатлари унинг усул моҳири шогирдларига мерос бўлиб қолган.

Дилмурод: — Шундай. Фоғир ака Иноғомов бир айтиб бергандилар: уста битта гапиражканлар. Билиб, айтганларини бажармаган, билиб-билимай тортишадиган шогирдларини ёқтирас эканлар. Ана шу авторлари учун шогирдлари устозни орқаваротдан «қалампир» деб ҳам аташаркан.

Муаллиф: — Бу табаррук санъаткордан илгари ҳам, у яшаган даврда ҳам ҳупари мўъжиза, зарбаси ширин, пирранг доирадастлар бисёру бисёру бўлишган. Бироқ, Уста Олимнинг буюк хизмати шундан иборатки, у аввал айтганимиздек, тарихи бир неча минг йиллик доира санъати — устозлари яратган улуг меросни — анвёйи усулларни, йиғиб-териб жамлади, тартибга келтирди, янги усуллар ижод этиб, бойитди ва бу ноёб ҳазинани шогирдларининг қўлига ўтказди, қўнглига жо қилди. Уста бу билан ана шу усуллардан кўпчилигини бутунлай унутилиб, йўқолиб кетишдан асраб қолди. Бир вақтлар, замонанинг зўри билан, доирани феодал маданиятига хос асбоб деб қатағон қилишга, ўзбек санъатидан сурриб чиқаришга ҳам уринганлар бўлди. Бу созни, ўшанда, айнан Уста Олимга ўхшаган миллий санъатимизнинг фидоийлари, жонкуярлари сақлаб қолганлар.

Дилмурод: — Устоз тўплаган ҳазинанинг анча қисми унинг 1928 йилда Тамараҳоним билан биргаликда яратишган «Доира дарс» номли услубий қўлланмага жо бўлган. Доира санъатига кўнгил қўйган ҳавасмандлар

шу дарсни ўтиб, унда жамулжам этилган усулларни пухта ўргансалар, қиёмига етказиб чалишни эплай билсалар ҳеч қайда ва ҳеч қачон доғда қолмайдилар.

Муаллиф: — Уста Олимнинг халқ рақслари «ғолиби» — устози сифатида ҳам хизматлари улугдир. Юзлаб чиройли, нодир рақс ҳаракатларини хотирига муҳрлаган бу соҳибмаҳорат инсон уларни шогирдлари Тамараҳоним, Мукаррама Тургунбоева, Ҳалима Комилова, Розия Қаримова, Гавҳар Раҳимоваларга ўргатди, улар билан бирга «Гул ўйин», «Пахта», «Пилла», «Шоҳида» каби янги рақслар — ижод этди. «Гуландом», «Оқбилак», «Балерина» сингари биринчи ўзбек миллий балетлари, «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» мусиқали драмалари, «Бўрон», «Буюк канал» опералари ҳам устанинг фаол иштироки билан яратилди.

1935 йилда Лондонда бўлиб ўтган Халқаро рақс фестивали бошқа миллатлар қатори ўзбек санъатимизнинг ажойиб ғалабаси билан якунланганди. «У... ўзбек рақс усуллари ва ўз чолғучилик маҳоратини муносиб равишда намойинш этиб, фестивалнинг олтин медалини олишга мұяссар бўлди, — деб ёзади домла Муҳсин Қодиров. — ...Мўъжазгина чолғуда бутун бир оркестрга тенг усул ва оҳанглар ҳосил қила олган бундай созанда маҳоратига танг қолишиб, уни «мўъжизакор» («свиртуоз») деб аташди».

Дилмурод: — Ҳар кунимиз азиз авлиёларимиз, аждодларимиз, ота-онамиз қатори устозларимиз руҳига, ва албаттаки, Уста Олим Комилов руҳларига дуо баҳш этишдан, давраларимиз у кишининг хотираси, ҳурматига таъзим бажо келтиришдан, номларини зикр этишдан бошланади.

Муаллиф: — 1980 йили Сизнинг таклифингиз, елибюгуршишингиз натижасида пири устознинг Чигатойдаги қабри устига хотира тоши ўрнатилганидан хабаримиз бор. Бу тошга Уста Олим дилидану Муҳаммад Юсуф қаламидан тўкилган ушбу сатрлар чекиб қўйилган:

Дунёнинг тор йўлида

Менинг ҳам оҳим қолди

Шогирдларим қўлида —

Доирада додим қолди.

## ИККИНЧИ ДАВРА

### 1

Тириклик сувидан ҳали қониб ичмай туриб, ҳаётининг олтин жоми бандоғ синган Мұхиддин ака Лавхұл Маҳфузда битилган тақдирига бүйсуниб, қадрдонлари билан дийдор қиёматда деб видолашиб кетганида Зулфия опанинг ёши қирқнинг довонидан энди у ёққа ўтган истараси иссиқ, күхликкина, кулиб турған аёл эди.

Юзларига ажин қалам теккизмаган, соchlарига кексалик мусаввири оқ бүёқ еткизмаган...

Фожиадан кейин ўтган бир йил орасида опанинг юзлари ўша қалам тирнашларини ҳам сездилар, энди бу менинг измимга ўтди деган фикрга келган кексалик унинг соchlари учун оқ бүёқни ҳам аямади.

Бу соchlарни кексалик әмас, мусибат, изтироб оқартириди, муштоқлик ваҳимаси, қон қақшаб қолган болаларни қандоқ күтараман, одамлар сафиға нетиб қўшамай деган тоғдек ташвиш, масъулият қўрқувни оқартириди.

Агар Мұхиддин ака ҳаётининг жоми тақдир отган тощдан ногоғ чил-чил бўлган эса, Зулфия опанинг қўлидаги жомга қон томди, кўз ёши томди, кейин эса пешона тери аралашибди — оқибат, бу жомдаги обиҳаётталх бўлди, аччиқ бўлди.

Оби равон дарёнинг йўлига тоғ юмалади, сувлари тирқираб қолди дарёнинг...

Бошимға ёққан ғам тошин  
мингдин бирича бўлмағай  
Гардун агар минг бесутун  
ёғдирса Фарҳод устина,

деб куйлаган эдилар Фофир аканинг навозанда биродарлари. Бу куй, бу сўзларни эшишган Дилмурод, наҳотки бу дунёда шундоқ алам, шундоқ изтироб бўлса деб бовар қилмаб эди. Кўрадики, одам боласи бошига туша-

диган мусибатлар изҳори учун ўша сўз, ўша афғонлар ҳам камлиқ қилас экан.

Зикр этиб ўтилганидек, фарзандлардан фақат биттаси — Диљбархон турмушга узатилган эди, холос. Диљоромхоннинг бўйга этиб қолгаш пайти, Мавлудаҳон, Мавжудаҳонлар бири ўн уч — ўн тўрт ёшларда, иккичиси ўн бир яшар — мактабга боришади. Диљмурод тўқизда, Холмурод ундан кичикроқ. Элмурод 1959 йилда туғилган, демак ўшанда тўрт ёшдан сал ўтган бўлади. Ва Машҳураҳон — ҳали бешикда ётган қизалоқ.

Мавлудаҳон опа:

— Онамиз остона ҳатлаб кўчага чиқсан аёл эмасдилар, лоақал нон дўкони қайди — билмасдилар. Адамлар тирикчилик учун зарур ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўярдилар. Бирдан бунақа ишлар бўлиб, ҳамма юқ онамининг елкаларига ортилиб қолди... Ишлайдиган одамнинг ўзи йўқ, еттига болага бундан буён нима едирманан, нима кийдираман, бунча юкни қандоқ кўтара-ман, унинг залворидан ерга кириб кетмайманми, деб ваҳимага тушганлар-да, ойим бечора!

Фоғиржон ака Азимовга ўшаган қўшниларга, Муҳиддин аканинг дўстларига, қариндош-уруғларига минг раҳмат, Худо хайр берсин, қараб туришмаган, баҳоли кудрат ёрдам беришган. Бироқ ҳар кимнинг араваса бошқа, ташвиши ўзига етарли. Битта оиласа туз ҳам керак, игна ҳам — қай бирини айтасан қўшнига ёки қариндош-уруққа? Тобакай, ким бир чимдим ун, бир қултум ёғ ташлаб кетаркин деб дарвозга термуласан! Тобакай:

Улфатим андуҳу ғам, токайгача йигларам,

Қатра-қатра кўзда ашким,

дийдаси хунборман,

деб ўтирасан!

Йўқ... Ўзинг тортмасанг, ўзинг чиранмасанг иложи йўқ. Ўз отига минмаган узоққа боролмайди!

Муҳиддин ака кетаётган аравани уриб юборган автобуснинг ҳайдовчиси ўзбек экан, шу одам ўртага у танишини, бу қўшисини қўйиб, роса югурди: кечирим сўради, ёрдам таклиф қилди.

Бироқ аҳволи бу хил бўлиб, бошини чангаллаб қолганига қарамай Зулфия опа ўша одамнинг ёрдамларини умуман қабул қилмади — бир сўм пул, пул у ёқда турсин битта чўп олгани кўнмади. У одам — суди судра-

либ, бир ёқлик бўлгунча ҳовли атрофида кўп айланди, ул-бул харид қилиб қўни-қўшниларнига ташлаб кетиб юрди:

— Болалари ёш экан. Нима бўлсаям — мендан ўтди, мен — айборман. Қўлимдан келганича ёрдам берайин. Йўқ демасин, олсин, қийналиб қолишмасин.

Қўшнилар орага тушишди:

Енгиллик сўраяпганим йўқ, чин кўнгилдан беряпман, деб ташлаб кетди. Олаверинг, ахир, арғамчиға қил мадад дейдилар, ўргулай. Хўп десангиз Машҳурани ўн саккизга киргунча ҳамма сарфини кўтараман деяпти.

Ола ўз сўзида событ қолди:

— Бунақа ёрдамнинг бизга кераги йўқ, — деди қатъий қилиб, — тўрт мучали соғ, юриб турган эримни, болаларимнинг отасини ўлдиради-ю, мен унинг қўлидан емиш-хиймиш қабул қиласманми! Кўрмайн ҳам, куймайн ҳам, айтинглар: келмасин бу тарафларга! Гуноҳкорми, бегуноҳми, ана, давлат ҳал қилсин. Қолаверса, Оллоҳ — ҳакам. Мендан эса... кечирим кутмасин, кечиролмайман уни барибир!

Шундан кейингина у кишининг бу маҳалладан қадами ўзили. Айтишларича, олти-етти йилга кесилиб кетган экан.

— Биз у одамин ўшандаям, ундан кейин ҳам кўрмаганмиз. Танимаймиз, — деб якунлайди бу мавзуни Мавлудаҳон опа.

## 2

Ўртаниш, изтироб, қайғу ва алам опа юрагини ёндириб юборган, унинг кўксига бир ҳовуҷ кул қолган, холос.

Навниҳол умидлар эмин-эркин ўсаётган боқقا аёз кирса нетасиз?

Шамси мунаввар чарақлаб турган хонадон кўнгли яримта-ю, бели долгина ойнинг ёруғи ва тафтига қолса-чи, унда не дейсиз?

...Тирикчиликни тўхтатиб бўладими, етти жон кўзингга жовдираб қараб турган эса... Инсон — гавҳари қобил, опа, мулоҳаза қилса, ишга кирмаса, ишламаса ҳеч иложи йўқ... Тақчиллик, етишмовчилик каби шумқадамлар ҳовли дарвозасини тақиллатмай туриб, уларнинг йўлини тўсиш керак, ичкарига киритмаслик тадбирини ўйлаш керак. Бироқ, қайда ишлайди? Қўлида ҳунари

йўқ, иш тажрибаси йўқ тўғригина аёлни ким, қайга ишга олади?

Таниш-билишлар аралашиб сўраб-суриштиришлар натижасида ундан-бундан иш ҳам чиқди, бироқ энди бошқа муаммо қўндаланг келди-ю, бу имконлар йўлига ғов қўйди: ўша иш жойлари ҳовлидан анча йироқ, опа, ахир, бири-биридан кичик жўжаларини қандоқ ташлаб кетади-ю, кимга ташлаб кетади? Дијором бир ўзи эплай оладими укаларини?

Фарзандлари қаровсиз қолиб бир кори ҳолга учраса ёки кўча болаларига айланиб кетишса марҳум эри кечирадими уни?

Опанинг ўзи кечирадими ўзини?

Йўқ, шундай иш топиш даркорки, албатта, уйга яқин жойда бўлсин!

Зулфия опа ўйлаб-ўйлаб, бир тўхтамга келди: маҳалладаги ҳаммомга фаррош керак экан, шу ерга жойлашди. Эшигнанлар лаб тишлидилар, тиззага шапатиурдилар:

— Хе, дарис! Мұхиддин раҳматли тирик турганда шундоқ бўлармиди!

«Э, ким нима деса дер, — деб жавоб берди опа бу ва бошқа шу хил гапларга, — меҳнатнинг айни борми! Болаларимнинг кўзини ўйнатиб ўтираманми!»

Опа яратган тангрига болалари борасида ҳар қанча шукронга айтса кам... Улар жавиазак мевалардай бот улғайдилар, оиласининг аҳволи, оналари тортаётган кундалик изтироб, азият, жасоратни кўриб, кузатар эканлар қийинчиллик ва синов даврлари келганини ҳис этдилар.

Ҳамма оғирликин якка кифт бўлиб қолган опанинг ўзига ташлаб, томошабинлик қилишгани ёки бевош шўхликка ўрганиб, номаъкул кўчаларга кириб кетишгани йўқ — улар кичкиналиктан қўллари косов, сочлалири супурги, тиришқоқ, меҳнаткаш, тош келса емирадиган, қум келса симирадиган чидамли-саботли, ва айниқса, айниқса уйга жон тортадиган, беш тийин топсаям:

— Опажон, мана мен шуни топдим! — деб олиб келадиган болалар бўлишди.

В. Сухомлинский бундай деб эди: «Сен болаликдан она кўзларга боқиб, улардаги ташвиш ва ҳаловатни, сурур ва ҳаяжонни кўришга ўрганмаган экансан — бир умрга аклоқий жиҳатдан ногирон бўлиб қоласан. Сев-

гидаги қўполлик сингари ахлоқий ногиронлик ҳам кишилар бошига кулфат, жамиятга зарар келтиради».

Мавжудаҳон:

«Ойимлар саҳарлаб ишга чиқиш учун қўзғалар эканлар, қолганлар ҳам ўз-ўзимииздан туриб кетардик. Ўй—ёлғиз, кичкиналарни қандоқ қолдирасан, уларни ҳам бирга оламиз. Шу зайлда, бутун оила узун-қисқа бўлиб ишга чиқамиз. Укаларим Элмурод, Машҳураларни ўша ердаги курсиларга ётқизиб қўярдик, улар бизга кўзлари жовдираб қараб ётиб ухлаб қолишарди.

Биз эса — супурган, ким ахлатларни олган, ким полни, тогораларни ювган, тартиб билан тахлаган — югуриб-елиб, бир пасда тозалаб ташлардик ҳамма ёқни.

— Сиз ўтиринг! Сиз уринманг! — дер эди Дилмурод опамларни ишлатгиси келмай. — Биз турибмиз-ку, ахир!

Афтидан ҳеч бўлмаса шу йўл билан опамларнинг мушкулини осон қилмоқни истарди».

### 3

Дилмурод ҳаётининг бу даври давраси гарчи етишмовчиликлар, тинимсиз меҳнат, уриниш билан тиyrа эди. Аммо бу давра Зулфия опадек тенгсиз инсон, ой табиатли, қамар кўнгилли аёл, меҳрда сабрли, муҳабатда садоқатли ва ана шу фазилатлари билан болаларига ўrnак-ибрат бўла олган Улуғ Онанинг нури билан мунаvvvar бўлди.

Зулфия опа тирикчилик жиловини қўлга оларкан, рўзи азалдан Аёлга, Онага хос бўлиб келган таомилга амал қилди: ўз уйи, хонадонини бало-қазодан, хавф-хатардан, парокандаликтан асраш учун курашиб яшади.

Аёл учун оила, уй — ватанинг жонли бир жузви, бўлгагидир, Ватанинг ўзи каби муқаддасдир.

Зеро, донишмандлар бир-бирларини тўлдириб демишларки: «Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир».

«Она муҳабатидан муқаддасроқ ва бегаразроқ ҳеч нарса йўқ: ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай туйғу ҳам унинг олдида ё ожиз, ё баразлидир».

Дейдиларки, кунлардан бир куни аёлга ўзинг ҳақингда гапириб бергин деб илтимос қилишибди. Шунда у бошини эгибида-да, шундай деганимиш:

«Хонадон ўчогида гуркираб ёнган олов менинг меҳрим туфайли бунёдга келган ва менинг муҳаббатим, аёвим туфайли омондир.

Менинг исмим Тўмарис эди, фарзандимни маккорлик билан, домига туширган Кайхусравни, кир юракли Кир подшоҳни фақат она юраги қодир муҳаббат ва нафрат ила маҳв этдим.

Бир куни мени Нодирабегим атадилар. Қўқон хони Умархонни ҳусни камолим ҳақинидаги овоза маст этди, унинг суюкли рафиқаси бўлдим. Биз ҳамнафас булбуллардек умр кечирдик... Андоқки, ажратса олмас эдилар, қай бир булбул айтган наво нағисроқдир, гўзалроқдир.

Ҳамнафасим, ҳамсозим бақо манзилига рихлат қилгач, хонликни идора этиш мену вояга етмаган ўғлим Муҳаммад Аминхонга қолди.

...Бухородан Амир Насрулло лашкар тортиб келиб, Ҳўқанди Латифни қонга ботирганда, ўғлимни, унинг бегуноҳ гўдакларини бисмил этганда чидай олмадим. Босқинчилик, зўравонлик, қонхўрлик билан ҳеч қачон келишолмаган, муроса қилолмаган юрагим, Она юраги туғенга келди, жунбушга келди, муқаррар ўлимни бўйнимга олиб амирга бор нафратимни изҳор этдим.

Мен вафо тимсоли, садоқат рамзи Зулфия бону бўлдим. Дунёдан эрта қайтиш қилган дилдошим Ҳамид Олмажоннинг қўлидан тушган созни ердан кўтариб олдим ва умрим адогигача муҳаббат ҳақида дилбар сатрлар тасниф этиб ўтдим. Ёлғиз бошим билан фарзандларимни кўтардим, улар ўқимишли, одобли, элу юртда обрў-эътиборли одамлар бўлиб улғайдилар.

Не-не урушларни, қатагонлар, қаҳатчиликлар, жудолик-мусибатларни кўрмади бу бошим... Ҳаммадаи, ҳаммадан менга оғирроқ эди ўша кезлар. Негаки, мен она эдим, бўй ўғилларини жанггоҳларга, нақд ажалнинг домига юбориб, у ёқдан машъум хабар келса куйиб-куйиб қорайиб кетган, шамдай оқиб тугаган ҳам, бу мусибатларни кўтарни баробарида бошига дуррани маҳкам боғлаб кетмон чопган, дастгоҳларни юргизган, норасида фарзандларим очликдан увол бўлмасин деб ноннинг увоғини, ушоғини қидирган ҳам мен эдим...

Айтишларича, бир куни аёлга ўзинг ҳақингда танириб бергини, дейишибди. Шунда у юқоридаги сўзларни айтган экан.

Агарда у ҳамма гаплар ўрнига:

— Мен ўзбек аёлимсан, — деб қўя қолганда ҳам ҳаммаси кундек равшан бўларди.

Негаки... Шоири даврон Эркин Воҳид: таърифнинг битмакка, халқим, мингта Фирдавсий керак, деганлари

янглиғ, «ўзбек аёли» деган жумла, борлик, хилқатнинг тафсирини битмакка неча-неча алломалар, булбулкалом шоирлар уриндилар, бу уриниш олам тургунча давом этса керак, лекин ушбу тафсири барибир тўла баён этиб бўлмайди.

Зулфия опа, ўзбекнинг жуда кўп таниқли санъаткорлари «Ойи» деб атаган бу камтарин, камсуқум, меҳри қўёш инсон ана шундай муқаддас, табаррук аёллар зотидан эдилар.

#### 4

Дилмурод — 9—10 яшар бола, ҳаётнинг пасту баландини эрта идрок эта бошлаган, фаросатли, тамизли йигитча, онаси чекаётган риёзатларни кўриб, «Эр йигитнинг уялгани — ўлгани» эмасми, гоҳ юраги эзилар, гоҳи ер бўлар, гоҳи эса сиқилиб, хунобага тўлиб ўзини қўярга жой тополмасди.

Онасининг елкалари шилиниб, қадди қомати эгилиб, тирикчиликнинг оғир аробасини ёлғиз ўзи тортаётгани ушинг учун, Дилмурод исмли ўн яшарли эркак учун ҳақорат эди, номус эди. Ахир, машойихлар: «Этсам онамни дардманд, ахир мен қандоқ мардман?» деганлар.

«Бундай бўлмаслиги керак, — дер эди у қаттиқ туғилган муштлари билан деворни муштлар экан кўзларидан ёш тирқираб. — Мен, мен — ҳозир оиласининг бошлиғи. Чунки, бу уйда катта эркак — менман! Демак, мен тортишим керак аравани!»

Кеча, отасининг даврида дўпписи яримта бўлган, бугун эса кўнгли яримта бўлиб қолган йигитча дангасалик, ялқовлик нималигини, қандайлигини билмади, билишини истамади. Чарчоқ, дам олиш деган иарсалардан нафратланди. Ўз нафини кўзлаш, нафсининг сўзига кириш каби одатларни калтак олиб қувлади.

Дилмурод, турган гапки, опалари, укаларидан қаттиқроқ, кўпроқ жидду жаҳд, зарда билан жон койитиб ишлар, ҳаракат қилар, нима қилиб бўлса ҳам онасига ёрдам бериш, унинг бошига ёғилган ёмғир найзаларнга қалқон бўлиш, иложи топилди дегунча уни умуман ишга чиқармаслик пайнда эди.

— Ҳаммомдаги иш жойларидан опамга ўттиз сўм маош берарди, — деб эслайди Дилмурод. — Агар ўша пайтда бир буханка нонни 16—20 тийин бўлгани ҳисоб-

та олинса, бу пул фақат ноннинг ўзига етарди. Чунки оиласда саккиз жонмиз, кунда 5—6 буханка нон етмайди. Шунинг учун айтаманки, маошмиди у, «ма сув» ёки «ма қуруқ нон!»ми билмайман. Опам шуни назарда тутиб, озми-кўпми қўшимча кирим йўлларини топишга уринганлар. То ҳаммомдаги ишлари бошлангунга қадар, биз ухлаб ётган пайтда Кўкчага бориб иккита челакда қатиқ олиб келардилар. Ҳар куни, қиши демай, кор, ёмғир, иссиқ, совуқ демай, Ҳудонинг бермиш куни икки челак қатиқни кўтариб келарканлар опам бечора! Кўкчадан Ишчилар шаҳарчасига-я! Ҳа, опагинам-а!

Энди қайдасиз, Зулфия опа?

Сиз-чи, сиз қайдасиз, Мұхиддин ака!

Ҳурсандлик изҳорини-ю, миннатдорлик туйгуларини фарзандларингиз кимга этсинлар бугун?

Шуни айтсалар керак, «ошу нонни бемалол топганда Сизни топмадим», деб...

Дилмурод бу ишда ҳам, бошқа барча катта-кичик ишларда ҳам онасига бош ёрдамчи, биринчи ўринбосар бўлишга уриниб яшади ўша кунларда.

У оиласинг бир дам тўхтамайдиган, тин олмайдиган моторига айланган, ўзиям тиниб-тинчимас, спалари-укаларига ҳам қўним бермасди.

— Адамлардан қолган қўр-қут — мол-қўйлар бор эди, шулар асқотди. Семиртириб, сотиб янгилаб туриш мумкин эди. Анҳорнинг қирғоқларига олиб чиқиб, боқиб юрдик... Лекин тез орада бу ҳам кимгадир ёқмади. Милициядан келиб хархаша қила бошлишди — ундоқ эди, мундоқ эди, шаҳарнинг ўртасида чорва боқиш мумкин эмас, деб.

Шундай қилиб, кимдир отган тош бу имкониятни ҳам синдириди.

Радио кечаги қўшиқларни бамайлихотир айтади, дарахтлар қўлларини қарсиллатиб гул очадилар. Рақстушадилар гўё. Анҳорнинг ҳам димоги чоғ, хиргойи қилиб оқиб ётибди — тўхтаб қолгани йўқ!

Ахир, шу адолатданми! Дарвозанинг қўллари энди отасини қучмаса, ховли унинг қадамларини сезиб яйрамаса, кўчалар уни чақириб келмаса... Булар эса!

Йўқ, йўқ, болакай! Дунё менинг дардимга лоқайд дема!

Баҳор сенинг кўзларингга қаролмайди, шўхликлар сен жиддий, ўйчан, ташвиш билан келар экансаи ҳомуш

тортиб секинлайдилар, гузар сенинг ортингдан бошини сарак-сарак қилиб қараб қолади.

Боланинг руҳи, қалби аламли ларзалар оғушида эди, ларзаки, унинг таъсиридан, оғриғидан еру кўкка сиф-майсан, ўзингни қўярга жой тополмайсан, бу таъсирини кейин умрбод унудиши мумкин эмас...

Ўшалар, ўша оғриқлар, ларзалар ҳам кўнгил мул-кидаги жавоқирларга қўшилади...

Дилмурод ўша пайтда ўтган дорилфунунларнинг муаллимлари темир-тирноқ бўлиб курашиш, меҳнат, ма-шаққат эдилар. Хатарлар, восвосга солиб адаштироқчи, иродани мўртлигидаёқ синдиримоқчи бўлганлар ҳам кам эмас —adolatcizlik, xўrlik, қадрингга etmaslik... Уларнинг қасдида шу болани йўлдан оздириш, итариб-сурисиб ташлаш ёки енгил-елли, тўғри-нотўғри топилган пул ҳиди, май ҳиди, бошқа нохуш бадбўйлар анқиган кўчаларга солиб юбориш эди. Бироқ бу саркаш йигитча йиқитсалар туриб, итарсалар сурисиб, жойига тикланиб ўз йўлини топиб олаверди.

Бу ўринда уни қўллаган, сал адасса роҳи ростга йўлган тоза мурод, гавҳаркўнгил устозлар ҳам кам эмасдишар.

— Опамлар Кўкчадан келтирган қатиқни стаканларга қўйиб берардилар, ҳаммомга олиб чиқиб сотардик. Чой ҳам ташкил қилгандик. Шу, терлаб қизиб чиққан пайтига чой ёки қатиқ тутай деб. Ундан ташқари, уйимиз Фишт заводининг орқасида эмасми, кўчада мошиналар, аравалар турнақатор бўлиб турарди, одам ҳамиша гавжум — ёз пайтлари қатиқни айрон қилиб сотганимиз. Ундан ташқари... ўша атрофда донги кетган пивохоналардан бири жойлашган, кечга яқин одам қайнаб қоларди — у ерда қурут сотишни «йўлга қўйганимиз». Шунинг ёнига бозордан олиб келган қора писта, ҳовлида ўстирганимиз кўкатларни ҳам қўшар эдик.

Битта стакандаги чой қанча тураркин? Икки тийин, нари борса беш тийин... Бир стакан қора пистадан-чи, бозордан олиб келиб, сотилса қанча қолди? Яна тийинлар.

Турмушнинг тегирмони тўхтаб қолгани йўқ, бироқ унга қўйилаётган сувнинг ҳар қатраси ана шундай азобу уқубат, уруниш билан топиларди. Шу боис ҳам, Дилмурод оиласа, онасиға озгина ёрдам берадиган, бир неча тийин ёки ярим сўмгина топиш мумкин бўлган меҳ-

натдан ор қилган, қочган эмас. Аксинча, шундай иш чи-қиши мумкин жойларни ўзи қидириб борарди.

Маҳалладаги дўконларда қопда, яшиқда ва ёки қоғоз қутиларда товар келса, уни тушириш, у ёқ-бу ёқни супуришга ёрдам берар, кези келгандага савдога ҳам қарашиб юборар, ошхоналарда картошика, сабзи артиш, пиёз тўғраш, гурунч тозалаш, ўтин ёриш, оловга қараб туришларга аралашиб юриб, ошпазларга ҳам «ўз» бўлиб кетганди.

— Ҳа, кетаяпсанми, Дилемурод? Шошма, болам. Ма, манави овқатни олиб кет. Укаларинг билан ейсизлар... Кўнглингга келмасин-а?

— Йўқ, амаки.

— Уч-тўртта картошка, пиёз, иккита нон ҳам тугиб қўйдим, опангга обориб бергин! Эҳтиёт қилларинг опангни, хўпми?

— Хўп... Раҳмат, амаки! Худо хайр берсин Сизга!

Севинч билан ўксиниш бирга келиб, кўксидан кўтарилигани, энди кўзларидан қуюлмоқни истаб турган ёшлиларини ютиб, топган бир-икки нони, бир-нечада картошка-пиёз тугилган белбоқни бағрига босиб уйга қараб чопади.

— Иш шу даражага бордики, бора-бора бинойидай овқат пиширадиган бўўп қолдим. Ойимлар бу кетишида ўғлим ошпаз бўлади шекилли, деб юрдилар.

Валлоҳу олам, шундай бўлиши ҳам мумкин эди.

Бироқ, Дилемуроднинг аввалги даврамизда айтганимиз нафис олам саёҳатларида иштирок этганини, ўша оламнинг афсонавий сеҳргарлари билан учрашувларини унутмайлик. Дўстимиз юрагидан бу баҳти мулокотларнинг ишқи-таъсири кўтарилигани эмас, шунингдек, раҳматли отасининг ўз фарзандини дўсти Фоғиржонга, унинг мўъжизакор соҳирларга алоқадор, номи чиққан, донгдор улфатларига ўҳшаган созанда, машшоқ кўрмоқни орзу қилгани ҳам ёдида...

Отанинг тилагини ёддан чиқариб бўладими!

Бу важҳдан ҳам у рўзғор ташвишлари нисбатан имкон берди дегунча, отаси олиб берган доирани қўлига олади, нималарни дир чалади, уқув истайди, маҳорат қидиради.

## 5

Бўлур устодсиз иш барча душвор  
Бурун устод, андин сўнг иш, эй ёр,

дейдилар. Фоғиржон ака Азимов ўзбек доирачилари-нинг пири Уста Олим Комиловнинг 1936 йилда тарбияга қабул қилган шогирдларидан бўлиб, ундаги ҳар бир иши оғишмай-тоймай, эринмай, охирига етказиш, тартиб-интизом, орасталик, айни чоғда талабчанлик, пайти келганда ўз ҳукми, амрини шогирдига сўзсиз бажартира олиш хусусиятлари ҳам пирининг сабоқлари туфайлидандир.

Фоғир ака ниҳоятда озода одам эдилар, биз айтмасак ҳам аксарият санъаткорлар яхши биладилар, демак буни айтиб гуноҳ қилмаймиз — у кишининг лақаблари «чўтка» эди. «Унвон» бу фаришталик одамга айни ўша ҳаддан зиёд покизалиги, оппоқ, топ-тоза кийиниб юриши, бир кунда икки — уч қур кийим алмаштириши, чаладиган сози-ю унинг филофини ёғ тушса ялатгудек қилиб тутиши учун берилган.

Фақат зоҳирий озодалик эмас, шунингдек, ботиний саришталик, осудалик, маданият билан, саховат ҳоҳиши билан яшаган, кўнглида яғири йўқ бу инсон ўз сўзининг эгаси эди, берган ваъдасининг устидан чиқмай қолмас, санъатига олий муҳаббат, хизматига олий интизом билан ёндашар эди.

Вақт етиб, унинг мазкур фазилатлари зурриёдларига, шогирдларига, алалхусус Дилмурод ва унинг укаларига мерос бўлиб қолди. Фоғиржон аканинг кенг кўнглига сигиб таълим мини олган ва камолот саройнда ғуломликдан мулозимликка ва унданда сарафroz мартабага эришган дастпарварда созандалар Ўзбекистонда беҳисобидир.

Фоғиржон ака истараси иссиқ, тошни эрита оладиган табассум эгаси, дилкаш, болажон, гапни қоғияси билан гапиради. Ишдан, машқлардан холи пайларни болалар билан ҳар турли ўйинлар ўйнаш, бир нимарсалар ясаш — унинг жони-дили. Айниқса, кўклам чоғлари дили яйрайди — бунаقا чоғлар уни варрак ясаётган, учираётган зумрашалар даврасидан топасиз:

— Қани, шошмай тур-чи, Хошим, — деб варракни ўзи ясаётган, қандоқ қилса баландроқ учиши мумкинлиги ҳақида тортишаётган... Осмонни тўлдириб, шох ташлаб учайётган варракларга қувониб, маҳлиё бўлиб қараб ўтирган. У ва жинқарча дўстлари ишлаган қўлбола тайёра булатларни чоғда қолдириб, юлдузларнинг пинагини бузгандга кўрмабсиз — болалардан кўпроқ яйрайди, завқ юқтиради, қувонч юқтиради уларга...

Бундайин мусбат қувват, ҳаётга ишонч, шодликка инилиш хоҳиши айниңса Дилмуродга зарур эди ўша пайтлар...

— «Бум-бак»ни Фофир ака ўргатганлар, — дейди Дилмурод худди менинг биринчи ўқитувчим фалончи эдилар, алифбони ўша кишидан ўрганганман, дегандек.

— Бу касбнинг дастлабки дарслари нимадан бошланади?

— Дарсларга ҳали анча бор... Фофир ака «бум-бак»ни ўргатганларидан, доирадаги ҳамма усуллар ма-на шу икки товушдан хосил бўлади деган гапни айтиб, бир икки сабоқ берганларидан сўнг мен учун жуда узоқ давом этган синов муддати бошланган — аввал мен ўзимнинг шу ҳунарга, санъатга муҳаббатимни, садо-қатимни исбот этишим керак эди! Шу сабабдан ҳам мен учун шогирдлик филоф кўтаришдан бошланган. Чунки буниям ўзига яраша сиру асрори бор, йўл-йўриғи бор. Катта устанинг, айниңса Фофир дадамга ўхшаган нозик-таъб созанданинг созини — филофини кўтариб юриш жўн иш эмас... Уста филармонияга ишга отланар экан-лар, маҳалладан уч-тўртта шогирд эргашиб борар эдик. Ўртада филоф талаш: «Энди мен кўтараман, энди менинг навбатим!» Йўл олис, карвон хатар, даданинг синовларига дош беролмаганлар ҳам кам эмасди, шунинг учун эргашиб борадиганлар таркиби тез-тез ўзгариб турарди».

Ўзгариб туради, рост. Фақат уларнинг орасида оқ-сариқдан келган, бўйи чоғроғу қадам олиши дадил бир болани доим кўриш мумкин эди — ўша боланинг исми Дилмурод эди.

Муҳиддин аканинг «ҳаёт — асов тулпор, ўғлим», деган ўғити қулоғида, онаси чекаётган риёзатлар кўз ўнгида. У, барибир доирачи бўламан, ундоқ-мундоқ эмас зўрида бўламан, деб отасининг руҳи олдида, ўзи ол-дида сўз берган, энди бу сўздан уни ҳеч қандай синов, тўсиқ, қийинчилик қайтара олмайди!

Марат Азимов эслайди:

— Пайтлар бўлардики, адамлар кўнглига санъат ишқи теккан 15—20 чоғли болани ҳовлига кўплаб ҳам саводини чиқараверганлар. Олтмишинчи йилларнинг охирида бизнинг маҳаллада олтмиш-етмишта доирачин бўп кетганди!.. Ие! Үсиб келаётган болалар, томирида қон кўпириб, ғайрати жўшиб юрган чоғи, қайси кўча кўз қисса кетаверадиганлари ҳам бор. Кўнгил — ўткин-

чи шамолнинг қули, бекор қолса безорилик ҳам қиласи, бошқа иш ҳам... Шу андишага борганларда адамлар.

Фоғиржон ака, кўпроқ шогирдларимга, ватанимизнинг турли бурчакларида шу касбни тақдир танлаган навхез ниҳолларга ёрдам бўлсин деган яхши ният билан, Уста Олимнинг «Доира дарслиги»га кирган усулларни 1966 йилда лаппакка муҳрлатиб тарқатган ҳам эдилар.

— Адамлар шогирдларини, айниқса Дилмурод ака ва Элмуродни биздан, фарзандларидан ҳам аъло кўрганлар,— дейди Фоғиржон аканинг яна бир фарзанди — ҳозирда «Узбекистон» ашула ва рақс ансамблининг доирачиси — Ҳасан Азимов.— Дилмурод ака билан у кишининг муносабатлари йиллар ўтган сари устоз-шогирд, ота-бала эмас, якин сирдош, маслаҳатдош дўстларнинг, улфатларнинг муносабатига айланиб қолди. Улар бир-бирларига суюниб қолишганди. Дилим ака бирор катта иш бошласалар, олисроқ сафарга отлансалар, албатта, бизнигiga кириб адамлардан фотиҳа олганлар, қайтиб келганларидан кейин ҳам яна кириб таассуротларини сўзлаб ўтирганларини кўрадим — ҳисобот берадилар худди!

Бу, албатта, отасиз қолган йигитчага вақт топиб ҳам устодлик, ҳам оталик қилган, касб ўргатган, баридан қўймай олиб юриб, ишга жойлаган, ҳар ишида, ҳаётининг ҳар бурилишида маслаҳатини, ёрдамини аямаган азиз инсонга нисбатан шогирднинг, фарзанднинг эҳтироми, садоқати белгисидир. Бу муносабат то Фоғир аканинг вафотларига қадар (1982) ва ундан кейин ҳам давом этди. Дилмурод Азимовлар хонадонига битта суюкли ўғилдек, имкон топди дегунча, кириб, оила аҳли билан сухбатлашиб ўтиради, устанинг рафиқаларида хабар олади, шунаقا иш бошлайпман ёки йўл чиқиб турибди, дея у кишидан фотиҳа сўрайди.

Элмурод Исломов айтадилар:

— Одамлар бор, икки қават қўлқоп кийиб сўраш-масанг қўлинг совуқ қотади... Ёки кибри ҳавосини доимо қора булат қоплаган, ё қор билан, ё жала билан келади олдингга... Шундайларни кўрсам, ҳайрон бўламада... Ҳа, одамзот, беш кунлик дунёда яхшилик қилиб, ширин гапириб яшайверсанг бўлмайдими, дегим кела-ди! Шунаقا пайтлар, меҳрининг тафти кўзларида ёлқинланиб турадиган, икки қўлинни кўксига қўйиб салом берадиган одамохун, бебаҳо инсон — Фоғир дада ёдим-

та тушаверадилар. Бизнинг қизитилган доирадай жа-ранглаб, довруғимиз дунёни тутиб турған пайтларимиз келганды у кишини кексалик, хасталик енга бошлаган эди... «Мени қўй» дейишларига қарамай, бирга тўйларга олиб кетардим.

— Уста, илтимос! Сиз борган жойга файз боради, бизни дуо қилиб ўтирасиз, — дер эдим.

Дада, борсалар-да, даврага тушмасдилар, обрўли меҳмонлар, раислар, райкомлар билан чақ-чақлашиб ўтирадилар. Бир-бир... ўринларидан туриб келиб, белбоқлари бўларди, ҳалиги билан пешонамдаги, юзимдаги терлармни артиб қўярдилар. Кўрдингизми одамни!.. Катта саройлардан бирида концертда здик, томошабин ҳеч қўйвормаяпган, саҳнадан чиқиб, нафас ростлашнинг иложи йўқ, роса толиққан эдим. Бир маҳал қарасам, ишоннасизми, Ғофир дадам пиёлада чой кўтариб келяптилар! Саҳнага!

— Болам, чарчадинг, мана шуни ҳўплаб ол, — дейдилар. Кўрдингизми! У киши, ахир, менинг отам тенги, отамдай табаррук одам! Энди бунақа устоз, бунақа инсон келадими дунёга!

Ана қандай инсон эдиллар Ғофиржон ака Азимов!..

Азизлар, қўл очиб фотиха қилайлик, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу кишини ҳам раҳмат қилсин, омин!

## 6

— Хизмат қилиш, қўлларига сув тутиш босқичидан ўтиб, бу ишларни кўнгилдагидаи адо этганим, устознинг ишончини, меҳрини қозонганим билан, «Ҳа, бунинг қарори қатъий шекилли, қочиб кетмади», деб қўлимга доирани тутқазиб қўя қолишмаган. Айни ўша босқич билан баравар яна бошқа бири бошланган: унга кўра тажрибалироқ болаларнинг машғулотларини ёки устозларнинг чалганларини зеҳи билан, жон қулогинг билан эшитишинг, фақат эшитиш эмас, кўриш, эшитган-кўрганларингни қулоққа, юракка, хотирга қуйиб муҳрлаб боришинг даркор эди. Ана шу мақсадда яна бир қўшнимиз — Анвар ака Аҳроровнинг уйида ўтадиган машғулотларга ҳам қатнай бошладим.

Олтмишинчи йилларнинг энг кучли доиракаш созандаларидан бири, турли таниқли жамоаларда, хусусан, «Лазги» ансамблида ижод қилган, ногоҳ юз берган баҳтсиз ҳодиса туфайли айни камолга етган чогида, ўт-

тиз бир ёшида ҳаётдан күз юмган Анвар Аҳроров (кўпчилик бу йигитни Давлат ҳам деб атар эди) Дилмуроднинг яна бир устози ҳисобланади.

Анвар Аҳроров ўз навбатида Фофирижон аканинг кўнгил қўйган шогирдларидан. Унинг уйида — қишида танчанинг атрофида, ёз ойлари айвонда Фофири аканинг маҳалладош шогирдлари, жиянлари — Тоҳир Аъзамов, Маҳмуд Аъзамов, Зокир Азимов, Фофири Қосимов каби фидойилар деймизми, савдоийилар деймизми, хуллас доиранинг қасқони ўраган, садоси қамраган даврадаги на жони ором топадиганлар тўпланишарди.

Булар жам бўлганда на қуёшнинг ботганига ва на тонгнинг отганига парво қилинмайди, қўлларнинг тарс-тарс ёрилиб кетганига, бир-бирларининг аччиқ-чучук сўзларига эътибор берилмайди — машқ муҳим бу ерда, санъат муҳим, бошқаси қирқинчи даражали гаплар!

Дилмурод ҳам шу давра оловида исиниб, қўлини тоблаб, меҳрини тоблаб ўтиради. Томоша қиласди. Чой олиб келиб уларнинг хизматини қиласди. Гайрати кўксига симмайди. Қўли қичиб, иш сўрайди, соз сўрайди. Қизиган юрагининг овози булар чалаётган доираларни босиб кетгудек... Шартта ўрнидан туриб:

— Э, бу ёққа беринг, — деб бирортасининг қўлидан чилдирмани олсамикин, қарсиллатиб чалиб юборсамикин. — Мана, бунақча чалинади ўша жойи!

Аммо, Анвар ака тартиб-таомилга қатъий риоя қиласиган жиддий устоз, ўзини кўпкаринг ураман деб гижинглаб турган тойчоқнинг шаштини босади:

— Кўр! Сен кўриб ўтиравергин, охири яхши бўлади. Доирани ким тўғри, ким хато ушляяпти, ким тўғри ча-ляяпти, ким нотўғри... Кимнинг ютуғи қайда-ю камчилиги қайда — кўр! Муҳрлаб ол хотирангга! Тушундингми? Ҳозирча сенинг ишинг — шу!

Мавжудаҳон хаёлан ўша кунларга қайтиб, дейдилар:

— Ҳунарга шунчалик кўнгил қўйиш мумкинми? Анвар акасига ёпишибоқ олганди-да! «Анвар акам! Анвар акам!» Иложи бўлса, Анвар акасидан бир қадам қолмаса, кечасиям ўшаларникона ётса!

Шунақча машқлардан кўзи ёниб, гайрати қайноқча кириб чиқиб келган болакай аламини хов ўша дадаси оберган доирадан оларди.

— Мана, мана, ахир! Бизнинг қўлдан ҳам бинойидай иш келадиган бўл қолган... Сизлар эса!

Ха, майли, йигит! Шошма ҳали... Тақдир тузган дастурда биз ёқтирган мусиқалар ҳам бордир, «ўз павбати билан» деган гаплар ҳам йўқ эмас, ахир!

Катталар бора-бора унга доира қиёдириб келишни ишонадиган, сўнгра эса бир-икки жўн усулларни кўрсатадиган бўлишди. Дилемуроднинг қўлидаги кичкина доирача ҳам катта доираларнинг сұҳбатига аралашиб ора-сира луқма ташлаб ўтиришга ўрганди.

Шу давра иштирокчиси Тоҳир Аъзамов ҳарбий хизматга кетганда, Дилемурод унга хат ёзиб турганди.

— Хатлари фақат доирачилиг-у, нимани чалишни ўргангани, қайси усувлар чиқмаётгани, маҳалладаги тўйларга қайси устоз доирачилар келгани ҳақида бўларди, — деб айтади Тоҳир ака. — Аммо, барибир зўр доирачи бўламан, деб ҳам қўшиб қўярди. Бошқа гап йўқ-да — доира, доира...

## 7

Кунлар тўхтамадилар, сафланиб ойга, ойларга айланавердилар.

Сабрлар қўшиққа айлана бошлади, олам қишдан чиқиб, гулли-япроқли кўйлакларни кийди. Музнинг чангали етиб карахт бўлган ирмоқлар қуёш кафтини сезиб анҳорларга, сойларга интилмоқни ҳавас қила бошлади.

Унгача эса...

То баҳоргача, ҳатто ёзгача хонадон устидан «Шому ҳижрону меҳнат» сояси кетгани йўқ, шафқатсиз, тобора ёввойилашиб бораётган тақчиллик, етишмовчиликларнинг иликдан оламан, йиқитаман дея акиллаб қилган ҳужумларига бардош бериш бор куч, бор имкониятни талаб этаверди.

Мавлудаҳон, мактаб ёшидаги қиз — ҳали ўн тўртга етмаган — болалар бօғчасида «техничка» — фаррош бўлиб ишлаб ҳам чиқди.

— Адамлар камбағалпарвар, етимпарвар, қайди кимнинг бошига бир мусибат тушса, куни оғир келса дарров ёрдам қилган эканлар-у, ким билиб, ким билмай юрган экан, — дейди Мавлудаҳон опа кўз ёшини оқ рўмолча билан артиб. — У кишининг вафотидан кейин шундай одамлар пайдо бўлишиб бизгаям «ҳа!» деб юбошибган.

Мавлудаҳонни мактабда учратиб қолиб, тўхтатган,

меҳр ва аёв билан сұхбатга тортган аёл — Розия опа ҳам ана шундай кишилардан экан.

— Аданглар ҳам шунақа бўптилар-а... Эшитиб, ҳеч ишонмайман дегин. Жоним ўтга тушган қилдай жизилаб кўйди. Опанг бечора бир этак бола билан қолиб қийналмаятиларми?

Мавлудаҳон индамади. Нимаям десин?

— Сўраганимни қара... Қийналмасинми? Бир ўзига осон эканми? Менга қара, ишга киритиб қўйсам ишлайсанми?

Мавлудаҳон бундай саволни кутмагани учун тараддудланиб қолди.

— Йўқ дема. Арғамчига қил мадор, қизим.

Розия опа ўша куниёқ Мавлудаҳонни етаклаб, ўша атрофдаги боғчалардан бирига олиб борди, Мудирага таништириди ва айтганимиздек фаррошлик вазифасига ишта киритиб қўйди.

— Үқишимни кечкига ўтказадиган бўлдим... Мудира бухгалтирини чақирди. Бошпуртим йўқ эди, туғилганилиги ҳақида гувоҳномаси билан қабул қиласверинг деб буюрди. Ойимларга билдирмай ишлай бошладим. «Дарс», «Мактабга ишга айтган» деган баҳона билан чиқиб кетаман... «Техничка»га ҳам 30 сўм маош беришаркан... Бироқ, 15 кун ишлаганимдан сўнг — барибир бўлмади — ойим билиб қолдилар-у ишдан чиқариб олдилар. «Йўқ, дедилар, номус қиласман, «бўйга етмаган қизини ишлатишга юборибди-я!» деган маломат ҳам борми!» — дедилар. «Отангни руҳи олдида нима жавоб қиласман!» дедилар. Кўзлари қиймади шекилли мени ишлатгани.

...Яхши кунларни, офтобли, тўкин-сочинли, қўйни-қўйни мева-чеваларга тўла кунларни олиб келадиган Қелажак яқин эди, шу атрофда, муюлишларнинг бири ортида эди. У келса, ҳовлидаги қора кўланкаларни офтобнинг нури териб, тўплаб, куйдиради, дастурхонга тўқлик тортилади.

Унгача эса...

Энди Мавжудаҳондан эшитинг:

«Яширишнинг нима ҳожати бор... Кимларнидир маслаҳати билан Дилмурод ва Холмуродни интернатга ҳам топширганмиз. Бироқ кўп юришмади у ерда... Чунки, ҳар гал булар кетишаркан, юрагимиз сирқиради. Жигарларимгаям ёқмасди. Сира боргилари йўғ-у, шу ойимга ёрдам бўлса майли, деб рози бўлишган. Шанба ку-

ни тушликдан сүнг уйга келишарди — устига номлари тикиб ёзилған оқ халтачаларда сочиқ, кийимлари.. Уйда бозор куни кечгача туришарди-да, душанба куни эрталаб сүппайишиб, қовоқлари осилиб кетишарди. Кийимларини ювиб халтачаларига солиб берамиз, яна топган-тутган қанд-құрсимиzn ҳам құшамиз...»

Зулфия опага, у кишининг уйда қолган фарзандларига болалар кетгач, ҳовли ҳувиллаб қолгандек туюла-веради.

— Хай, Мавжуда! Укаларингнинг ранги олини броқ қолғанмиди? Е менга шундай туюлдими?

— Сизга шундай туюлган, опа.

— Йўқ, кўзлари ҳам киртайиб қолибди. Овқатини мазаси йўқ шекиллида ўша ерни...

На ухлаганини билади онаизор, на юрган-турганини... Юраги худди созга айланган-у, бу соз бир лахза ҳаловат билмайди, ғашлик, ташвиш, бесаранжомликнинг тирноқлари тирнагани тирнаган унинг торларини. У ёқда Дилмурод ҳам ўзини «қаср аро маҳбусдек» ҳис этади. Холмурод-ку ёш, қўлидан кўпам иш келмайди, лекин, у — хонадоннинг бошлиғи, бу ерда тайёр ошга баковул бўлиб ёки манави сўтаклар билан эрсак-терсак айтишиб, жанжаллашиб, муштлашиб кун ўтқизгани тўғрими? Ҳаққи борми шунга! У ёрдам бермаса, ким ёрдам беради онасига!... Е уни Холмурод интернатга боргани унамай қолмасин деб беришганмикин бу ерга?

Интернат деганлари Дилмуродга қафасдек тор, зин-дондай қоронғу, зах уйдай совуқ кўринаверди. У имкон топди дегунча девор ошиб, тешик топиб чиқиб кетаверар, кўнгли суйган маҳалласи, ўртоқлари, опа-укалари ёнига, онасиининг истиқболига, ўзи суйган, «ойдинликка» қочиб кетаверди.

Зулфия опа қўни-қўшни, қариндош-уругларниң «Юраверишсин», «Ахир ҳарна бўлса-да ёрдам-ку сизга», «Овқатини берса, кийим-бошини берса...» деган гапларга, қулимсираб:

— Ҳа, ёрдам бўвотди... Рост айтасиз... Гапингиз тўғри, — деб юрди-да, бир куни индамай бориб ўғилларини интернатдан олиб келди. Дилмурод билан Холмурод ўзларида йўқ шод, ота маконга қайтиши ва яна Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактабда таҳсил ола бошлашди.

Үкиш, илму таҳсил одамдан қунт-қаноат ва асосийси вақт талаб қиласи. Қунт, инжиҳод-ку, Дилемуродда қирғоздан ошиб-тошиб ётибди, бироқ вақт қапи?

У эшик-деразани ичкаридан маҳкам бекитиб, илм қилгаси, китоб муқовасини очиб янги оламлар кашф этаман деса — қобилияти ўзгалардан кам эмас, бироқ рўзгорнинг катта-кичик ташвишлари, бирор эмас, болакайнинг ўзи ўз олдига қўйга ва бажарилниши «фарз» бўлгаш вазифалар уни ўз ҳолига қўядими? Изну фурсат берадими шунга?

Эшикни бузуб очиб, деразани синдириб кириб, олиб чиқиб кетишлари муқаррар.

Олим бўлиш, жилла қурса аллақайси институтга кириб, олий маълумот олиш «хавфи» Телеминоранинг устуга чиқиб дурбинда қаралганда ҳам Дилемуроднинг тақдирни истиқболида қорасини кўрсатаётгани йўқ, шундоқ экан...

Мавжудаҳон: — Кўпинча, унинг синфдошлари мени чақириб чиқиб кетишарди. Домласи ҳамманинг олдида уни тик турғизиб қўярди-да, менга таңбех берарди: «Сен, мана, яхши ўқнисан, нимага бу уканг бунақа?.. Тортуб кетолмаяпти дарсларни. Қарасанг бўлмайдими!» — дерди. Яхши, Дилемуроднинг гап қайтарадиган, қўрслик қиладиган одати йўқ, обғининг учи билан ери чизиб, индамай тураверади. Афтидан, шима дейиншини, ўз аҳволини қандай тушунтиришни билмайди. Еки домланинг аҳволни билиб туриб қораловчилик қилганидан жаҳли чиқади-ю, аччигини ичига ютади — айтишмайди.

Аммо, бу ерда ёввойи капитардек ҳурпайиб турган болакай мактаб санъат ҳавасмандлари жамоасида яйрайди, қакот қоқади, у — жамоанинг жони, мотори, тиришқоқ, тиниб-тинчимас ташкилотчиси. Үқишдаги омадсизликларини шу ерда чиқармоқчи, ўзини меҳнати билан оқламоқчидай... Мактабдаги бирорта тантана, маросим усиз ўтмайди. Уша йиллар 20-мактабининг навраста истеъдод соҳиблари тумаидаги, шаҳардаги кўрикларда ҳар доим фахрли ўринларни олишган экан, бу голибликларда мусиқа ўқитувчиси Мурод Фафуровнинг — катта, ва доирачилар, ҳаваскорларни ундан — теззлатиб, қизиқтириб топиб келадиган, уюштирадиган қавириұх болакайининг кичикроқ ҳиссаси бўлган.

Кейинчалик, мана шу мактабининг ҳаваскорлар жа-

моасида санъат сарчашмасидан баҳраманд бўлган ширин-шакар машоқчалар, ҳофизчалар орасидан акука Исломовлардан ташқари Ўзбекистон халқ артистлари — таниқли эстрада хонандаси Мансур Тошматов, миллий операмизнинг фахри Исмоил Жалилов каби булбули замонлар етишиб чиққанини айтиб қўйишимииз керак.

Мактаб йиллари дафтарини ёпаётган Дилмуродининг юзида асалу қалампир омухта табассум кўраман:

— Шунча тиришдим-у, барибир ҳеч ўз бўлиб кетмадим шу мактабдагиларга... Нимага деганда ҳусн борасида ҳам жуда сухсур эмасдиг-у, кийимимиз ҳам пўриммасди.

Домлаларнинг меҳри-муҳаббати бирни иккинчисидан ёқимтой, чиройли, ораста кийинган, бунинг устига отонаси тузук-тузук жойларда ишлайдиган аълочи, лаббайгўй болалар-қизларга етди холос, Дилмуродга ортмади ҳеч-ҳеч...

Нима қилишсин, ғалатироқ эди шу бола! Бошқаларга ўхшамайдиган — тўпори, ёввойи... Ота тарбиясини кўрмай ўсгандан кейин шу-да! Ўқишиям паст, кўринишини, афти-ангорини қараанг... Пўқ, йўқ, эҳтиёт бўлиш керак бунақалардан...

Бундайлардан ҳар балони кутиш мумкин... Шундай фикрга бориб қолган бир-иккита ўқитувчилар мактабда қандай нохуш воқеа содир бўлса Дилмуродни топиб келишга, уни сўроқ-тергов қилишга одатланишди.

Алам, ўксиниш бола фақирнинг кўзларига тўлиб турибди — бироқ ёш бўлиб тўкилганини бирор кўрган эмас, кўксини темир чангак каби қисиб турибди, лекин уидан бир оғиз ножёя сўза, қўполроқ харакат, кичкина озор ҳеч кимга етган эмас, бола-ю ҳис этади, парвардигор унга ниманидир ўзгалардан озроқ берган, аммо, Оллоҳ — ҳақ, у бу ерда озроқ берган бўлса бу камомадли бошқа ерда ошиғи билан тўлдиради.

— Сизлар адашяпсизлар, мен унақа ёмон боламасман деган гапнинг исботи учун қилган меҳнатларим, хизматларим бекор кетавергач, иркит ўрдакча бўлиб юравериш ҳам жонимдан ўтди-ю, чиқиб кетдим мактабдан. Саводнинг чаласини кечки мактабда тўлдиридим.

Худойим кўзи очиқларга қалб кўзи ҳам берсанн экан, қулоги соғларга жон қулоги ҳам ато этсин экан, нега десангиз, азизлар, кўрар кўзлар янгишиши, омон қулоқлар адашиши ҳеч гапмас экан. Кўзлар адашини мум-

кин, қулоқлар янглишиши! Ҳақиқатни, асл маънони кўрмоқ, ажратмоқ эса — қалбнинг ишидир, жоннинг аъмолидир.

«Тақдирнинг бевафолиги мард одам йўлидаги синов тошидир», дейди мутафаккирлардан бири. «Багоят тўғри айтасиз, — дейди иккинчиси уни маъқуллаб. — Дурустроқ изланса ҳар қандай ҳолатдан ҳам қувончли жиҳатлар топиш мумкин».

Мактаб йилларининг ана шундай қувончли жиҳати шу бўлдики, Дилемурод ҳаваскорлар жамоаси билан ҳар турли кўриклар, фестиваллар, байрамларда қатнашиб юрар экан, Республика кашшофлар уйининг Доирачилар дастаси билан танишди. Уларнинг бир хилда бежирим, ораста либослари, хулқ-одоблари, тартиб-интизомлари ва албатта, ҳавасларнинг кўзини ёндириб бир ўзгача нимарсаларни чалишлари ўзгалардан афзалроқ туюлди унга — бу болаларда бошқалар билмайдиган, фақат шу жамоага тегишли сир, жозиба бордек эди.

Дилмуроднинг дилидан ором кетди, ҳаловат яқин келолмай қолди, у орқаваротдан суриштириб, ўша даста ҳақида маълумот тўплади. Шундан кейингина Фофиржон ака ва Анвар акага маслаҳат солди, ҳамда уларнинг ёрдами билан ўша жамоага аъзо бўлди.

Эй ҳавас юлдузидан тушиб, болакай юрагини чирмаб олган нур! Сен бошқаларнидан тезроқ, ўқтамроқ урадиган бу юракчани етаклаб, катта йўлга олиб чиқадиган сўқмоққа еткиздинг, ўзи каби ҳавасли, муҳаббатли тулпорчаларга ошно этдинг.

Тўйчи ака Иноғомовдек бебаҳо инсон, фидойи устоз билан таништирдинг.

## 9

Айтишларича, ҳозирги Республика ўқувчилар саройи қошиндаги ҳаваскор болалардан иборат доирачилар дастасининг тузилиш тарихи 1935 йилга бориб тақалар экан. Чамаси, уруш даврида бу дастанинг фаолияти тўхтаб колган. 1949 йилга келиб номи довруғли доирачи Тўйчи Иноғомов даста ишини юргизиб юборишини ният қиласди.

Тўйчи аканинг укалари Фофир ака Иноғомов у йилларни эслаб дейдилар:

— Акам тўгаракни юргизаман деб урина бошлаган-

ларини күриб униси-буниси: «Хой ТүйчивоЙ, ҳаргиз қилманг шу ишни! Ҳар нарсанинг ози яхши — харидори кўп, қадри баланд бўлади... Кўпайтириб, обрўсими тушириб нима қиласиз», — деб тўхтатмоқчи ҳам бўлишди. Акам: «Тўғри айтасизлар», дедилар-у билганларидан қолмадилар. Хайрли иш экан, мана ҳалигача давом этиб турибди.

Биринчи йиллароқ тўгаракка қатнаша бошлаганлар орасидан Равшон Акбарбеков, Қаҳрамон Дадаев каби мутриби жонфизолар етишиб чиқдилар.

Тўйчи ака ана шу дастага қирқ йилдан ортиқ раҳбарлик қилдилар. Қирқ йил мобайнида неча-неча бўз болани адаб боғига етаклаб, санъат кайҳони йўлини кўрсатдилар. Кўнглига меҳру муҳаббат, қўлига ҳунар бериб, табнатида нафосатни ҳис этиш, севиш, қадрига етиш, фақат мусиқа эмас, умуман санъат асарини тушуна билиш, яхши-ёмонини фарқлаш малакасини ҳосил этиб улгурдилар экан устоз!

Унинг бекиёс хизматлари, умрини бойлик, мавқемартаба учун эмас, сўнгги нафас, сўнгги онларигача шогирдларига бахшида этиб яшаши замирида аввало олийжаноб табиати, болаларни, айниқса, истеъдодли ёшларни яхши кўриши, ва албатта, маданиятимиз, санъатимизга нисбатан улкан муҳаббат, уни асраб қолиш, кўпроқ тарғибот этиш, иқтидорли, фидойи, заҳматкаш ижрочиларни, тарғиботчиларни кўпайтириш орқали ҳазинамизни бойитиш каби тоза ниятлар, орзулар ётганига ишончимиз комил.

Тўйчи ака истеъдодни тез илғай билар, ардоқлай оларди. Истеъододи берироқ болаларни ҳам кўкрагидан итармасди, токи улар, мана, шунча қатнашдим, қўлимдан анча-мунча иш келиб қолди, лекин, холисанилло айтганда, бу менинг ишм эмас экан, деган қарорга келмагунларича шогирдлари қаторида олиб юраверарди. Бундай қарорни ҳам ўз вақтида келганига нима етсин!... Истеъододи йўқ эса-да, минг бир хил йўл билан у ер-бу ерда кўриниб, кўрганини, эшитганини, ўқиганини ажаблантириб, ғашини келтириб юрганлар қанча!

Тўйчи аканинг таълимидан баҳра олганлар, кейин қайси ҳунарнинг бошини ушлашмасин, бир йилми, иккни йилми шу даврада айланишиб, қалби санъат билан рўбарў ўтириб суҳбат қургани учун табнати шарафли, юраклари шафқатли, маданиятли, хуш хулқли инсонлар бўлиб етишганлари шубҳасиз. Зоро, санъат билан му-

лоқот тозариш ва юксариш ато этгувчи чашмадан оби зилол нүш этмоқдир, эзгулик, нафосат, муруват, мұхаббат ҳақида күйлагувчи олтін создан күй тингла-моқдир.

Түйчи И ногом — қалбининг күзи равшан, фарзона хозиқ, Дилмуроднинг қайдадир, кимгадир түпори, пала-партиш, кўримсиз, безоринамо кўринган ташқи аломатларига қараб баҳо бермади, кўнглига назар сола билди, инсонни кўра олди. Унинг ўзига хос жозибаси, ёқимли томонлари борлигини, ўша жозиба болакайнинг мардлиги, сахиyllиги, қавийруҳлигида ҳамда Худо берган истеъдодида эканини пайқади. Шунинг учун ҳам бу йигитчани у кўнгил қўйиб тарбиялади. Мехнаткашлиги, қунти, чидамлилиги, жисмонан бақувватлиги учун уни «полвон» деб атади. Тўйчи аканинг полвон дейишига яна бир сабаб бор: Дилмурод асли зуваласи пишиқ, бикир бола бўлганидан ташқари ўша йиллари бир кечакундуэли умрининг бир қийқимини ажратиб «Спартак» ўйингоҳининг «кураш» тўгарагига ҳам қатнашган, бу борада ҳам пешқадамлардан саналиб қолганди. Спорт устозларининг у билан боғлиқ яхши режалари йўқ эмасди. Бироқ... Машқлардан бирида у яқин оғайниси билан олишаётган эди. Ногоҳ, нима бўлади-ю, оғайнисининг қўли қаттиқ лат ейди. Дилмурод бу баҳтсиз ҳодисада ўзини айбдор ҳисоблаб, курашга қатнашни тўхтатиб қўяди. Устозлар элчи жўнатадилар, ўзлари келадилар — бироқ у кўнмайди. Уша куни ўзбек спорти битта чемпиондан айрилдим дегандек хўрсниб қўйди. Ўзбек санъати эса бу бола энди тамом ўзимники бўлди, яхши созанда топдим дегандек қувониб, хиргойи қилди.

Дилмурод Тўйчи аканинг руҳи қаршисида бош эгиб, дейди:

— Бир вақтнинг ўзида қирқта-элликта бола қатнашар эдик, баъзида ундан ҳам кўпайиб кетардик. Аммо, Тўйчи акам ҳаммамизга вақт топар эдилар. Қўлларимизни текшириб турадилар. Бир марта машғулотга бормасам дарров уйга истаб келардилар... Шунақа уйга келган пайтлари албатта ойимлар, опаларим билан учрашиб, бу — бўладиган бола, эҳтиёт қилинглар, айниқса қўлига ўткир нарса берманглар, кесиб олмасин, тилиб олмасин, деб тайинлаб кетардилар.

Доиракаш йигитчалар ҳалигидай бежирим — яктаг-у этикчалар эгиниларида, алланечук сирли виқор, сурур

дилларида. Тошканди азимда, бошқа шаҳарларда ўт-кизиладиган байрамларда, анжуманларда «қасир-қүсур» чирманда уриб иштирок этадилар, юришлари енгил, нигоҳларида ғубор йўқ, бирин-биридан ўзаман дейди. Бундан ташқари, уста шогирдларини номи чиқсан навозандалар қатнашадиган концертларга олиб боради, айниқса мумтоз мусиқаларни кўпроқ эшитишга даъват қиласи — ўшандоқ куйларнинг, ашулаларнинг муҳибига айлансин, улардан баҳра олиб япроқ чиқарсин ниҳоллашим, деб ният қиласи.

Дилмурод — меҳнатнинг шаҳзодаси, санъатнинг ғуломи — ўргангани сари кўпроқ ошиқ бўлиб боради, ошиқ бўлгани сари кўпроқ ўргангиси келади.

Фоғиржон Азимовдан, Анвар акадан сабоқ олиб кўзи пишиб, «қўли келиб» қолган бола улардан ўрганган нарсаларни бу ерда тўла, мукаммал, маълум тартиб, дастур асосида бошдан оёқ ўтди, ўзлаштириди. Устозидан Уста Олим ва бошқа меҳтар созандалар ҳақидаги турфа ҳикоятларни эшитиб қулогига қийиб борди, пиру устоз қолдирган олтин мероснинг қонуний ворисларидан бирига айланди.

— У пайтлар «Ўқувчилар саройи» ҳозирги Марказий универмаг атрофида жойлашган — шунинг учун, ўн-ўн икки яшар бола учун у ерга бориб келиш ҳеч нарсамас. Иккита-учта гуруҳ бор эди, алоҳида-алоҳида дарс ўтиларди, мен ҳамма гуруҳларнинг дарсларига қатнашишга улгурадим.

Устозларидан сабоқ олиб, уларга эргашиб шаҳарнинг турли гўшаларида ўтадиган нафис анжуманлардан қолмасликка ҳаракат қилиб юрар экан, йигитча фахр ва ифтихор билан инкишоф этдики... Ўзбек санъати, айниқса мусиқа бойлиги поёнсиз коинот экан ва бу коинот бирин-биридан нурафшон, гўзал, бетакрор юлдузлар билан музайян экан.

Сеҳргар машшоқ қўлига чолғусини олган дамлар соз пардаларига ўша мунаввар юлдузларнинг ёғдулари уланади ва созанданинг қўллари воситасида мухлиснинг юрагига бориб тушади.

Фақат бунинг учун чолгувчининг маҳорати комил бўлмоғи кам, унинг юрагига муҳаббат бўлмоғи даркор. Уша юлдузмакон чаманга, ўзининг хунарига, ва нур ташнаси, нур ошиги халқига нисбатан улуғ муҳаббат яшамоғи керак бу юракда!

Парвонани ишқ этмаса маст,  
Ургайму ўзини ўтқа пайваст,

дейдилар Ҳазрат Алишер.

Дилмуроднинг кўнгли ўша даврдаёқ билибми, билмайми, ана шу муҳаббат билан учрашди. Бундан ўн йиллар аввал отаси Мұхиддин акани ошуфта қилган Сеҳрли Оламнинг Содиқ сойирига, вафодор ошиғига айланди. Унга лойиқ бўлиш учун астойдил, мингта жони бор эса фидо этгудек, ўзини унутиб, чарчоқни, машақ-қатни, қўлларининг титилгани, қонағанини сезмай меҳнат қилди — ҳунар ўрганди.

Яхшилиги, у давр уни кўпроқ тийнати тоза, нияти холис одамлар билан ҳамроҳ-ҳамрор этди. Юраги тойчоқдек гижинглаб йўл бошига чиқаркан, уларнинг ғамхўрликлари, ёрдамлари, жон Куйдиришлари туфайли, бегона сўқмоқларга адашмади, нопок шамоллардан маст бўлмади — бу юрак ўз йўлини, рост йўлини эрта топиб олди.

— Тўйчи акам мени кўз қорачигидай эҳтиёт қиласр эдилар. Кўзларига бирор дақиқа кўринмай қолсам, «Полвон қани?» деб қидириб қолардилар. Доира ёрилса, кимдир йиғласа, хуллас қанақа ишқал чиқса дарров мени қидирағдилар. Сен тинчмисан ишқилиб деб, шўхлигим, шумлигим учун шу ишга аралашиб қолмадимикин деб хавотир бўлар эканлар. «Сен тинмагурни Бэланинг қизларидан бирортасига уйлантириб қўймасам тинчмайман шекилли, — дердилар. — Обергандаям, ўн иккита кўкраги боридан обераман!»

Бэла Арутюновна: — Ўқувчилар саройидаги рақс тў-гарагининг раҳбари эди.

...Орадан бир йил ўтар-ўтмас ҳунари тўртта одам тоқат қилиб эшитадиган даражага бориб қолган «чаёндек» пишиқ, чайир болакайни санъаткорлар тўйларга ноғорачи қилиб олиб кета бошладилар.

Ўша йиллари Дилмуродни қўлидан етаклаб, бутун бошли бир «мактаб дастурини» ўргатган — Абдуқаҳор Ширинбоев, Раҳматулла Самадов, Қаюм ота, Ашурали тоға, Ортиқ ота, Собир ака, Тўлқин ака, Нарзулла ака каби бири карнай, иккинчиси сурнай, учинчиси доира-ю ноғора устаси бўлмиш бу камтарин санъаткорларнинг айримлари фано тупроғига айландилар, бошқалари кексайиб қолишли. Улар маданиятимизнинг ҳали ҳануз ўзининг муносиб қадрини топмаган, лекин қайга, қайси

хонадон, байрам, сайилга бориши са бетакрор жозиба, файз кирита оладиган ўз соҳасининг етук вакиллари эдилар.

— Карнайчи-сурнайчилар билан ноғора базмларга, бешик тўйларга борар эдим. «Боламаст»ларда чалар эдик. Кўпроқ Абдуқаҳор Ширинбоев, Раҳматулла Самадов исмли найчи, сурнайчи санъаткорлар олиб кетишарди мени... Тўйдан кейин битта белбоқча нои, қанд-қурс туғиб беришарди, бир сўм-икки сўм, жуда ошиб кетса уч-беш сўм пул ҳам қўшиб қўйишарди. Уйимга олиб келсан, ойимлар раҳматли бошимдан куҷоқлаб, пешонамдан ўпиб, йиғлаб-йиғлаб дуо қиласардилар.

...Хоки-пойингизни малаклар тавоф қиласиллар, опажон. Сиз бу навбат ҳам минг гудоз, иштибоҳга бордингиз, «Суяги қотмаган ўғлини тўйга юбориб тирикчилик қилаётиди, куни шу норасида топиб келган нону қандга қолибди», дейдилар дея ўғлингизни қайтармоқчи бўлдингиз...

— Қўя-қол, болам... Мана, ахир, кунимиз ўтиб турибди.

Лекин Дилмурод Сизни кўндирадиган, кўнглингизни хотиржам қиласидан сўзларни топа билди... Кўндирамса иложи бормиди, ахир у кўриб турибди: ҳар бир сўм, ҳар бир тийин рўзгорнинг танига қувват, жонига мадор. Сизга енгиллик, ёрдам...

\* \* \*

Этиб инкор рўёларни, оромларни,  
Ичиб ҳурлар ҳовучидан пайёмларни,  
Саҳар сари олиб борай оқшомларни —  
деб танлади ошиқликнинг йўлин кўнглим.

Нечун чаман кўкси қонли ғунча туғар,  
Нечун туман йўлнинг ниятларин бўғар,  
Билай, қайда куй қонига занглар юқар —  
деб танлади ошиқликнинг йўлин кўнглим.

Жон пардасин доиратга парда этай,  
Бағри ёнғин мақомларла аршга кетай,  
Шамширларга бўйним, билан шеърлар битай ---  
деб танлади ошиқликнинг йўлин кўнглим!

Қўлда наин япроқ ёёсинг найчиларни,  
Шамс сийласин дил куйларин — жарчиларни,  
Гуллар сели кўмсин баттол қайчиларни —  
деб танлади ошиқликнинг йўлин кўнглим.

Ишонч! Неча қайта сенинг саройингдан  
Уриб, алдаб ҳайдалган бир саҳройингман,  
Саркаш, қайтмас, содиқ қавминг — фидойингман,  
деб танлади ошиқликнинг йўлин кўнглим.

Раҳим Исахўжаев, Ўзбекистон халқ артисти:

«Ҳар сафар Дилмурод, унинг укалари, кейин-кейин  
булар тарбиялаган болаларни унда-бунда «бовиллатиб»  
доира чалганини кўрсан, ҳайратдан ёқамни ушлайман,  
ақлим шошиб қолади: «Ёпирай, дейман, шунчалик ма-  
ҳорат билан чалиш мумкинми!» — дейман.

Бу йигитларнинг техникаси ақл бовар қилмас дара-  
жада кучли бўлиб кетди. Чилдирмачиларнинг кўригига  
таклиф этишганда бордим, ёнимда ўтирган Фоfir Со-  
лиховга шундай дедим:

— Бай-бай-бай! Мошина, мошина булар! Учинчи  
теззикка солиб кетвотди-я, азаматлар! «Гур-р-р, рур-р-р»  
қилади-я! Э, отасига раҳмат!

Қирқ йилдан ортиқ доиранинг ионини еганман, май-  
да резларим билан машҳур эдим, ҳеч ким бу борада  
менинг олдимга тушолмас эди, аммо бугун Дилмурод-  
лар қилган резларни бирор эплолмайди.

Айни доирachi бўлганим учун ҳам айтаманки, буна-  
ка техникага, камолотга этиш учун инсоннинг бардоши  
кўтара олмайдиган меҳнат, изланиш, бардош керак.

Укаларимнинг санъатини, қилаётган хайрли ишла-  
рини кўриб қувонаман, кўнглим таскин топади: булар  
бор экан миллий санъатимиз хор бўлиб, ўксиниб қол-  
майди».

Үринбой Нуралиев, Ўзбекистон халқ артисти:

«Созанда ҳам кўп-у, доирachi ҳам кўп. Бироқ, ҳамма  
ҳам Дилмурод Исломов бўлавермайди.

Аслида битта терини қасқонга қоплаб, ундан товуш  
чиқариш, эшитганга манзур қила олиш, элга танилиш,  
дунёни забт этишнинг ўзи осон иш эмас. Қанча заҳмат  
чекиш даркор, қанча тер тўкиш зарур, маҳоратни эрик-  
май-зериқмай чархлайвериш, чархлайвериш лозим, —  
бу — масаланинг биринчи томони.

Иккинчиси, шу нга яраша ахлоқу одоб, тилу забон,

хушмуомала, шириңсұхан, нағақат таълим берган устозларини, балқи үзидан ёши улуғ барча дил аҳлиниңг хизматини қилиб, ҳурматини жойига қўйиш, панду насиҳатини эшишиб, дуосини олиш туфайли эришилди бу мавқе — эътиборга...

Чунки, таассуфлар бўлсин: кўп яхши, қобилияти бор ёшларни кўрганмиз, одобу ахлоқнинг йўқлиги, ироданинг бўшлиги ҳароб қилди уларни».

Абдураҳмон Холтожиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

«Болаликдан доира «тиқ» этса юракнинг уриши тезлашадиган шинаванда, ишқивоз эдик, орзумиз — доирачи бўлиш эди. Марғилондаги Ипакчилар Маданият саройига қатнашиб, ҳунар ўрганиб юрган пайтимиз... етмишинчи йиллар бўлса керак — бирдан Дилмурод aka Ўзбекистондаги доирачиларнинг орасидан «ёриб чиқиб келди». Ҳар сафар у телевизорга чиқса, бармоқлари ҳаракатини киприк қоқмай кузатардик, чалганларини магнитафонга ёзиб олиб, бўлиб-бўлиб ўрганардик. Чунки Дилмурод акагача бунақа техника, услугуб йўқ эди!

Тақдир экан, худога шукурки у киши билан бирга ишлашни, ижод қилишни насиб этди.

Мен кўп йиллик кузатишларим, дўстларимнинг ва ўзимнинг мулоҳазаларимдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, Дилмурод Исломов аввало Худо берган истеъоди ва албатта меҳнати, изланишлари натижасида ўзбек доирачилик санъатида янги йўл — мактаб яратган ижодкордир».



Мухиддин ака ва Зулфия опа



Дилмурод опалари Дилбар, Дилором, Мовлуда ва  
Мавжудалар билан



Машгүләтләр



Машгүләтләр



Машгүлөтлар



Дилмуроддинг қўқонлик хонаидалар билан ойнаи жаҳон орқали чиқиши



Телман Ҳасанов ва Толибжон Муллажонов билан



Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шўкуров билан



Хонанда Алижон Ҳасанов билан



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров билан



Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари



Вьетнам сафарида



Устоз ва шогирдлар давраси



Дилмурод



Телекүрсатувларда чиқишлиардан бири



Рустам Убайдуллаев, Дилмурод Исломов,  
Элмурод Исломов, Ҳасан Азимов



«Наврӯз» байрамига бағишилдайган ойнаи жаҳон курсагуви



Она ҳайкали қошида



Ака-ука Исломовлар жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев билан



Доирачилар дам олиш масканида



Уста Олим Комиловга ёдгорлик ўрнатылған пайт



Маҳорат



Дилмурод, Холмурод ва Элмурод машғулот устида



Кубадаги XI Жаңы фестивали лауреатларининг чиқиши

## УЧИНЧИ ДАВРА ОЛДИДАН. УСТА ОЛИМ ИЗДОШЛАРИ

Дилмурод: — Пиримиз Уста Олим Комилов турли йилларда маҳсус тўғараклар тузиб, шогирд олиб доирачилар тайёрлаганлари ёки ҳар хил жамоаларда ижод қилганилари асносида ўзларидан ёшроқ, малакаси камроқ созандаларни шу санъатнинг нозик жиҳатларидан воқиф этиб, ҳофизасини бойроқ, қўлини бурророқ бўлиб кетишида ёрдам берганлари маълум.

Тўйчи акам Уста Олимнинг 1934 йилда барини ушлаган биринчи шогирдларидан.

Муаллиф: — Ўзбекистон ҳалқ артисти, миллӣ санъатимизнинг забардаст намояндаси, толмас ташкилотчиси Муҳиддин Қори Ёқубов билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилиб келган Уста Олим Қори ака ташкил этган биринчи Ўзбек давлат филармониясига (1936) ҳам жалб этилганлар.

«Правда Востока» газетасининг 1936 йил 9 сентябр куни чиққан сонида Муҳиддин Қори ҳам ўз мақоласи билан қатнашган ва филармониянинг вазифалари хусусида тўхталиб, 90 созандадан иборат ҳалқ чолғу асбоблари оркестри тузиш даркорлиги, бунинг учун истеъоддли ёшлар ўртасида танлов ўтказилаётгани хусусида ҳабар берганди.

Устоз доирачи, Ўзбекистон ҳалқ артисти Фоғир Солиҳовнинг эслашича, филармония учун ҳозирги Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг ўрнидаги Ҳарбий савдо ташкилоти дўконлари биноси олиб берилган ва залга айлантирилиб, машқлар бошланган. Чолғучилар оркестири (раҳбари — Тўхтасин Жалилов) таркибида уста Олимнинг 12 доирачи шогирдлари ҳам бор эди.

Йўқ, биз ўша йилларданоқ мамлакатимиздаги барча чилдирмачи машвоқлар Уста Олимнинг шогирдлари эди ёки у ҳамкорлари, толибларига ўргата бошлаган йўл ягона, танҳо эди деган фикрдан йирокмиз. Республика-нинг турли воҳалари, турли чаманларида анвойи услугуб, анвойи йўллар билан намойиш уммонининг ғаввосига

айланиб, дуру марварид териб юрган моҳирлар бисёр эдилар.

Қадим-қадимдан хонаки базмларда, мажлисларда қўшиқлар танбур, дутор, гижжак ва бошқа созлар жўр-навозлигида ижро этилса-да, ташқарида, очиқ осмон остида ўтадиган сайиллар, байрамлар, тўйларнинг базмларида ашулалар, яллалар доира жўрлигида айтилган.

Дилмурод: — Катта ўйин таркибиға кирган ҳар бир усулининг вақтида ўз ашуласи бўлган. Уста Олим ашула айтмаганлари учун ўша ашулаларнинг усулини олиб колиб тартибга келтирганлар. Албатта, шунгаям минг раҳмат... Мана, раҳматли Фанижон ака Тошматов ана шу ашулаларнинг сўзиниям билардилар ва жуда маромига стказиб айтардилар ҳам. Бироқ у киши жон ҳовучида асрраган дурдоналар ёзиб олиндими ёки Фанижон ака билан бирга тупроққа тўкилдими, менга қоронғи. Азали шунақа: борингда қадринг билмадим, йўғингда излаб топмадим.

Муаллиф: — «Катта ўйин»нинг ашулалари борлиги рост, Наманганда яллачи аёллар улардан бир нечасини бир-бирига улаб айтиб юришади.

Катта ашулачиларнинг устози, Узбекистон ҳалқ ҳофизи Мамадбобо Сатторов шундай ҳикоя қилган эди: «Бир куни зўр тўй базмига бориб қолдим. Катта ҳовлида майдон ўртасида катта гулхан ёқилган. Қирқинчи осма лампалар ярқираб турибди. Доиралар гумбирлаяпти»...

Дилмурод: — Устоз доирачи Фофир ота Солиҳов ёшликларида Маҳкам Ҳофиз, Мамадбобо ва бошқа донғи кетган ашулачиларнинг доира чалиб ашула қилишганини кўрганларини айтиб бергандилар. Тўйларда ўртага машъала, «тўп» осиб базм қилинар, ҳофизлар икки соат-уч соат ўртадан чиқмай, ҳажми ҳозиргидан анча катта доираларни «зилибон» қиздириб чалишиб хизмат қилар эканлар. Дарвоқе, бу хил базмларни Сиз-у биз ҳам кўрганмиз — эллигинчي йилларда ҳам кўп тўйлар шуңдай ўтарди, санъаткорлар ҳам доира чалиб ялла айтишарди.

Муаллиф: — Бухоролик машҳур хонада «устойи кулий» ота Жалол Носиров «Шашмақом»нинг донишманд билимдени ва мураккаб усуллар устаси эди. Унинг қўлида таълим олган Борух Зеркиев шундай эслайди:

«Биз дарсхонада чордона қуриб ўтирадик. Үқитувчимиз рўпарамизда ўтиради. Устоз қўлига танбурини

олиши билан биз ҳам доираларни олардик. Үқитувчи ашулани айтиб кўрсатар, биз доира жўрлигида баравар тақорорлардик».

Хоразм мақомларини тўплаб, нашр эттирган олим Матниёз Юсупов ўз китобида доиранинг бу воҳадаги тараққиёти ҳақида ёзиб эди: «Доирачи жуда уста, фақат усулни чалибина қолмасдан, куйни ҳам яхши билгувчи бўлиши керак. Чунки у чолғучилар билан ашулачиларни бирлаштирувчи дирижёр вазифасини бажаради. Усулларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, шаклни бузмаган ҳолда сайқал бериб, вариантлар билан ижро этиш мумкин... Мақомга жўр бўладиган доиралар бошқаларига нисбатан кичикроқ, ихчамроқ бўлган, унга ёш бузоқ териси қоплангани учун силлиқ-юмшоқ товуш берган. Доира мақомларда ва халқ куйларида, меросимизнинг такомилида асосий, етакчи ролни ўйнаган».

Бироқ ҳар на қилганда ҳам уста Олимнинг доира санъети тарихида сира инкор этилмас ва қадри жуда юксак хизмати бор ва биз бу ҳақда аввалги суҳбатимизда ҳам айтиб эдик.

Дилмурод: — Пири устозимизнинг чинакам, чекинмаган шогирдлари у табаррук зот мерос қолдирган санъатнинг давомчилари бўлдилар, такомили устида пшолиб бордилар. Уларнинг қўлидаги доиралар уста ёқсан оловда қизиган, ҳавасли юраклари ана шу ўтдан чўғ тушиб ёнган эди. Отакон санъаткорларимиз катта қурилишларда, фронт майдонларида, уруш орқасида, қишлоқлар, яйловлар, далаларда тупроқ ютиб, чанг ялаб эл хизматини қилишди, Собиқ Иттифоқнинг, чет мамлакатларнинг катта-катта байрамларида, анжуманларида қатнашиб санъатимиз довругини оламга ёйишиди. Улар қайда, қайси маконда, қайси миллатнинг даврасида ўртага тушишмасин миллий мусиқамиз, ўзимизнинг созлар билан обрў топишиди. Шунинг учун бу азиз инсонларни доирани қалқон этиб, миллий санъатимизни ҳимоя қилган фидоий аскарларга ўхшатгим келади.

Муаллиф: — Қўйида Уста Олимга шогирд, невара шогирд бўлган ва умри шу санъат дарёсида кучли бир тўлқин бўлиб ўтган доирачиларни номма-ном эслашни ният қилдик. Ушбу рўйхат ноқисдир, камчиликлари бордир: кимдир тушиб қолган, кимнингдир пири устозга шогирдликка келган йили хато берилган бўлиши мумкин — агар кимдир, қайси минбардандир биздан ўтган

хатога аниқлик киритса-ю, ва шу билан асл ҳақиқат рўёбга чиқса бошимиз осмонга етарди.

Тўйчи Ингомов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. 1933 йилда шогирдликка тушган.

Салоҳиддин Камолхўжаев, 1934.

Уста Жалил Холиқов, 1934.

Фоғир Азимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. 1936.

Мажид Нурмуҳамедов, 1936. Бақувват доирадаст эди деб эслайдилар. Икки-уч соат тинмай, чарчамай чала билар, созининг овозидан кўк гумбазининг бўёклари кўчиб тушар экан.

Фоғир Солиқов, Ўзбекистон ҳалқ артисти, 1936.

Дилмурод: — Фоғир ота бу йил саксон ёшга чиқди-лар. Бу фидойи созанданинг санъатидан Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Каттақўрғон сув омбори, Ангрен-даги, республиканинг бошқа ерларидаги йирик саноат қурилишларининг қатнашчилари, яна қолаверса, жаҳон-нинг қатор мамлакатларидаги шинавандалар баҳраманд бўлишган. Ота жуда дилкаш, суҳбати ширин, ёруғ чеҳ-рали инсон, ёшларнинг маслаҳатгўйи.

Муаллиф: — Шукрулла Ҳамдамов 1936. Бухоролик. Мақомларга хос қийин усулларнинг моҳир ижрочиси эди, деб эслашади.

Дадахўжа Соттихўжаев, 1936.

Дилмурод: — Энди, Дадахўжа aka ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бу одам доирачи сифатида ҳам тенги йўқ эди-ю, инсон сифатидаям! Жуда кўнгилга яқин, аломат, машҳур эдилар. Унинг усталиги, куч-қудрати, зарбасининг зўрлиги ҳақида ривоятлар юради. Мана шулардан биттаси: Одатда Дадахўжа aka доирани бошининг устига баланд кўтариб чаларди, чарчамаганига тан берардингиз. Шугинамас, доираси ҳам бошқаларни-кидан каттароқ, оғир — камида 5-6 кило келарди.

Муаллиф — Раҳим ота Исахўжаев унинг доиралари-ни шатал араванинг ғилдирагига ўхшатдилар.

Дилмурод: — Бир куни қандайдир тадбирда уч-тўрт доирачи «савол-жавоб қилиб» чалиб туришган экан. Шунда, Дадахўжа аканинг завқи келиб доирасини ба-ланд кўтарида, «бақара-бақара-бақара!» қилиб ча-либ кетадими!.. Ҳеч тўхтамас эмиш... Шунда ҳалиги машшоқлардан бири доираси билан унинг жағига уриб юборади. Чидамаган-да, куйиб кетган!.. Дадахўжа aka — ҳайрон:

— Ҳа? — дебдилар. — Нима қилдим сенга, ие?

— Тушасанми тепадан йўқми, номард! — дер эмниш ҳалиги машшоқ. Ӯша ерда Раҳим ота Исахўжаев ҳам бор эканлар, ичи куйган доирачини четга тортибдилар: «Қўй, дебдилар, — нима қиласан тортишиб, тепада турадими, пастга тушадими, Дадахўжа барибир сени ясайди! Етолмайсан унга!»

Муаллиф: — Аллақайси анжумандан аввал Раҳим ота бошлиқ учтўрт чирмандақаш Дадахўжа акага майшат қилиб беришади. Майшат пайти Раҳим ота унга уқтириб ўтиради: «Фалончи тишини қайраб юрибди. Сени чалишингни кўролмай ўлдириб-пўлдириб қўйишдан ҳам тоймайди у... Жувонмарг бўп кетма, Дадахўжа! Ундан кейин қайда бўлса осмонга чиқиб жар солиб бизниям уялтириб қўйяпсан. Секинроқ чалавер!» Дадахўжа ака инсофга келади, бўлти, дейди. Бироқ концерт бошланиши билан барибир чидамайди, яна доирасини қулочи учиди тутиб қарсллатиб чалаверади...

Дилмурод: — «Маишат»ни еб олгач, яна кучлироқ бўлиб кетган экан, деб кулиб юришади.

Муаллиф: — Агар санъат муҳлислари Дадахўжа акани ёши қайтган пайтларда ҳам тоғни урса талкон қиласидиган ёш доирачиларнинг елкасини ерга теккизиб, дамини чиқармай қўйганини гапирсалар, мутахассислар мақом усулларининг ҳам беназир ижрочиси эди, деб ёзадилар.

Дилмурод: — Дадахўжа аканинг Усмон Юсупов билан қалинлиги, биродарлиги бор эди. Шунинг учун қайга борса гапи ўтимли, обрўси баланд, пичоги кесган... Анча-мунча ишни битириб юборишлари, шунга яраша катта гапиришлари ҳам йўқ эмасди. Ӯша маҳаллар халқ орасида сал керилган, фурурланган одамларга: «Сен менга Дадахўжалик қилма!» дейиш одат бўлган. Бугунги кунда бирор нарсанинг яхшисини «Бу — кўйлакнинг Дадахўжаси экан!» ёки «Ош Дадахўжа бўпти» деб таърифлашлар ҳам ўша замонлардан қолган.

Муаллиф: — Устознинг қўлида 1934-36 йилларда савод чиқарган доирачилар орасида Соат, Илҳомжон (хоразмлик) исмли, ундан кейиниги йилларда Ўрмонжон, Тоҳиржон деган доирачилар ҳам бўлгани маълум. Бироқ, улар ҳақда тўлароқ маълумот топа олмадик.

Дилмурод: — Ўзбекистон халқ артисти Раҳим ота Исахўжаев ҳам устози комилнинг биринчи шогирдларидан. Шакаргуфтторлик, иссиқ истарали, кучли иқтидор-

ли инсон. У киши доирани михга илиб, дам олайлик энди, деб пенсияга чиққунларига қадар Алишер Навоий номли опера ва балет театрида ижод қилганлар. У ерда қуйилган спектаклларга ўзбекона руҳ бағишлаб, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Галина Измайлова, Гулнора Маваева, Эргаш Йўлдошев каби дарғаларнинг ашулалари, рақсларига жўр бўлганлар. Айтишларича, Уста Олим Раҳим отани жуда яхши кўрар, ҳаммага уни ўринак қилиб кўрсатар экан. Мукаррама ола эса «Баҳор»даги сармашқларда доирачиларни койиб:

— Заводда ишлаймизми биз ёки «Баҳор»дами? Қачон Раҳим Исахўжаевга ўхшаб чаласанлар!.. Усулни сабаб беради-я, азамат! — деб мақтар эканлар. Мукаррама ола Раҳим отанинг марвариддек резларини «бодроқ» деб атаган, кейин шу сўз отага лақаб бўлиб ёпишиб қолганди — Раҳим бодроқ.

Муаллиф: — Уттизинчи йилларнинг охири, қирқинчи йилларнинг аввалида қўлига чирманда олиб санъат йўлига кирган Болта Шарипов, Убай Хўжаев, Акбар Йўлдошев, Абулқосим Тўйчиев, Михаил Аулов, Эркин Тўйчиев, Аивар Бараев каби муҳтарам созандаларнинг ҳар бирини ўзбек санъати тарихида ўчмас номи, бекиёс хизматлари бор. Улар юракдаги муҳаббат, жон чеккан машиққат ҳамда Оллоҳ юқтирган салоҳиятлари билан ижод қилиб, мусиқа санъатимизни бойитганлар.

Дилмурод: — Доирачиларнинг ана шу авлоди тўғрисида билганларимизни яна бир устозимиз, заҳматкаш ижодкор Соғир Иноғомов ҳақдаги сўзимиз билан якунласак бўлар. Соғир ота акалари Тўйчи ака Иноғововга эргашиб бориб, уста Олимнинг тарбиясидан баҳра олган, камолида айби йўқ созанда бўлиб етишган табаррук инсондир. Қирқ йилдан ортиқ пешона тери билан саҳна сатҳини ювган, Катта Фарғона канали, Шимолий Тошкент канали, Фарҳод ГЭСи, бошқа йирик қурилишларда ҳам лом уриб, ҳам доира чертиб хизмат қўлган. Австрия, Индонезия, Германия, Польша, Финляндия ва бошқа ўнлаб мамлакатларга бориб, доиранинг забонида ўзбекнинг санъатини мадҳ этган бу отаҳоннинг меҳнатлари, афсуски, ана шу хизмат, санъатга яраша қардрланмади. Ўйлашимча, ҳалим бўлса бу хатони тўғрилаш керак.

Муаллиф: — Тўйчи Раҳимов, Михаил Аулов, Мажид Нурмуҳамедов, Салоҳиддин ака деган истеъододли дои-

ракашлар фашистларга қарши жангларда қурбон бўлишди. Айтишларича, ҳар сафар совуқ хабар келганда кексайиб, хасталаниб қолган Уста Олим юм-юм йиғлар эканлар.

Дилмурод: — Ҳа, отахон созандаларнинг бошидан нене кунлар ўтмаган дейсиз... Шунинг учун ҳар битта санъаткорнинг ҳаётида, ижодида ибратли ўринлар бор деганингиз тўғри. Мен биздан аввал ўтган аҳли ҳунарнинг ҳаммасини устозларимиз деб ҳисоблайман. Уларни қанча эъзозласак, ўтганинни ҳамиша ёдлаб, тириккарларини йўқласак кам! Насиҳатларини эшитиш, тажрибаларини ўрганиш, амалга ошмай қолган орзу-ниятларини бажо қилиш, дуоларини олиш фарзимиз ва қарзимиздир.

## УЧИНЧИ ДАВРА

### I

Қанисиз энди, олтмишинчи йиллар!

Үшанды доира санъатининг, доирачиларнинг куни роса туққан эди, бир күтарилиш, қулф уриб гуллаш бўлиб эди бу санъатнинг ҳётида, нимасини айтасиз!

Айниқса, шаҳри Тошканднинг «Ишчилар шаҳарчаси»да чилдирмага меҳр қўймаган, унинг ишқи тегмаган бола, чилдирма кирмаган хонадон йўқдек. Катта-кичик доираларни кўтариб ҳар хил тўғаракларга, саройларга, клубларга қатаётганинг, доирани елкан қилиб катта санъат уммони сари кетаётган қайиқчаларнинг санаб саноғига етмайсиз. Үшбу санъат, у баҳш этган суруру шавқ, ишончу ғайрат узун шабистонларнинг зеби эди, ўз отashi учқунлари билан шабистонлар бағрини куйдирган оташ эди. Деярли ҳар битта ҳовлида қайсиdir олақанотнинг «тапа-тапа-тап!» доира уриб, шапалоқ пишиштаётганини эштиш мумкин.

Қайсиdir санъаткор қайгадир хизматга жўнаса-ю, иттифоқо доирачиси боролмайдиган бўлиб қолса, ўйлаб ўтирмайди — «Ишчилар шаҳарчаси»га борса бас — маҳоратидан муҳаббати кучли бирорта ҳавасманд доим топилади!

Бироқ тўй айни шу даҳа тарафдан чиқса, энди тўйчи гуруҳнинг доирачиси оёқ тираб туриб олади — юраги безиллаб қолган, кўнмайди. Чунки, санъаткорлар етиб бормасидан аввалоқ тўйхонани чилдирма кўтарган зумрашалар босиб кетади — наридан-бери кўйиннинг ёки умуман майкасини апил-тапил эгнига илган-у югуриб чиқиб келаверган.

— Ҳов Ҳасан! Ҳов Абдуқаҳор, юрмийсанларми! Со-бир аканини — тўй, маза қиламиш!

Булар ҳофизга қулоқ соладиган эмас, мусиқага қарайдиган эмас — қасирлатса бас, яйраса бас!.. Билган ҳам чалади, билмаган ҳам, ҳали ўзини эплаб-эпломай-

диган, бурни оқиб турган чурвақанинг ҳам қўлида лўли доира, кўзини қисиб, иршайди:

— Лубойингни эзаман!

Хофизнинг қанотида келгани доирачи дод дейди, миясининг қолқоғидан тутун чиқади.

Ҳайдаш тугул, қаттиқроқ гапириб кўр-чи, ўзингни ногора базм қилиб ташлайди, ўзингниям чалиб юборади булар. Битта тўйда ўнта, ўн бешта, баъзан йигирматага бориб қолади-ю, тенг келиб бўларканми улар билан! Күёвнавкари жўнаганде кўрмабсиз, ҳаммаси «гур» қўзғолиб ўзини мошинага уради, осилиб бўлсаям боради қиз томонга... Қарабсизки, ҳалиги шумтака, балойи азим у ёқдаям турибди-да:

— Қачон бошлаймиз? — деб.

Азиз сұхбатдошдим, дурустоқ разм солинг энди: Уста Олим ҳарбий қисмининг ана шу тап тортмас, диловар аскарчалари орасида Дилмуроднинг ўзини ҳам, оғзидан сўргич тушмай қўлига доира олиб акасининг ортидан боришга аҳд қилиб қўйган укалари Холмурод, Элмуродларни ҳам топасиз.

Узбекистон ойнаижжахонининг дилбар журналисти Үғилой Акбарова тайёрлаган кўрсатувлардан бирида Зулфия опа ўғилларининг ана шу санъатга бўлган ақл бовар қилмас ишқибозлиги, муҳаббати ҳақида шундай дегандилар:

— Нимани об кел десам — лаганими, патнисли, сабзи тахами, шуни доира қилиб чалиб келишарди-да! Қўлига тушган ҳамма нарса доира эди-да уларга... Қўлида ҳеч нарса бўлмаса, қўйлагини кўтариб қорини чалиб юришади.

...Кўпинча тўйларда номи чиққан, катта доирачилар «ташлашиб» қолишади — улар ўртасида тортишув бўлиб кетади... Ҳадра билан Филармония, Бешёғоч билан Кўкча... Ким чиройлироқ усувлар кўрсата олади, ким баландроқ, узоқроқ чала билади — айтишув, тортишув, мусобақа, пойга!..

Бунақа чоғлар созанде ўзини илҳомнинг, шавқининг авжида кўради, бармоқлари юлдузларни оралайди, даврага ҳовуч-ҳовуч дур сочилади, бири-биридан аъло, кейнингиси аввалгисидан нафис усувларининг кутилмаган, гаройиб, балки бундан бўён қайтариб бўлмайдиган тизимлари пайдо бўлади.

Мухлислар — уларнинг орасида шундалар борки, шу кечага атайлаб ўзи суйган доирачининг ижросини кўрга-

ни, уни қўллаб-қувватлагани келганилар — завқ ичида яйраб қийқириқ қўтарадилар:

— Ҳа, оканг жонингдан! Қўйма-а!

Шоғирд болалар агар усталари тортишувда қатнашаётган бўлишса, тогорадаги чўғни пешма-пеш алмаштириб туришади. Қолганлари эса киприк қоқмай, кўзлари бўлаётган ишларга жон-шаҳд билан ёпишиб томоспа қилишади, юзларида чексиз ҳайрат, таҳсин, тасанино... Елкалари, қўллари қанотга ўхшаб қўтарилиган.

Ҳаётнинг дарёси тўлиб-тошиб оқади... Ер шари оёқ чиқариб ўйнаётган бўлса ажабмас...

Айрим донрачилар бир четда юриб-юриб, ногоҳ битта даврада довруғ топиб кетишади.

— Үв, ярамас, олди-ю! Ким экан?

— Зўр ҷаляпти, зўр! Қўлининг тушишини қара...

Қаҳрамон Дадаевнинг довруғи жаҳонни тутган пайтлар... Анвар Бараевнинг номини ўзгача ҳурмат билан: «Ҳа, энди уми... Гап йўқ» дея тилга олиниади. Бир қарасанг ҳаммаёқни Одил Камолхўжаевнинг шуҳрати тутиб кетади... Содиқ лўли деганларининг «роса қаттиқ чиққан» чоғлари. Равшан Акбарбеков чизган «нақш» ларни бирор қайтара олса қани... Бу ёқда Анвар ака... Яна Баҳром ака, Тоҳир ака деганлар бор. Яна катта устозлар — Раҳим Исахўжаев, Фоғир акалар...

Каттадан-кичик ҳар бир созанданинг ўзи изланиб топган, меҳнат қилиб эришган ширин топилмалари, жиҳатлари, нуқталари бор — ўрганиб қўядиган томони бор.

О, бир келган эди доиранинг даври, бир келган эди!

Мана, биродарлар, Дилмурод ва унинг шаҳри Шошининг Гаврошлари бўлмиш укалари ўтган яна бир мактаб ва унинг сабоқлари-ю, муаллимлари! Вақтидан илгарироқ бўлса ҳам айтиб қўйяй: Орадан тўрт йилми-беш йил вакт ўтади, 15—16 ёшли Дилмурод Фоғир ака, Анвар акаларни имоси билан...

— Тогорадаги чўқقا доиранинг у ёқ-бу ёғини шундоқ-шундоқ босдим-у даврага урдим ўзимни... Тариллатяпман-да қарасам, қўлим пулемёт бўп кетяпти...

Бора-бора анча-мунча доирачи ботиниб унга қарши чиқолмайдиган бўлади... Яна бир неча йилдан кейин Холмуроднинг, Элмуроднинг ҳам шуҳрати оламни тутиди:

— Кичкинасини кўрдингми! Унисиям балойн азим ниқибди!

Дилмуроднинг, Холмурод ва Элмуроднинг номи ши-

навандаларнинг тилидан тушмайди, Тошкентнинг кўчалари бўйлаб яйраб учиб юрадиган бўлади.

Унгача эса... Маҳоратнинг, обрў-эътиборнинг чўққисига етгунча қадар меҳнатнинг, изланишининг узундан-узун эгри-буғри йўлларини эринмай, сабру бардош билан босиб ўтиш даркор эди.

Санъаткорлар Дилмуродни 13—14 яшар эканлигида-ноқ тўйларга доирачи сифатида ҳам олиб кетадиган бўлишса-да, бу ўринда ўзига хос рейтинг, эътибор поғонаси бор эканлигига эътибор беришингизни сўрайман: тўй гуруҳлари «Ишчилар шаҳарчаси»га доирачи истаб келишар экан, энг аввал Фоғир Азимов ёки Раҳим Исахўжаевни, улар йўқ эса Анвар Аҳоровни, уям то-пилмаса Тоҳиржон, Зокиржон, Аъзамжон, Мурод Фозилжонов, Убай Қорабоевни, шундан кейингина Дилмуродни қидиришарди... Лекин, ўша пайтлардаги Дилем учун ноғорачи эмас, доирачи бўлиб бориш, бутун бошли тўйни ўтказиб келишининг ўзи муваффақият, илгари босилган қадам эди, деяверинг.

— Мен доирага ўтишим билан, укаларим ноғорага «ўтирадиган» бўлишди... Холмуродга ҳам, Элмуродга ҳам уйда уни-буни ўргатиб, кўрсатиб бериб юрдим. Қарасам, мақсадлари — жиддий, ҳаракатлари астойдил. Шундан кейин, ўқувчилар саройига, Тўйчи акамнинг бригадасига аъзо қилиб қўйдим....

Дилмуроднинг уринишлари, экканлари хосил бера бошлагач, оиласининг қадди кўтарилиб қолди. Опаларининг эслашларича, кўп ўтмай уйда икки-учта бузоқ, қўй пайдо бўлди. Дилмурод рўзгорга барака киради, иқтисодни мустаҳкамлайди деб товуқ, ҳатто қуён боқади, уларга қарашга вақт топади.

Мавжуудаҳон: — Бўлар одам ўн ёшида бўлур бош, деганларидай укам жуда ёш эканидаёқ уйнинг ҳақиқий соҳиби, расмана эркак сифатида шаклланиб бўлган эди. Төпганини тўкмай-сочмай уйга олиб келади, айниқса иш кўтариб келишни яхши кўради. Биз ҳаммамиз у билан маслаҳатлашиб иш қиласиз.

## 2

Дилмурод ўн тўрт ёшга борганида, унинг яна бир эзгу орзуси ушалади: Фоғиржон aka унга машҳур уста — Мартин ясаган доиралардан бирини олиб беради.

У пайтлар уста Мартин ясаган доирани чалиш зарб

моҳирлари учун жуда катта шараф ҳисобланар эди. Бугунги кунда эса ўша сеҳрли доиралар устоз созандарнинг, уларнинг фарзандлари, суюкли шогирдларининг уйи тўрида эъзозда туради, улар учун бу хонадонда мана шу доирадан қимматлироқ нарсанинг ўзи йўқ.

Мартиннинг миллатини эстон дейдилар, бу киши асли дурадгор бўлган экан. Қирқинчи йилларда Тошкентта келиб ўринашиб колган уста тўйларда, давраларда доира ни эштади-ю, дунёда шундай соз борлигига, ундан та-ралаётган ранг-баранг садоларга «беш кетади». Санъат, унинг жозибаси миллатни билмайди, чегара-ғовни билмайди, деб бежиз айтмагилар. Мартиннинг ишқибозлиги шунчаликка боради-ки, ўзи ҳам доира ясай бошлайди ва орадан бир неча йил ўтгач Узбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам тенги йўқ доирасоз сифатида машҳур бўлиб кетади.

Агар доира дунё бўйича тарқалган чолғу бўлганда эди, Мартин шу созининг Страдивариси, Аматиси бўлур эди. Фамилиясини ҳам бирор эслолмаган, ҳаётининг сўнгги йилларигача турмушнинг ноқислигидан қийналиб яшаган бу одамни нафақат доирачилик, балки бутун миллий санъатимиизда ўз муносиб ўрни бор. Уста Мартин ўзбек санъатини чин кўнгилдан севган ҳабибларидан, ошиқларидан эди, чунки у ясагандай доираларни дунёга келтириш учун яхши уста бўлишининг ўзи кифоя эмас, балки бу чолғунинг имкониятларини билиш, қандай қилса ушбу имкониятлар кенгайиб, соз аввалгисидан чиройлироқ, ёқимлироқ, сеҳрлироқ жаранглашини хис этиш керак. Изланиш керак, қайта-қайта бузиб-тузаш керак.

Уста Мартин ҳақидаги ҳикоямизнинг тўла бўлиши учун шундай бир воқеани келтирайлик:

Саксонинчи йилларининг ўрталари. Бир маҳаллар зарбининг зўридан осмоннинг гумбазига дарз етиб, юлдузларнинг юраги титрама бўлган Дадахўжа акани ҳам кексалик енга бошлаган. Бу афсонавий одамнинг дўстлари-яқинлари ҳам кўп, шогирдлари ёки жигарни қатори кўриб юрадиган созанда укахонлари ҳам кўп. Дилемурод ва укалари ҳам шулар қаторида.

Санъаткорлар, мухлислар орасида Дадахўжа ака қай даражада машҳур эса доирасининг шуҳрати ҳам ундан кам эмас. Таърифи бошланганда «файзи бор», «хосияти бор», «сири» каби сифатлар ишлатиладиган бу доирани уста Мартин ясаб қўйган-у, кейин ўзининг иши-

та ўзиям тан бериб, ўша чолғуга хуштор бўлиб юрган экан.

Айтишларича, аввал ана шу доиранинг ҳажми-ю залвори Дадахўжа акага мос — анча улув бўлган. Аммо тўйлардан бирида, акамиз уни қўчага, чўғ ёнига тиклаб қўйинб, бепарво қолади-ю, доирани юк машинаси босиб ўтиб кетади. Шунда ҳам асбоб бутунлай нобуд бўлмайди — қасқонининг қаеридир синади, холос.

Дўсти, ҳамроҳи, ҳамкоридан айро тушган, кўзига еру осмон қоп-қоронғу бўлиб кетган Дадахўжа ака «Жона-жонимдан аюрдилар»ни айтиб, йиғлайдиган алфозда Мартиннинг ёнига боради. Уста бошини чайқаб-чайқаб созандани коййди, лекин бир оз ўтгач:

— Майли... Ўнглаб бераман, — дейди.

Дадахўжа ака Мартинни қулоқлаб олади:

— Тўғрингни айтяпсанми? — дейди, афтидан доира ни ўнгланиб кетишига ўзи ҳам ишонмайди, чиндан ҳам, юк машинаси филдираги тагидан бутун чиққан асбобни ким кўрибди?

Лекин, Мартин ўзи ясаган сознинг пишиқлиги, умрзоқлигига қаттиқ ишонган экан чоғи, уни саклаб қолади — синган жойини олиб ташлаб улади ва аввалгидан бир мунча чоғроқ доира қилиб беради. Кичикликка кичик, лекин садосининг бойлиги, жозибаси — ўша-ўша...

Алқисса... Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Дадахўжа ака Тошкентдаги тўйлардан бирида Исломовларнинг кенжаси — Элмуроднинг бармоқлари сеҳрига қоёйил қолиб ўтириб, танти одам экан-да:

— Ҳа, дў-ў-ст! Акангнинг укаси! — деб қийқириб юборади. — Э, тан бердим, ўғил бола! Бор, ана, уйдаги доиранимни обкетавер, сенга қолсин!

Элмурод сергак тортади. Чалиб турган чилдирмасини шогирдига тутқазиб аканинг ёнига келади:

— Бир нарса дедингизми, уста?

— Дедим! — бўшашиброқ жавоб беради Дадахўжа ака.

— Ростдан дедингизми?

— Хўв, бола, ие!.. Бизда ёлғон гап бўлган эмас!

Элмурод қараса — юраги шогирдининг қўлидаги чилдирмадай тартибсиз, патир-путур уряпти.

— Уста, — дейди, — бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Ҳозир бориб олиб келаман.

— Кечаси-я? Янгийўлдана? Э, қўйсанг-чи! Эрталаб борасан — обераман... Ҳозир борганинг билан уйдагилар менсиз асбобни қўлингга ушлатиб қўйишмайди.

Элмурод сирачдай ёпишиб олади. Уста, ноилож, бошидаги дўпписини ечиб беради, мана шуни уйдагиларга кўрсат, бўлмаса ишонишмайди, дейди.

Бу гап ўша куниёқ бутун Тошкентга ёйилади:

— Эшитдингларми, Дадаҳўжа aka доирасини Элмуродга совға қилибди.

— Ўша доирани-я?

Деярли ҳамма санъаткорлар эртани кутмай, хизматдан кейин — кечасиёқ Элмуроднинг уйига келишади, ростми, қани обчикингчи, деб сўрашади. Кутлашади. Абдуҳошим Исмоилов ҳам келади, доирани қўлига ушлаб, Элмуродни табриклайди:

— Буюрсин, ука! Бу доира сени ярим йилда унвонлик қиласди, мана, мени айтди дейсан.

Фаришталар омин деган эканми, Абдуҳошимнинг гапи рост чиқади — ярим йил ўтар-ўтмас Элмурод Ислемовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилади.

...Фоғиржон Азимов ўн тўрт ёшли шогирдига уста Мартин ясаган доиралардан олиб бераман дебдими, билингки, Дилмурод унинг барча синовларидан ўтган, маҳорати шундай қимматбаҳо созни чаладиган миқёсга етган эди. Устознинг шуурида, ҳа, шогирдимдан мен айтгани созанди чиқаркан деган ишонч пайдо бўлган эди!

— Фоғир дадам буюртма қилиб қўйдим, пулини тайёрлаб тур, деб айтган кунларидан бошлаб менда халоват деган нарса умуман қолмади... Уйдаги боқаётган бузоқни сотиб пулини ҳозирлаб қўйдим. Кундузи Фоғир дадамга уч марта рўпара бўламан. Кечалари билан ухламай чиқаман ё кўзим илиниши билан тушимга ўша доира киради.

Дилмуроднинг бутун бошли новвоснинг пулига чирманда сотиб олгани, илгарилар: «Ҳаэнди, буям бир ҳавас, пишт десак учиб кетади», деб юришган отажиҳат, онажиҳат қариндошларнинг пайтавасига чўғ бўлиб тушди. Ҳовлидан кенгашлар, муҳокамалар аrimай қолди. Тоғалар, амакиларнинг фикри қатъий эди: улар Зулфия опадан жиянчаларнинг нияти сўқмоқ бўлса ғов қўйиш, ирмоқ бўлса тош ташлашни талаб қилдилар:

— Шу ҳам ҳунар-у, шу ҳам касбми! Бу йўл билан борганларнинг яхши одам бўп кетгани кам!

— Э, келиб-келиб отарчи бўладими! Юзимизни ерга қаратиб-а! Умуман йигиштиурсин...

Доира Тошкент осмонидаги ой эди-ю, болалар ундан најот олиб яшашар, қалбларини шу ойдан тараган мунааввар орзулар ёритиб, бирлаштириб турарди. Қариндошлар ой устига кетмас булутни етаклаб келдилар.

Зулфия опа ўшандада икки ўтнинг орасида қолди: нима десин, йўқ, қўйинглар, болаларнинг кўнгли шунга чопиб турибди, ана устозларининг ҳам фикри яхши, деса қариндошлари, жигарлари жуда «кесаман!» деб туришибди — оғриниб қолишади. Уларнинг айтганига юриб, болаларига:

— Иғиширинглар! — деса уларнинг орзусини синдирган бўлмайдими!

Иш осон кўчгани йўқ. Анча-мунча яхши-ёмон гаплар ўтди орадан. Қанча-қанча таъна-ю тазиқ ханжарлари, баҳсу тортишув найзалари синди, ахийри томонлар муҳораба майдонини ташлаб икки ёққа чекинишиди-ю, ғалаба болалар тарафда қолди. Зулфия опа, қолаверса, мулоҳазали, гапи бутун йигитча бўлиб ўсган Дилмурод қариндошларига ўз фикрларини уқтира олдилар. Шундаям кимдир тушунди, кимдир тушунишни ҳам, эшитишни ҳам истамай этак қоқиб чиқиб кетди.

...Пайт етиб, ўғиллари элга машҳур, ардоқли санъаткорлар бўлиб кетишгандан кейин, Зулфия опа, кўпинча:

— Худога шукур, — дер эканлар, — уялтириб қўйишмади мени. Юзимни ерга қаратишмади.

### 3

Дилмурод исмли бу ниҳолча дарахт бўлиб қувватга жирав экан, ҳамма нарсадан сабоқ олди: қўёшдан ҳам, ҳаводан ҳам, ғубордан ҳам, ҳатто «шоҳингни кесаман» деб келган болтадан ҳам.

Доирага дилини бериб, устозларнинг барини ушлагандан бериси кундан-кунга ҳаваси кўпроқ гуркираган болакайнинг суйиб борадиган жойларидан бири филармония — машқлар, концертларни томоша қилиш, санъаткорларнинг ўзаро суҳбатлари, фикр алмашишларини эшитиш бўлиб қолган эди. Сармашқларни жон кўзи билан кузатиш (бу ерни саҳна деб қўйибди, саҳнанинг, албатта, ўзига яраша, одамни тараддудга, ширин ваҳима-

га соладиган сир-асорори бор), устозларнинг доирасини қиздириб туриш, чойнакдан чой «узилмаслигига» маъсъуллик, тушликка чиққанларида дарров қўлларига сув қуийш, обёғи олтита, қўли еттига бўлиб, югуриб-елибов-қат олиб келиш, бирор жойга концертга жўнашса кийимларини, созларини қўлларидан олиб машинага ортиш шунга ўшаган ўнлаб-юзлаб хизматларнинг барчасини у хушомад, ўзини кўрсатиш, қай йўл билан бўлмасин усталарга ёкиш учун эмас, кирсиз, ғуборсиз, энг аввал, ёши улуғ созанд, хонандаларни санъаткор сифатида ҳурмат қилгани, улардаги ҳунарни — маҳоратни севгани, қолаверса, онаси, илк устозларининг ўзидан катта кишиларга эҳтиром кўрсатишнинг, улар дуосини олишнинг нақадар муҳимлиги ҳақдаги ўйтларини, кўрсатмаларини бажарган ҳолда адо этди.

Саҳнага чиқишга ёш эса-да, саҳна четида сармашқларни кузатиб ўтиаркан, қўлидаги қиздираётган доирани оҳиста чертиб турди.

Шундай қилиб, Дилмурод 12—13 ёшлардаёқ санъаткорлар даврасида «ўз бўлиб», иссиқ-совуқ маъракаларга ҳам аралашиб юрадиган «полк ўғли»га айланиб қолганди.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова:

— 1968 йиллар эди, «Лазги» ансамблида ишлардим. Анвар Аҳроров — бизнинг асосий доирачимиз — бир болани етаклаб келди. «Шу — менинг шогирдим, ҳам қўшним. Оиланинг каттаси шу йигит. Даромадлари кам. Сағир укалари бор. Ишга олсангиз», деди. Қўзимга ҳалиги бола пачоқроқ қўринди. Анвар туриб олгач, ишга қабул қилдик... Анвар биринчи доирачи, Дилмурод ижкинчи доирачи сифатида ишлаб юришди. Кейин... барин-бир бўлмади. Қичкина эди, ҳатто паспорт ёшига ҳам етмаган экан. Қонун бор, ахир... Айниқса, ижодий сафарларга бошпуртсиз болани қандоқ олиб бориш мумкин?...

Дилмурод ўшанда, мана энди ҳаётимиз изга тушди, мана ҳунар усталарининг жамоасига кирдим — ҳунарим камол топди, иннайкейин, рўзгор тебратишим ҳам бундан бүён осонроқ кечади, ахир мояна, маош деганлари бор, деб севинди. Ишга кирди-ю, биринчи қилган иши шу бўлди:

— Оий, — деди уйга бориб. — Мен ишга кирдим, бугундан эътиборан сиз ишламайсиз! Етар!

Зулфия опа ҳовли супураётган эди, супургисини ерга ташлаб, қаддини ростлади:

— Жилла қурса чиқиб ариза ёзиб келайин...

— Хе, ойи, — күнмади йигитча, — қўйсангиз-чи ариза-паризани! Жуда зарил бўлса ўзлари келиб ёздириб кетишар...

Дилмурод муродимга етдим деб ўйлаганди, онасини ишдан қутултириш, онлани ўзининг топгани билан боқиши имкони келганидан, Зулфия опанинг кўзларига миннатдорлик ёшлари тўлиб: «Айланиб кетай!» дея севинганидан баҳтли эди.

Бироқ, у ишга кириши билан ҳаётида яна бир давр бошланганидан, бу даврнинг дарвозаси олдидаги ҳам уни жуда бешафқат синовлар кутиб турганидан бехабар экан:

— Бизнинг зарбаларимизга чидасанг, бизнинг елкамизни ерга теккиза олсанг, ўтасан ичкарига, йўқ эса, тошингни тер! — дейишиди ўша синовлар.

Гавҳар опа айтганидек, бошпурт йўқлигими, бошқа сабабми, ишқилиб «Лазги» ансамблининг раҳбарлари уни гастролга бориши учун ҳамма билан — оиласадагилар, маҳалла-кўй билан хайр-хўшлашиб («Ие, кичкина гап эканми, ўзимизнинг Дилмурод катта бир ансамблнинг доирачиси сифатида гастролга кетаяпти, ҳа, ота ўғил валламат!»), юкини кўтариб вокзалга чиқсан, ҳатто вагонга жойлашган еридан қайтариб юборишди уни!

Меҳрибон раҳбарларининг бу марҳамати Дилмуроднинг кўнглидаги севинчлар, дуркун умидлари, тоза фурурларни пайҳон қилиб юборганини гапириш ортиқча... У йиғлагудек алфозда маҳалласига, уйига қайтар экан, жомадони аламдек, ўксинишдек оғир бўлиб кетган эди.

Кейин, чиқмаган жондан умид: жамоасини сафардан қайтишини кутиб яшади... Нима қибди, ҳужжати йўқ эди — мажбур бўлиб қолдириб кетишиди. Келишлари билан ҳаммаси яна боягидай давом этаверади — машқлар, концертлар...

Бироқ, жамоа сафардан қайтганини эшишиб, боши осмонга етган, учиб борган болапақирга гапнинг каттасини айтадилар: у аллақачон ишдан бўшатилган экан.

Бу гал Дилмурод ўзини худди кўкрагидан итариб кўчага чиқариб ташланган ўгай боладек ҳис этди. Шоғирдининг шумпайиб, кўзи жиққа ёшга тўлиб турганини кўриб Анвар аканинг ҳам қони қайнади-ю, бошлиқларга рўбарў бўлди:

— Нега бўшатиб юбординглар уни? Ахир, аҳволни тушунтирган эдим-ку!.. Бунинг устига ўзинглар ҳам кўрдинглар, Дилмурод — бўладиган, ўсадиган бола! Қайтиб олинглар уни!

Катталар кўнишмади.

— Ҳа, хўп, доирачи эмас, ишчи қилиб олинглар,— ўтинди Анвар ака. — Мени қора тортиб келган ахир!

Бу гал ҳам илтимоси ўтмагач, нафсонияти оғринди, ҳамкаслари, айниқса шогирдининг олдида ўзини обруси тўкилган ҳисоблади-да, бунақа жойда мен ҳам ишломайман, деб «Лазги» ансамблини ташлаб кетди.

Лашкари андуҳи ғамнинг бу сафарги ҳамласи, зарбаси жуда қаттиқ бўлган эди. Дилмурод неча кунгача ўзига кела олмай юрди. Кўнглига юз хил ғалати ғаламис хаёллар оралади, ҳатто, афтидан бу менинг ишиммас экан шекилли, деган мулоҳазага ҳам борди. «Нима, деди ўзига ўзи, шундан бўлак иш дунёда қуриб, кетганими! Ё доира чалмасам ўлиб-нетиб қоламаними!» каби зардали фикрлар ундови билан гоҳ у кўча, гоҳ бу кўчани айланиб, кезиб юрди.

Бир маҳал қараса яна филармониянинг дарвозаси ёнида турибди... У шайтонга ҳай берди:

«Йўқ, мени қайтарадиган мард ҳали туғилган эмас! Мени енгиб бўпсизлар... Ман, ахир, доира чалмасам, ростдан ҳам... ўлиб қоламан!»

— «Лазги» бўлмаса бошқаси, дедим-у филармониянинг мусиқа бўлимига ҳар кун бориб аралашиб юравердим. Йшга олишмаса ҳам ишлайвердим. Ким нимани буюрса хўп деб бажаравердим — ҳеч қандай хизматдан ор қилмасдим: прожектор, плита қўтариш, кийимкечак ташиш, доира қиздириш... Мусиқа бўлимида ҳар хил концерт гуруҳлари кўп эди, юр дегани билан кетавердим — қишлоқларга, далаларга, шийпонларга, қурилишларга... Артистлар учун бунақа ишлар—майдар, кундалик меҳнат ҳисобланади. Кўзга кўринмайдиган, қадрига бирор етиб етмайдиган. Катта концертларда қатнашган санъаткор элнинг назарига тушади, раҳбарнинг эътиборига тушади, бу ерда-чи... Шунинг учун бунақа концертлар ҳаммага ҳам ёқавермас, менинг ишим бор, тўйим бор, ўрнимга бориб келгин қабилидаги илтимослар кўп бўларди. Менга эса шу керак эди — мен учун ансамблда ўтириб чалиш баҳт эди.

Дилмурод ўша йиллари таниқли хонандаларнинг деярли ҳаммасига жўрнавозлик қилди, ҳаммасининг меҳ-

рини қозонди. Гоҳ қайсиdir доирачининг ёнида, гоҳида ёлғиз ўзи — Жуманазар Бекжонов, Шерали Пўлатов, Қувондиқ Исқандаров, Комилжон Баратов, Неъматжон Кулабдулаев, Телман Ҳасанов, ҳатто Тамараҳоним турӯҳларининг ўша дашту далаларда, қурилиш, цехларда ўтган концертларида доира ҷалиб ҳам эътибор, ишонч қозонди, ҳам маҳорати чархлана борди.

Бошлиқларга ҳам жуда маза — тайёр, хизматбарор, хожатбарор бола, «Хизмат — beminnat» фирмасининг фидойи хизматчиси. Қайга бор десанг кетаверади, «йўқ» деганини эшиitmайсан — нима учун фойдаланмаслик кепрак!

Дўстимиз устозларининг айтганини талаб даражасидан ортиқ этиб бажармагунча изланишдан, меҳнат қилишдан қочмади, чалганининг қайсиdir жойи чиқмаса, шуни яна бир марта кўрсатинг деб сўрагани орланмади.

Ҳозирда таниқли бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Телман Ҳасанов ўша 1968—69 йиллари, ҳамнафаси Толибjon Муллажонов ёнида, ўз қўшиқлари, ўз йўли билан давраларга туша бошлаган эди. Устазода, ижодидилбар санъаткор Телман ака Дилмурод деган боланинг истеъодини пайқаган, бу ўрдакчадан кун этиб оққуш чиқишини сезган инсонлардан бири бўлди. Шунинг учун ҳам, у мингта чилдирмачининг орасидан айнан Дилмуродни танлади, концертлари, тўйларига доим уни олиб юрди.

Дилмурод бошқа устозлар, санъаткорлар қатори Телман Ҳасановни ҳам оғир дамларда қўллаган, тушунган, йўл-йўриқ, маслаҳат берган оқил, бағри кенг инсон сифатида ҳурмат қиласди.

#### 4

Бу орада драманинг янги кўриниши ривожланиб, этилб борарди.

Дилмуроднинг саргардонликлари Фофир ака Азимовнинг кўз ўнгидаги кечайдигани учун, у киши ҳар гал мавриди келганда бошлиқларга айтиб, шогирдининг тақдирини чигал йўлдан чиқариб юборишга уриниб юрди. Кунлардан бир куни у «Шодлик» дастасининг бадинӣ раҳбари, бастакор Сайфи Жалилга вазиятни тушунтирди. Сайфи Жалил эса Дилмуродни олти ой си-

нов муддати билан доирачи сифатида жамоага қабул қилди.

Дилмурод — энди унинг бошпурти ҳам бор эди, янги жамоаси билан севина-севина Қашқадарёга, ижодий са-фарга жўнаб кетди. У ёқдан қайтса, Сайфи Жалил иш-дан бўшаб, унинг ўрнига бошқа бадиий раҳбар — Ҳаким Нишонов тайинланибди. «Лазги» ансамблиниңг раҳбарлари ҳам, Ҳаким ака Нишонов ҳам кейинчалик Дилмурод Исломовнинг қадрдони, ҳамкорига айланиб кетишган. Бугина эмас, ҳамонки улар ўшандада бу йигитчани ўз жамоаларида ишлашини хоҳламаган эканлар, демак, бунинг жўяли, тарози босарли сабаблари, асосла-ри бўлса керак.

Қисқаси, Ҳаким Нишонов жамоани тўплаб эълон қилди:

— Ҳозир мана шу рўйхатни ўқийман. Кимнинг номи чиқмаса менга учрасин.

Рўйхат ўқилди — унда фақат Дилмуроднинг исм-фамилияси йўқ эканлигини билиб тургандирсиз.

— Сен ўзингга бошқа иш топ, — деди Ҳаким ака ва бутун аҳли санъат менга шундай ваколат берди дега-дек қўшиб қўйди: — Бизга тўғри келмайсан.

— Менга ваъда беришувди-ку... Олти ой синов мух-лати... — эътироҳ айтмоққа уринди Дилмурод ҳукм эши-таётган айбланувчининг оҳангি билан.

— Мен сенга ҳеч нарса ваъда қилмаганман.

...Бу навбат сен ханжар ёки найза билан эмас, қи-лич билан зарба бердинг, ҳаёт! Шамшириңг кўксимни тилиб кетди, оғриқнинг зўридан чўқкалаб қолдим, кўк-симдан ерга қон томди. Бироқ менинг зарбалар кўта-равериб қабариб кетган, пишиб чиниққан кўксим қи-личнинг ҳамласига ҳам тоб бера олди — у қалқон бўл-ди-ю тигинг юрагимга ўта олгани йўқ. Шунинг учун ҳам, гарчи бундан буён то ҳаёт эканман бағримда чандик билан яшашим рост. Аммо, мен енгилмадим.

Қўлларим омад, ютуқ тулпорининг ёлини тутиб ту-риди, менга мусаллам ўлгуси манзиллар кўзимга кў-риниб қолди, вақт бағрини очиб эртанги кунимни кўр-сатиб турибди-ю энди енгилар эканманми?! Бекор ай-тибсан, энди мени тахтдан тобутга торта олмайсан, иш-тирок этувчилар рўйхатидан чиқариб ташлолмайсан. Мен барibir қайтаман бу рўйхатга!

Қайтаман дедимми? Хато қилдим, йўқ! Бу рўйхатга шундай астойдил, узоқ муддатга, мустаҳкам кириб ўр-

нашганинми, энди мени ундан чиқарадиган кучнинг ўзи йўқ!

«Юрар йўлдан қолмади, йўл қувса ҳам толмади» деб куйладилар бахшилар.

Зарба қанчалик кучли ва бешафқат бўлмасин дўсти миз ўзини жуда тез ўнглаб олди ва қайтмас, қайсар, ўжар ирова билан, тишини бир-бирига маҳкам босиб курашга ташланди.

Бошлиқлар... омон бўлишсин: «Ўша бола бизда ишламайди, у — умуман бизданмас, ичкарига киритманглар, яқин йўлатманглар, келса, ҳайдаб юборинглар!» деб қоровулларга тайинлаб қўйиши — Дилмурод девордан ошиб, орқа дарвозадан кириб ишлайверди.

Бошлиқлар... Тўйчи Иноғомов, Фоғиржон Азимов, Болта Шариповдек нуфузли санъаткорларнинг орез-илтимосларини синдиравериши — Дилмурод барибир келаверди ишга, ўзини ёввойи кантар эмаслигини, шу тўпдан эканини исбот қилиш учун маҳоратини чархлайверди, гуруҳларга қўшилиб концертларга бораверди — чалса ҳам борди, чалмаса ҳам.

Шу бола безор бўлсин, ташлаб кетсин, шу ерлардан қадами қирқилсин деб энг оғир жойларга, энг оғир шаронтларга жўнатишди — бораверди. Узоқ-узоқ вилоятларга кетишар ёки қайтишар экан автобуснинг зинапоясида ўтириб борди — қайтмади.

Машқ қўллар экан, қўллари ёрилса лой суртиб чалди, ёриғи тезроқ битсин деб намакобга тиқди.

— Айниқса тўй мавсумларида мени бахтим чопади — бунақа пайтлар доирачиларнинг бозори чаққон бўлиб кетади, ҳаммага ҳам тирикчилик керак. Бу ёқда концертларни ҳам қолдириш мумкин эмас. Шундан фойдаланиб, аксар концертларда ўзим чалар эдим.

Ҳаким ака Нишонов дейдиларки, кунлардан бир куни вазият таранг бўлиб концертга жўнатгани бирорта донрачи қолмабди. Шунда Ҳаким ака ўқдек учиб Дилмуроднинг уйига етиб борадилар. Аксига олиб, у ҳам шамоллаб, иситмаси баланд ётган экан. Бироқ, Ҳаким ака, санъат қурбон талаб қиласиди, деган ўй билан Дилмуродга вазиятни тушунтиради... Унинг айтишича, Дилмурод концертнинг охиригача чидаб чалиб берган, бироқ концерт тугагач, иситманинг зўридан холсизланиб йиқилиб қолган экан.

Унинг учун еру кўкнинг марказий нуқтаси — саҳна, ҳаётнинг чиройи, умрининг маъноси — ўзи суйган санъат,

Энг ишончли, энг содиқ дўст — қўлидаги доираси эди. Орзунинг яқин васли қонини қайнатиб юборган, агар ҳозир бу боланинг кўксини ёриб қараш мумкин бўлса юракнинг ўрнида доирани кўтарадар.

Дилмурод — орзуга етиш, рўёбга чиқиш; ўткинчи, майда санъатчи эмас, мустасно санъаткор бўлиш учун курашнинг, бардош кўтариш номумкин меҳнат-машақ-қатнинг тирик тимсоли, бугун айтадики...

— Кечалари уйқум келмас эди, дўст деб Худога ёлворар эдим, мениям кўпчилик қатори меҳнатларим рўёбга чиқсан, ниятларим амалта ошсин, ўзинг мадад қилгин, ўзинг марҳаматингни аямагин мен етимдан ҳам, деб кўзда ёшим билан дуо қиласдим...

Ва яна дейдик...

— Парвардигор мени, ҳар кўрган одам, бу — кўримиз экан, ҳусни йўқ экан деб камситадиган, менсимай, беписанд қарайдиган боланинг дуоларини ижобат қилди, ҳамма тилагимни берди, — дейди, карами кенг Худога минг-минг шукрлар айтади.

Раҳмон эгам ҳамманинг ҳам ээгу ниятларининг амалини берсин, омни!

## 5

Авнало парвардигордан, қолаверса Худонинг номини дилга солиб, белни боғлаб мардона қилинганд мөхнатлар, чекилган риёзатлар, изланишлардан бўлди-ю, ўн етти ёшга стганда Дилмурод Исломов аксарият санъаткорлар ва санъат билимдонлари тан берадиган, қойил қоладиган, ҳайратга тушадиган, ижросида, услубида бошқалар қодир эмас афзалликлари бор, мустасонликлари бор тенги кам созанда бўлиб етишди.

Уни концертларга, тўйларга бирга олиб кетиш, унинг доираси жўрлигидаги куй чалиш, қўшиқ айтиш энг яхши жамоалар, энг атанганд ҳофизлар учун ҳам обрў саналадиган давр қадам босди давронга. Шу йиллар давомида Дилмурод замоннинг Карим Зокиров, Мехри Абдуллаева, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Комилjon Баратов, Отажон Худойшукуров, Бахтиёр Йўлдошев, Дадаҳон Ҳасанов, Ортиқ Отажонов, Сотволди Йўлдошев, Ҳадича Алимардонова, Аҳмаджон Шукуров, Хотам Ҳожиев каби хос булбулларига жўрнавозлик қилди.

Шуни таъкидламоқ жоизки, созандалар ансамблида ўтириб чалишга ёки турли ҳофизлар билан ҳамкорлик қилишга Дилмурод бежиз бу қадар қаттиқ аҳамият берган эмас. Ҳар қандай машшоқни созандалар ансамбли созлайди, пишигади. Истеъоди ёрқин, шунингдек, турли вилоятларнинг вакили бўлмиш ашулачиларга жўр бўлиш эса машшоққа анвойи мактабларга хос йўлларни ўзлаштиришда қўл келади.

Устоз Навоий демишлар: «Ҳар кимсаки айламас ошиқмоқни хаёл, япроқни ипак қилур, чечак баргин бол».

Охир-оқибат, ўзинни тағофилга солиб юрган раҳбарлар ҳам оқ байроқ кўтардилар — 1971 йили 5 октябрда Дилмурод Исломов «Шодлик» ашула ва рақс дастасига ишга қабул этилади. Дарвоҷе, бошлиқларнинг оқ байроқ кўтаришдан, сулҳ таклиф этишдан-да ўзга иложлари қолмаган эди. Дилмурод ўзига берган сўзи туфайлигина фақат «Шодлик»да ишлайман деб юрар, йўқ эса уни: «Бизда ишланг» деб таклиф қилаётган жамоалар бисёр эди.

Дилафрузхоним лутф этганиларидек, Дилмурод манақарийб ўттиз йилдан бери шу жамоанинг содиқ аъзоси. «Шодлик»нинг шодликлари-ю, ранжу озорларини ҳам, қоронғу тупларни ҳам, мунаvvар кунларни ҳам шу жамоа билан бирга тотган фидоий санъаткор.

Юракнинг қуввати билан ҳайдалган, пешонанинг тери билан сугорилган экин майдони дастлабки ҳосилларни бера бошлади — мақтовлар, олқишлар, меҳр изҳорлари ёғилди. Раҳматнома, ташаккурномалар эълон қилинди, муҳлислар, дўстлар кўпайди.

Нуфузли анжуманлар, концертлар, олий даражадаги тадбирларнинг нағис қисми, декадалар усиз ўтмайдиган бўлди. Энди Дилмурод Исломовнинг саҳнага чиқиши ва миришкор қўллар билан томошабинлар назари олдилда чаманлар пайдо қила билиши уни ҳукуматга ҳам, муҳлисларга ҳам намойиш этди. Мана, кўринглар, биз тайёрлаган мўъжиза, биз ўстирган истеъодод дея тақдим этаётганлар учун обрў эди. Чунки у қаерга, қандай концертга, даврага борса кеча кўкрагидан итарган раҳбарларига мақтов келтиради:

— Зўр санъаткор тайёрлабсизлар, оғарин!

1972 йили ўзбек санъати намоёндаларининг Қозогистонда ўтган ўн кунлик байрамига Дилмурод Анвар aka Аҳроров билан бирга қўш доирада ўйноқи, завқан-

тиз усуллардан тузилган мужассамот тайёрлаб борищди. Яъни созандаларимиз учтадан олтида доира чалиб сақнага чиқдилар. Бу эди нафақат қозоқ биродарларимиз, балки ўзбек санъат шинавандалари учун ҳам янгилик, армуғон эди. Сабаби, булардан олдин ҳам Акбар Йўлдошев, Анвар Бараев, Қаҳрамон Дадаев, Талъат Солиев, Одил Камолхўжаев каби моҳирлар қўш доира, бир неча доирада терма усуллар намойиш этган эсаларда, ҳали у тобгача икки машшоқ бир вақтнинг ўзида олти доира чалган эмасди. Аслида, икки ёки ундан ортиқ чилдирмада маълум бир усуллар тизимини ижро этиш жуда мураккаб, созандадан улкан маҳорат талаб қиласидиган вазифа — бу ҳолда, созанда доираларни ирғитиб, ўз атрофида, бармоғи устида айлантириб ёки яна бошқа турли жонглёрлик санъати унсурларини қўллаб чалар экан, аввало, созларни қочириб, тушириб, йиқитиб юбормасликнинг үҳдасидан чиқмоғи даркор. Ҳамда, албатта, ижро этилаётган усулларнинг узвийлиги, бир текислиги, жозибадорлигини йўқотмаслиги зарур. Икки созанда бирга чалгана эса талаб, масъулият, турган гапки, икки ҳисса ортади. Чунки, бу ўринда ҳар битта унсур, ҳаракат, ҳар бир зарб баравар, ҳамоҳанг ижро этилмаса иложи йўқ.

Анвар ака билан Дилмуродни Қозогистондаги байрамга Акбар Йўлдошев тайёрладилар, шунинг учун айтиш мумкинки, икки биродар, устозу шогирднинг қозоқ элида қозонган муваффақиятида муҳтарам устанинг ҳам ҳиссалари катта.

Сўнгра эса... 1972—73 йилларда илгариги «Алпомиши» спорт саройида республикасинг энг доиғдор санъаткорлари иштирокида катта анжуман-концертлар ташкил этилди. Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Ҳабиба Охунова, Үрипбой Нуралиев каби ҳалқимизнинг энг суюкли, энг ардоқли хонандалари қатнашган ўша учрашувлардан юракларда қолган шавқ-у ором, тот, ҳузур ҳали кўтарилигани йўқ.

Ҳай, ўша анжуманлар-у, ундан олган бетакрор, ўчмас тааттуротларни гапирмай қўя қолай. Бекорга юракнинг ўртангани қолади... Зарури: ўша концертларда атоқли хонандаларимизга ярқираб чиқиб келаётган юлдуз, қайга борса эшитганини, кўрганини завқнинг тошқинига, ҳайратнинг селига чўктириб юбораётган чапдаст-у моҳир йигитча — Дилмурод Исломов жўрнавозлик қилгани.

— Концертлардан бир нечасини телевизор орқали намойиш этилди. Биз — доирачилар буни билганимиз учун жонни жабборга бериб, бор куч, бор имкониятни ишга солиб чалганимиз. Ўзимиз қодир бўлган ҳамма санъатни намойиш этишга, шу билан шинавандаларни ҳурсанд қилишга уринганимиз.

Ўшанда... Гўёки, «Алпомиш» саройи бутун Ўзбекистон кўрадиган ва кўринадиган баланд бир довон устида эди, Дилмурод эса бир алп каби шу довон устига чиқиб мамлакат устига инжулар, марваридлар сочгандек бўлди.

Йўқ, бу марваридлар Вақтнинг Ўзбекистон ўтаётган туманли пардаси узра сочилди.

Марварид улашган йигитча ўзбекнинг ҳар хонадонида азиз бўлиб кетди.

Ун тўқиз ёшли Дилмурод Исломов, дўстлари, минглаб, миллионлаб мухлислари тили билан айтганда «Дилим» учун от отлаб, тую қўшлаб ўтилган машаққатлар, кийинчиликлар сўқмоғи ортда қолди. У довонни забт этган ва халқимизнинг энг севимли, энг машҳур санъаткорларидан бирига айланган эди.

## 6

Китобимизнинг мана шу давраси аввалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бафоят маданиятли, миллий мусиқамиз ҳабиби, зебо қўшиқларининг маҳбуби биродаримиз Абдураҳмон Холтоҗиев айтган галлар албатта ёдингизда бўлса керак:

— Ҳар гал Дилмурод aka телевизорга чиққанда, бармоқлари ҳаракатини киприк қоқмай кузатар эдик, чалганларини оҳанграбога ёзиб олиб, бўлиб-бўлиб ўрганардик. Унгача бунақа техника йўқ эди, — деганди у.

Мен Абдураҳмондан, кейин бошқа дўстларимиздан Дилмурод Исломов яратган, кейин унинг укалари, шогирдлари, салафлари у ёки бу даражада ўзлаштириб, ривожлантирган техниканинг, услугуб, мактабнинг ўзига хослиги нимада эканлигини шарҳлаб беришларини сурладим.

Наманганлик истеъдодли бастакор, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан, Расули Акрамдан кейин фақат мусиқани муқаддас биладиган ишқивор инсон Маҳмуджон Иномов Дилмуродининг услугига шундай таъриф беради:

— Агар маълум бир усулни яхлит тилла танга деб слсак, аввалги доирачилар бу тангани томошабинга, шинавандага яхлитлигича, бутунлигича тақдим этганилар. Дилмуроднинг салоҳияти, изланишлари натижасида ана шу тангани майдамайда бўлакчаларга бўлиб, баъзан заррабин оркали қарамаса ажратиб бўлмайдиган олтин заррачалар ҳолида, тез, нафис, ниҳоятда чиройли резлар ҳолида ижро этишсанъати юзага келди. Дилмурод, сўнгра унинг издошлари бу билан ҳам кифояланмадилар, резларни аввал бармоқлар билан чертиб бажаришган бўлса, бора-бора, маҳорат шу даражага етдикн, шапалоқ билан адо эта бошладилар.

Дилмуроднинг доираси, масалан, биргина «гум-бакабак-бак» ҳолида эшитиладиган усулни ўнлаб, баъзан уидан ҳам кўпроқ бетакрор, чиройли, мафтункор усуллар, зарблар шаклида ижро эта олади.

Савқи табиийлик, ижод, кўнгилнинг дарду сурурини иэхор этиш имконидан туйилган баҳт, юракни ёриб кетадиган, юрак — не, на замин, на осмонга сифмайдиган хуррамлик асносида пайдо бўладиган дил офати — сувлув тақсимлар, тизим-тизим усуллардан тузилган мўъжаз мужассамотларни биргина енгилроқ сўз — қочирим билан атамоқ, бизнингча, тўғри эмасдир.

Улар мусиқа йўлини, мусиқа жумласини, тактлар оралигини бойитувчи, безовчи гўзал нақшлар, сайқаллар, зеби оролардир.

Абдураҳмон Холтоҗиев айтади:

— Џилмурод аканинг услубига яна, бир усул, тақтнинг орасига тескари зарблар киритиш, усулни турлича-турлича қилиб, юз хил қирралари, кўриннишлари билан чала олиш каби инжа маҳорат хосдир. Бу мактаб асосчисининг ўзи, унинг салафлари маълум бир қўшиқ-қа жўр бўлишаркан, паузани бошқа машшоқлар қатори тўла, мусиқа жумласига ўхшатиб чалиш, ҳофиз нафас олгунча қадар ёки бошқа қисқа паузалар орасига кутилмаган, нафис сайқаллар бера олишлари билан машхурлар. Бир-бирига уланиб кетган, узлуксиз давом этадиган тақсимлар одатда бағоят тез, ақл бовар қилмас суръат билан ижро этиладики, салламно айтмай иложинг йўқ!

Дилмуроднинг доираси қўшиқ ёки куй давомида бир хил усулни ушлаб, такрорлаб туриш эмас, ана шу куйни, қўшиқни ўзининг овози билан — юз хил тобланишлар, оҳангларга солиб айтиб, куйлаб туради. Куй йўли-

га ибтидодан интиҳога қадар сұлым, ранго-ранг жозибадор гуллар, чечаклар әкіб кетади. Аңдоқки, машшоқлар жамоаси, ва ё ҳофизни эшиптамай, фактат џоиранинг ўзига эътибор бериб, уни тинглаб ўтирсанг ҳам — мусиқанинг оҳангини эшигандек бўласан, кўз ўнгинда сохир гўзаллик, мўъжиза, сеҳргарлик юз берадеганини кўриб «кўнгил мулкида қўзғалонлар» бошланади. Кўнглиниг, келаётган нурнинг истиқболига бағрини очган гулдай, очилади.

## 7

«Оллоҳ менинг ҳамма яхши ниятларимга етказди, нима сўраган бўлсам — берди», — дея шукрона билдириди Дилмурод. Биз эса унинг 17-18 яшарлигида Ўзбекистоннинг энг машҳур санъаткорларидан бири мақомици топганини гапирдик.

Ушбу сўзларда ҳеч бир муболага йўқ.

Сўз бораётган йиллари ўзбек элининг турли вилоятларидаги хонадонларда туғилган болаларнинг орасида Дилмурод исмини олганлар бисёр эди. Биродаримизнинг санъаткорлар, айниқса, доирачилар орасида шуҳрати баланд эди. Кўнглига губор қўнмаган, аксинча муҳаббат олови гуркираган ёшлар, Абдураҳмон Холтоҗиев айтганидек, «янги мактаб директори»нинг услубини ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар. Унинг издошлари, фойибона шогирдлари, мухлислари сонсиз-саноқсиз бўлди. Кўнглида — Дилмурод етишган маҳорат ва шуҳрат чўққилари, қўлида лўли доира кўтариб тўгаракларга қатнашганлар кўпайди.

«Шодлик» ансамблининг Ўзбекистон бўйлаб ижодий сафарлари вақтида Дилмуродни у ёки бу вилоят марказида 30—40 та, баъзан ундан ҳам кўпроқ одам — доирачилар, шинавандалар кутиб олганини айтадилар. Дилмурод то Тошкентга қайтгунча «қўлма-қўл», бир пиёла чой устида шу боланинг суҳбатини олайлик, деган қанча-ю, тогорага ошни босиб ортидан кўтариб юрганлар қанча! Албатта, бунақа учрашувларнинг марказий мизансаҳаси, муродларнинг муроди — Дилмуроднинг қўлига доирани тутқизиш-у, ҳузурнинг уммоинда балиқдай яйраш! Саҳнада бўлса яхши, тўйда бўлса ундан ҳам яхши!

Йўқ эса, ўттиз-қирқ доирачи, яна шунча хофиз-у машшоқ, шинаванда жамланган давранинг тўйдан нима ками бор! Шунақанги давраларда шималар бўлиб кетмаганикин, ў, нимасини айтасиз! Дилмуроднинг бармоқлари доирага эмас қизиган доирадай бўлиб турган юракларга теккандек ўзни билмай қолишлар, ақл-ҳушни йўқотиб: «Аканг қурбон!» дея қийқиришлар...

Наманганлик «қўли ширин», истараси иссиқ доирачи Метинбой Олимов ҳикоя қиласди:

«Дилмурод шаҳримизга бир келганда Тожикистандан Уринбек Ҳамдамов бошлиқ санъаткорлар ҳам шу ерда гастролда эдилар. Уларнинг концерти вилоят марказидаги Маданият саройида бўладиган куни «Бир маза қилиб келмаймизми?» деб дўстимни концертга судрадим. Қўнмади. «Ўн дақиқага кирайлик!» деб зўрлаб туриб олдим. Асли, мақсад — ундан бир эшитиш эди. Охири «бўлти» деди-ю, бордик. Кириб, жойимизга ўтиб кетаётганимиздаёқ Уринбек ака бизни кўрди. Ашуласини охирига етказиб, томошабинларга мурожаат қилди:

— Даврамизда ажойиб бир созанда ўтирибди. У кишининг таърифи учун «ажойиб»дан ўзга сўз топа олмайман. Чунки бу йигит доира чалганда унинг маҳоратидан ёқа ушлаб, «во ажаб!» демаган одамнинг ўзи қолмайди.

Шундай деди-ю қарсак, шовқун-сурон остида Дилмуродни саҳнага таклиф қилди. Аслида шу Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Уринбек Ҳамдамовларнинг чиройли санъаткорлигидан ташқари жуда ширин сўзлаш фазилатлари ҳам бор... Хуллас, Уринбек ака бир неча лутф билан, ёқимили сўзлар билан Дилмуродни «ўради», қўлига доирани берди...

Берди-ю, қолди балога!.. Бошланиб кетди, денг! Залда ўзимизга қарашли болалар кўп эди: «Ҳа! Ҳа!» деб турнишибди... Роса олди-я азамат! Ашула ҳам, бошқаси ҳам бир тараф — ўзиям бир тараф бўлди...»

Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати байрамларидан бири. Қайсиdir концертдан илгари тожикистанлик машшоқлар, доирачилар — уларнинг орасида анча катта ёшдагилар ҳам бор — Фоғир ака Иноғомовдан:

— Бизни Дилмурод Исломов билан танишириб қўйинг, — деб илтимос қилишади.

Фоғир ака шу атрофда ўралашиб юрган ўрта бўйли камсуқум болани кўрсатиб:

— Ана шу Дилмурод бўлади, — деса, тожик биро-

дарлар уста хазил қилдилар — кулиш керак деб, кулишади.

— Шу — Дилмурод, нимага ишонмайсизлар! — дейди Фофир ака. Мөхмөнлар барибир ишонишмайды, афтидан улар Дилмурод Исломовни алп келбатли, забардаст, асосийси бунақа такомилга етибдими, демак ёши ҳам ўттиз беш-қирқә борган одам деб тасаввур қилишгани экан... Фақат концерт тугагач, яъни Дилмурод деган оловнинг саҳнани ҳам, залда ўтирганларнинг ҳам дилужонини ёндириб юборганини кўришгандан кейингина уни ўраб олишади, санъати, камтарлигига оғарин айтишади.

Баъзида Дилмуроднинг дилкаш давраларида, унга яқин одамлар орасида чапани, безоринамо йигитларни, қиморвозларни, панжаралинг у ёғини кўриб келган галати-ғалати, «шубҳали» кишиларни ҳам кўрганлар ажабланадилар. Ҳар хил хаёлларга борадилар, бўлар бўйлес гаплар тарқатишдан ҳам тоймайдилар.

Бироқ, созанданинг маҳорати, қўлидаги чолғуннинг сехри унинг даврасини тобора кенгайтириб, жамиятнинг турли қатламларига мансуб одамларни қамраб борар экан, бунга ажабланиш тўғрими?

Қолаверса, ҳамонки, ўша «шубҳали», ҳаётлари равон кетмаган одамларнинг кўнглида санъатга, гўзалликка тан бериш, ундан баҳра олиш қобилияти, ҳисси сақланиб қолган экан, демак улар жамият учун бутунилай йўқотилган, ўнгланмас одамлар ҳам эмас.

— Бошидан ҳар бало ўтиб, дийдаси қотиб кетган нечта-нечта шунақа одамларнинг мусиқанинг кучи, таъсири билан сел бўлганини, кўзига милт-милт ёш келганини, пешонасини чанглаб ўтириб қолганини кўрганимиз. Шунақалар кейин келиб: «Қўлни ташла, акаси, ўлгунча инимсан энди!» деса, кўкрагидан итариш гумроҳлик бўлади-ку!

Мана, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров айтиб берган воқеа:

— Андижонда — тўйда, Дилем акам билан хизмат қилиб турибмиз-у, бир маҳал шу тўйда юрган норғул, ҳайбати ҳирсадай келадиган йигит рўпарамга келди-ю, тўхтади-да, жуда болохонадор қилиб, қофиясини келиштириб сўкли:

— Хе, — деди, — сени ўша саксон-тўқсон! Жимилдириқ сўфи, имилжириқ полвон, ҳали чиққин, энангни Учқўрғондан ҳам пастроқдан кўрсатаман! — деди.

Шундоқ деди-ю, ҳеч нарсани билмагандек ўтиб кетаверди... Юрагим орқамга тортиб, кўз ўнгим қоронгилашиб кетганини пайқаб турибман. «Оббо, қайда бунинг мушугини «пишт!» деган эканман ё билмай соясими босиб олган эканман, деб ўйлайман.

Орадан икки дақиқа ўтгани йўқ, қарасам, кўзини қўшотар милтиқнинг оғзидаи дўлайтириб яна келаяпти. Рўпарамга етганда тагин тўхтади, кўзимни шунча олиб қочаман, қарамасликка уринаман — қайди! Турибди-да!

Бу сафар ҳалиги болохонанинг устига яна икки қаватни ўрнатиб, оғзини тўлдириб сўкли. Узиям устасидан экан!

Ўтиб кетди... Энди... юрагим уриши секинлаб, аъзойи баданим увишиб бораётганини пайқадим. Ёнимда, «ҳеч нарсадан бехабар» донра чалаётган Дилмурод акамга қараб, секин:

— Дилем ака, — дедим. — Ҳўв анави барзанги, «грузовий» ҳадеб келиб шағал ағдараляпти-я!

— Нима дейди?

— Ҳа, сўқаяпти!.. Ашула айтгим ҳам келмай қолди. Сингиб кетаяпман.

Дилим акам парвойи палак:

— Тепки еб ўтирасанми, — дейди. — Сўк сенам!

— Э... Жанжал чиқиб кетади, ака!

— Чиқса чиқар! Анжаннинг ярми ўзимизнинг улфатлар, дам емаймиз. Сўқавер!

«Кетса жон кетар», дедим-у ҳалиги йигит бу сафар ҳам келиб жуда илҳом билан ясаётган эди, ўзимни ўнглаб, чуқур нафас олиб турган эмасманми, мен ҳам аямадим:

— Ҳе, сениям — ўша! — дедим. — Анави-ю манави! Бир юз йингирмангга уч юз саксон етти! Тушундингми, тузоқ узар махсум, олбости тўра, миরзақирон чиллаки!

Репертуаримда борини ижро этаяпман-у, тайёр турибман! Ҳозир бошланади деган хавфдаман-да! Йўқ, аксинча бўлди: мухолифимнинг бирдан чеҳраси ёришиб, хохолаб кулиб юборди:

— Э, сен ўзимиздан экансан-ку, акаси! Маладес! Айтавер ашулангни!

Билсам, бу ҳазил Дилмурод акам томондан уюштирилган экан. Тўйдан кейин роса кулишганмиз...

...Мұхиддин аканинг хұшбаҳтли, намхуш овоз билан «Балли, ўғлым!» дея хитоб қылғанини, Зулфия опанинг «Худога шукур, юзим ерга қарамади» деганларини эшитгандек бўламан, сабабки елкаси яғир тойчоқ тулпорга айланган, иркит ўрдакча оққуш сувратига кирган эди!

Ҳаёт ғира-шира сўқмоқларнинг тиконларини тепиб лойли, тор жинкүчаларнинг исканжасини йириб-йиқиб ойдиннинг майин нури, офтобнинг меҳру тафти сер-мўл тушадиган кўчаларга чиқиб олди. Зулфия опа хонадонига ҳам катта ўғли, унинг ортидан эргашган кичик ўғлонларининг гайрати, аҳиллиги, покиза ниятлиги туфайлиданми, ўзининг кечалари ухламай қилган дуолари боисми, Мұхиддин аканинг бедор руҳи қўллаб-куватлаганиданми... дориломон кунлар келди.

Саҳнага башанг кийинган, юзи қуёшдай иссиқ йиллар бирин-кетин чиқиб, ёқимли овоз билан фаровонлик, шон-шуҳрат, обрў мурувват, барокот-саодат ҳақида қўшиқ айтдилар.

#### Дилмурод:

— Ишга янги кирган пайтларим ойимлар, ёшгина бола бу ахир, ишга олишгани тўғримиккин ишқилиб, деган хаёлда филармонияга борақканларда, деразаданми, бирор жойдан қараб текширас эканлар, машқ қилаётганимни кўрганларидан кейингина, кўнгиллари жойига тушиб қайтиб кетарканлар.

Олдинроқ айтганимиздек кўнгли очиқлик, бағри кенглиқ, эзгулик истаги билан яшаш каби ўзбакий хислатлар бу оиласа азалий фазилат, меҳмоннавозлик эса Ислом отадан, Мұхиддин акадан қолган энг қимматли мерос. Хонадон Парвардигори азиznинг синовларидан омон-эсон ўтиб, саодат кўрфазига кирад экан, оила меҳмон кутиш, одамларнинг кўнглини олишдан кўпроқ саодат туядиган бўлди.

— Азали меҳмон кутишни яхши кўрарди, — дейдилар Мавжудаҳон Дилмурод ҳақда. — Ноғора чалиб, доира чалиб, рўзгордан беш-тўрт танга орттира бошлагандан кейин эса бошимиз меҳмондан чиқмай қолди. Уйда товуқ, қуён боқарди, шу жониворлар атайин меҳмонлар учун боқиларкан-да, деб ўйлардим. Чунки, дарвозадан бирор келиб қолса бас, дарров битта товуқ ёки иккита қуённи сўйиб қозонга ташларди — ўйланиб, иккиланиб ўтирган, аяшни билган бола эмас. Баъзида меҳмоннинг

устига кўчадан ўтиб кетаётган танишларини, оғайниларини ҳам чақириб олади: «Хей фалончи, келмийсанми, бир яйрайлик», деб. Топиш-тутиши яхши бўлиб кетгандан кейин-ку, шу кунларга еткизганингга шукур, худойим, деди-ю, уйимизни меҳмонхонага айлантириди. қўйди.

Бир вақтлар Исломовларнинг «Ишчилар шаҳарчаси»даги ҳовлиси ўзбек санъаткорлари орасида «Дарвазаси доим очиқ, дастурхони тун-кун ёзиқ хонадон» сифатида қадр, хурмат-эътибор қозонган эди.

Республиканинг турли вилоятларидан концерт, тўй, тирикчилик сабабидан Тошкентга келганлар, пойтахтда ишлаб ўрнимни топиб кетарман деб ният қилганлар ёки бу ерда ўқиб бирор ижодий жамоада иш бошлаган-у ҳали уй ололмаган санъаткор ёшларнинг кўпчилиги шу хонадондан бошпанда топишган.

Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Қувондиқ Искандаров, Қобилжон Юсполов, Илҳом ва Ҳалимжон Жўраевлар, Санобар Раҳмонова, Нуриддин Ҳайдаров каби ардоқли хонандалар бу оила олдида ўзларини ҳамиша қарздор, миннатдор ҳисоблаб келишган.

Аҳли дилнинг аксарияти ҳафталаб, ойлаб шу ерда яшаб қолишиади, буларнинг хизмати тун яримдан ўтгандага тугагани учун ярим кечада, тонг оқарганда келишиади — дарвоза очиқ, ўринлар солинган. Эрталаб уйғонишиларига бирорта «иссиқ» тайёр. Баъзан меҳмонларни қидириб уларнинг қариндошлари, дўстлари келиб колганда олий навли ҳиммат, бағри кенг саҳоват — қўли кўксида, уларни ҳам кутиб олаверган. Зулфия хола, қизлар, кейинчалик келинлар меҳмонларни «ўз» кўриб хизмат қилишган, чой-овқатидан хабар олиб туришганидан ташқари, кийимларини ювиб, дазмоллаб беришган...

Ҳимматингга тасанно, меҳру оқибатингга ҳасанот, ўзбегим!

Мабодо Дилмурод бирор ёққа сафарга кетадиган бўлса, уйдагиларга қаттиқ тайинлайди:

— Менинг йўқлигимни билдириманлар! Яхши қаранглар меҳмонларга!

Нуриддин Ҳайдаров:

— 1979 йили Тошкентга келдиг-у, шу хонадоннинг битта фарзандига айландик. Дилмурод aka инимиз-у, Зулфия опа онамиздек эдилар. То бир ишнинг бошини

ушлаб, бошпана топгунимизга қадар маконимиз шу үй бўлган. Мени ҳаётда, санъатда ўз ўрнимни топиб, озмикўпми, элга танилишимда бу оиласнинг эллик-олтмиш фойиз ҳиссаси бор.

«Ўзбекистон» ансамблининг директори Ҳабилулла Йўлдошев Нуриддиннинг гапларини тўлдиради:

— Кўп вақтимиз шу хонадонда ўтган. Зулфия опани «ойи» дердик, шунчалик синашта, қадрдон, меҳрибон аёл эдилар. Истасангиз, сўранг, жуда кўп санъаткорлар у кишини шундай атайди. Ҳаммани, жумладан, мени ҳам ўз фарзандидай кўриб, панду-насиҳат қилган, йўлинг очилсин, бахтинг очилсин дея дуои-фотиҳа берган шу улуғ аёл, муқаддас инсоннинг руҳи олдида ҳамиша таъзимдаман.

## 10

Дилмурод ака эмас, ота бўлиб рўзгорни бутун қилганини, укаларини кўтарганини, опа-сингилларини жойлаганини гапирмайди. Ростдан ҳам, наинки бу ишларни у кимгадир гапириб, обрў олиш учун қилган бўлса!

У гапирмайди, отамдан кейин бу менинг бурчим эди, вазифам эди, деб ҳисоблайди. Бироқ опалари, укалари бир оғиздан, фурсати етиб унинг оиласнинг ҳақиқий сардори, отасига айланганини, жигарларининг ҳар бирига ҳунар ўргатиб, одам танитиб, йўлини топиб кетишида сарварлик қилганини, ҳеч нарсани аямаганини таъкидлайдилар.

Мавжудаҳон айтадилар:

— Ҳаммамизнинг тўйимизда юкнинг вазминини шу укам кўтарди. Келди-кетди, қуда-андачилик расми-руссумини битта отадай ўрнига қўйди. Илгари иккى үй, бир дахлизда яшар эдик — аввал ҳовлининг ичига ўзи учун иморат солди-да, ана шу ерга уйланди. Кейин Холмуродга, Элмуродга аatab ҳам алоҳида-алоҳида уйлар қурилди. Шу уйларга укаларини уйлади укам бояқиш... Энди ҳовлимизга киргандарнинг кўзи қувнарди, уйларимиз — кўркам, чиройли, иссиқ ноннинг таъми тутиб турганидан муҳтоҗлик ҳам яқин йўлай олмайди.

Оиласнинг кенжা қизи Машҳураҳон дейдилар:

— Акамнинг айниқса менга меҳри баланд, бу синглим адамларни кўрмаган, отасиз ўсгани учун кўнглида дарзи бор деб кичкиналигимдан то шу кунгача кўтар-

кўттар қиласилар. Тикон кирса, сенга эмас, менга кирсий деб, авайлаб, қайга борсалар бир қучоқ совға-салом кўтариб келардилар. Айниқса, чет элга борганларида... Ғаройиб қўғирчоқлар, ажнабийча кўйлаклар! Бошим осмонга, оғзим қулоғимга етиб юрардим. Ҳамма ўртоқларимнинг кўзлари ёниб кетарди кийимим, ўйинчоқларимни кўриб... Балофатга етганимдан кейин тўйинни ҳам беками-кўст қилиб ўтказдилар.

Дилмурод уйланган, Мадина Бону, Бек Мурод, Олия Бону, Мукаррам, Муҳиддин исмли фарзандлари, Мадина Бонудан ҳадя — Арслон Бек исмли набираси бор.

Бир маҳаллар... бир ҳовлида учта келин, уч оила, қозон битта, рўзгор битта, аммо ташқарига ҳовлидан ғиди-биди овози тугул, «тиқ» этган шарпа чиққан эмас. Аксинча! Маҳалла-кўй, яқин-йироқлар бу хонадондаги собит муроса, аҳиллик, саришталик, тартибни, ҳамда уч биродарнинг ота паноҳисиз ўсишганига қарамай, ҳаётда қоқилмай-суқилмай, ўз ўринларини топиб, иззатикромли, шинам, ёқимли, эл суйган одамлар бўлиб ўсишганига ҳавас билан қарашар, ўз фарзандларига:

— Ана, Дилмуродлардан ибрат олгин! — деб уқдиришар эди. Қачондир «Ҳа, уларми... отарчилар-да!» деб менсимаганлар, лаб жийириб сўзлаганлар энди ўғилларини, набираларини етаклаб келишадиган бўлишди:

— Дилем! Шуни ўзинг ол шогирдликка ёки Холмуродгами, Элмуродгами бер! Сизларга ўхшаб юрсин!

Маликахон, Элмуроднинг рафиқаси, хонадондаги тутвлик, фаровонлик, хушбахтликнинг замини, пойдевори ойимлар эдилар — деб ҳисоблайди.

— Бизнинг ҳовлига тонг табассум билан, илиқ сўз билан кириб келган, кун ширин гурунг билан ботган — бунақа ҳовлида ихтилоф нима қиссин, дилхиралик найласин!

— Майиздек юмшоқ, кўнгиллари бўш, оғир-вазмин, ўзбакий нафосат, ботиний гўзаллик соҳиби эдилар, — деб таъриф беради волидаи муҳтарамасига Мавлудаҳон опа.

— Уйда ўтирганлари билан дунёнинг пасту-баландини бизлардан кўра ўн чандон яхши тушунадиган закий, оқила аёл эдилар, — деган чизгилар қўшади бу таърифга Дилмурод.

Маликахон эса келинлар номидан меҳр ва миннатдорлик изҳор этади;

— Ипакдай мулойим эдилар, оҳиста сўзлардилар, кўнгилга ботадиган сўзни асло айтмасдилар. Ўз фарзандларини қанча сўйсалар бизни ўшандан ўн ҳисса ортиқ ардоқлаб олиб юрадилар... Қуш уйқу эдилар. Учта келинмиз — хўжайнларимиз доим тун яримдан ўтганда келишади — концерт, давралар. Ётсалар ҳам ухламай йўл қараб ётар эканлар. Бизга ачинарканлар... Гастролларга кетишганда, қирқ кунлаб келишмай юриб қолишиша, кўзимиз мўлтираб турганини кўриб, ойимлар раҳматли бошимизни силардилар: «Софиндингизми, айланай?» дер эдилар... Мен ўзимнинг ота-онамниям яхши кўраман, албатта. Лекин бу томонга кўпроқ ўтиб кетганман десам ҳам рост... Агарда мендан бутун ўзбек оналарининг тимсоли бўладиган аёл борми, деб сўрасалар шу ойимларни кўрсатардим. Дилмурод акани айниқса ҳурмат қиласар эдилар. Мен келин бўлиб келганимда у кишини менга: «Мана шу одам — қайнотангиз, ада дейсиз, Холмурод акангизни эса «Мулла ака» деб чақирависиз», дедилар. Шу-шу уларни шунақа атайдиган бўлганман.

Маликахон ҳақ: Зулфия опанинг катта ўғлига нисбатан ҳурмати, муносабати ўзгача эди. У бу фарзандига кичкиналигидан суюниб қолганини, ундан мадад олиб яшаганини кўрдик. Болаликда нишона берган ҳақ сўзлилик, салобат, вазминлик, қатъийлик каби хусусиятлар йиллар ўтган сайнин Дилмурод табиатининг асосий белгиларига айланди. Худо уни фарзанддан ёлчитганига опа шод эди — не баҳтки, ўғли — ишонса, суюнса бўладиган, онасини кафтида кўтариб юрадиган, ўзини ўйлаб жигарларини унумайдиган оқибатли, мард йигит чиқди. Шундай бўлдики, Дилмурод, маълум ёшга етганда Зулфия опа ҳар қандай ишни у билан маслаҳатлашиб, кенгашиб қилишга одатланди:

— Шошма-чи, Мавжуда, уканг келсин-чи, у нима деркин... Ўғлининг кийим-бошини бирояга ишонмайди, ўзи ювиб, ўзи дазмоллаб беради, овқатини ўзи келтиради, чойини ўзи дамлаб олиб келади:

— Ойи, келинларингиз бор-ку, қўйсангиз-чи, — деса кўнмайди. Унинг кўнглидан ўтаетган фикрларни пайқаб туради, гапни бошламасидан аввал нима демоқчи эканини билади.

О, албатта!... Буларнинг бари ҳаёт омонсиҳ машақ-қатларни солганда ўғлининг мадад берганидан, осон йўлга, хатоларнинг кўчасига кириб кетмай, меҳнатнинг,

машаққатнинг чақмоқ тошли, чақир тиканакли сўқмоқ-ларидан борганча ҳақиқий инсон бўлганидан, укалари-ни ҳам ортидан эргаштиргани, қўллаганидан миннатдор Онанинг меҳр изҳорлари, муҳаббати белгилари эди.

— Менинг ўғлимдақа ўғил оламда йўқ, — дер эдилар опа. — Битта-ю битта — у!

Бизнингча, Зулфия опанинг бош ўғлини бошқа фарзандларига кўра кўпроқ аяши, кўпроқ суйишига яна бир сабаб бор эди: Дилмурод отасини қандоқ яхши кўрганини, унга қаттиқ ўрганиб қолганини, Муҳиддин аканинг ўлимидан кейин айнан шу боланинг ҳаммадан кўра кўпроқ куйганини, изтироб чекканини, ўша изтироб, ўксиниш унинг кўнглини ҳануз ўртаб юришини опа яхши билганлар.

Она ҳис этмай, она билмай яна ким билсин!

## 11

Дилмуроднинг Муҳиддин ака қилган ширин орзу-ларга, яхши ниятларга етганидан сўнг, отасини қўмсаб, қани энди шу кунларимни адамлар ҳам кўрганларида, деб яшагани, «ошу нонни бемалол топганда Сизни топмадим», дея ўртаниш, ички йиги билан умр кечиргани тўғри. Бир пайтлар унинг маҳалладаги ёши улуғ, табаррук отахонлар билан қалинлашиб, даврадош, улфат, сирдош бўлиб юргани сабабларидан бири ҳам шунда:

«Оқсоқол оталарга қуш каби талпинаман...» — деб куйланади машҳур қўшиқда. — Ингламай яшайман-у, аммоқи соғинаман...»

«...Адажон, ада! Сиз ҳам мана шу даврада бўлганингиэда эди... Ортингизга юмшоқ ёстиқ қўймасмидим, югуриб-елиб хизматингизни қилмасмидим, чой келтирмасмидим, ширмон нон, асал келтирмасмидим, адажон!.. Концертларимга олиб тушиб биринчи қаторга ўтқизиб қўймасмидим. Сиз учун, фақат Сиз учун чалмасмидим! Ким гул кўтариб чиқса Сизга бериб, қарсак чалсалар, тўхтатиб, айтмасмидим:

— Менга эмас, гулни мана шу одамга беринглар! Мен эмас, шу одам муносиб сизнинг қарсагингиз, ол-қишингизга! Чунки шу инсон — менинг табаррук отам бўладилар. Отамлар мени туғилганимдаёқ созанда бўлади деб ният қилганлар, кичкина бола эканимдаёқ устанинг барини ушлатганлар!..

Аввалига у ота қадрдонлар билан суҳбатлашсам, улар адам ҳақидағи хотираларини айтсалар әшиитсам, улар узатган чой билан ҳароратим босилса, деган ниятда отахонлар даврасига аралашып юрганди. Қейин-кейин тамом ўрганиб кетди, уларнинг суҳбати ҳаётининг шинам қисмнга айланди. Қариялар ҳам ёш дўстларига кўнишиб кетишиди.

Охуруламр, иш шунга бордикки, икки томон бир-бiri билан тенгқурлардай муомила қилишадиган, бора-бора эса бу — ёш, миаси бизникига ўхшаб айнимаган деб ўйлаган қариялар Дилмуроддан маслаҳат сўрашадиган бўлишиди:

— Шунаقا иш бор, Дилим... Аммо, каттамиз — сен! Сен нима десанг — шу!

Бу — ҳар қандай чучмалликдан йироқ, аксинча бир-бирининг яхши-ёмон томонларини, тилини ҳам тушуна-диган, дарди-офриги нимада-ю, шодлиги-қувончи қайда эканлигини яхши биладиган синашта инсонларнинг дўстлиги, қадрдонлиги эди.

— Афтидан, бунга менинг жуда ёш туриб кўча кўриб қолганим, эрта назарга түшиб кетганим ҳам сабаб бўлса керак. Улар мени яхши кўришарди, мен ҳам уларсиз яшолмасдим. Ҳар хил касбдаги одамлар — санъаткорлар, савдо ходимлари, проводниклар, қассоблар... Эрталабки тўйларга хизматга борганда топган қадрдонлар ҳам бор. Маҳалладаги йиғиниларга, тўй-маъракаларга менсиз боришмайди. Концертларга, байрамларга бирга борамиз. Тўй қилганимда, мен билан ёнмаён, қанотимда турганлар ҳам — шулар эди. Қудаларим булаф кимлар деб сўрашса, кимдир Дилмуроднинг улфатлари деб жавоб бериди. Хайрон қолишган экан.

Абдураззоқ отанинг ёшлари етмиш ёшдан тепада, Собир хўроz деганлари саккизинчи ўнталикни майдала-ган. Уларнинг олдида Фоfir aka Азимов — ёш бола... Қариялар Дилмурод тўйга, концертга кетган кунлари гузарда пойлаб ўтиришади, ухлашмайди:

— Бугун жа хаяллаб кетдими?

— Келади! Қай гўрга борарди, келади-да барибир!

— Билиб бўладими! Бирорта ўйинчи кўз қисган бўлса!

— Кимга? Шунга кўз қисадими! Чалпакка ўраб берса ит етмайдику буни!

Кундузи чойхонада қилингани палов ёки димламадан бир чинни косада олиб, тепасига юмшоқ оби нон ёпиб

қўйишган, Дилмурод келиши ҳамони индамай, гап орасида олдига сурадилар. У қорни оч бўлмасаям қарияларнинг кўнгли учун овқатни ейди, булар қараб ўтиришади. То қуёш келиб, туннинг ғуборларини тарқатиб юбормагунча гурунг тўхтамайди. Бунинг гаштига нима етсени!

Бир гал... У қайгадир ижодий сафарга борди-ю, ўнён беш кунлар чамаси қолиб кетди. Қайтиб келса Абдураззоқ ста — касал, уйида ётибди. Кўриб қўяй деб кирса, чолнинг сўрашгиси келмайди, ҳайдайди нуқул:

— Бор, бор! Юравер ўша ёқларда! Бира тўла фотиҳамга келарсан!

Дам олиш кунлари улфатлар бирорта сўлимроқ жой топиб, ош баҳона — дийдор ғанимат, гапни гапга, асқияни латифага улаб ўтиришади. — Чолларнинг фарзандлари, набиралари — баъзиларининг ёши Дилмуроддан 20—30 ёш катта — ташқарида, дадам, бувам чиқсалар обкетаман деб машинада кутиб ўтиради.

Баъзан эса, сардор йигит уйда эканлигида, маҳалланинг онахонларидан бири кириб келади:

— Болам, сенинг обрўйинг бор, гапинг ҳам ўтимили. Менинг ўғлимга бир насиҳат қилиб қўйгин.

— Нима гап?

— Кеч келади-да... Қайларда юраркин — кўнглим қурғур ҳар кўчадан истайди. Хавотирим ҳеч қайга сигмайди.

Дилмурод кулади:

— Опоқи, ахир, у кишига қандоқ насиҳат қиласман. Мендан йигирма ёш катта бўлсалар!

— Майли, гап ёшда эканми! — намиққан кўзини артади кампир. — Сенинг гапингни олади, мана мени айтди дейсан.

Таассуфки, ана шу яқин дўстлик-махалладошлика ҳам охири кўз тегди... Исломовлар умргузаронлик қила-диган ҳовлининг теварагида Фишт заводи, «Малика» фирмаси, ҳаммом каби катта-кичик корхона, муассасалар жойлашган эканлиги ҳақида воқиф этиб эдик.

Шулар кенгайиб борар экан, хонадон аҳлининг юрагидаги «Шу ҳовлимишни бир кунмас бир кун бу корхоналар еб қўяди-да», деган таҳлика, ташвиш ҳам ўсиб борар эди... Охири, ўша кун келди. «Малика» фирмасига янги устахоналар қурилиши муносабати билан бешолти хонадон, жумладан, Дилмуродларнинг ҳвлиси ат-

трофида сигарета чекиб, «ўхха-ўхха» йўталган булдо-  
зерларнинг овози эшитилиб қолди.

Оила, гарчи, бунинг ниҳоятда муҳим, инкор этил-  
мас зарурат юзасидан амалга оширилаётган иш экан-  
лигини яхши тушунсалар-да, илдизлари томир отган,  
мехр билан, яхши ниятлар билан қурилган отамакон  
жойнинг бузилишини драма эмас, расмана фожеадек  
қабул қилдилар. Ҳали Муҳиддин аканинг овози, оёқ  
шарпаси, иси кўтарилимаган ҳовлини, кейинги йиллар  
ораста, кўркам уйлар бино этилиб ажиб тароват касб  
этган, мунгли нолишлар эмас, шўху-хандон кулгилар,  
қалдиргочнинг сайрашидай яйраб таплашишлар, кич-  
кинтойларнинг оёқ тапиллатиб югуришлари эшити-  
либ қолган ҳовлини тракторнинг оёғи остида кўриб, чи-  
даб туриш осон бўлгани йўқ.

Маҳалла-кўйдан, шунча йил шодлик ўртада, ташвиш  
ўртада — елкадош, тобуткаш, истараси офтобдай иссиқ  
бўлиб қолган қадрдонлардан ажралиш-чи! Узбекнинг  
оқибатига нима етсин — ўз навбатида аҳли маҳалла,  
қўни-қўшилар ҳам Зулфия опа ва унинг фарзандла-  
рини бу ердан кўчаётганларидан қаттиқ куйдилар:

— Келиб-келиб шуларни кўчиришадими, а! Маҳал-  
ланинг ўғлидай бўлиб қолганди-ку, булар!

Кексалардан бири — ўртанган юраги хитоб этиб,  
деди:

— Дилмурод, менинг ўғлим ҳовли қилиб чиқиб кет-  
моқчи... Уйлари бўшайди. Шу ерга кўчиб киринглар,  
юрак кенг бўлса ҳаммамиз сигамиз...

Ака-укаларга бир-бирларига яқин жойлардан алоҳи-  
да-алоҳида «дом» беришди. Гарчи, шундан кейин ҳам  
туғилиб ўсишгани маҳалладан узилмай, ҳамма катта-  
кичик йўриқларга қатнашиб туришса, йўриқсиз кунлар-  
да ҳам келиб, айланиб, у ҳовли-бу ҳовлидаги қадрдон-  
лардан хабар олиб-кетиб юришса-да, барибир, аввалти  
сингари кунда юз кўришишлар энди... йўқ эди.

Кунларнинг бирида — Дилмурод уйида дам олиб  
ўтирган эди. Пастдан бироннинг овози эшитилди:

— Дилмурод! Хов Дилим! Қайдасан?

Овоз эгаси — Собир хўроз эди, Дилмурод қараса,  
пастда — кўзлари аланг-жаланг, кўриниб қолармикин  
деб уни истаб турибди.

— Хов, мана ҳозир!

Собир хўроз уни кўрди-ю, «дом» экан деб ўтиrmади,

тўлиб турган экан, оғзига келганини айтиб, бўралаб сўкли:

— Туш-ей тезроқ, ҳошим! Такси кутиб қолди!

Дилмурод етиб тушганда... Отахон энди ўзини ту-  
толмади, қалтироқ босган қўллари билан уни бағрига  
босиб йиглаб юборди:

— Шунақаям қиласанми, номард!.. Кимга ташлаб  
кетдинг мени? Бундан кўра ўлдириб қўя қолсанг ях-  
шимасмиди...

Собир ота бозорга тушиб паловга масаллиғ харид  
қилиб олган экан, Дилмуродни таксига ўтқизди-ю, ма-  
ҳаллага — қадрдонлар даврасига олиб кетди.

\* \* \*

Биз — муҳаббат аҳлидирмиз, бизга тақдир эрур — ёниш,  
Қамишни най, ёрочни соғ этмиш бизнинг гирия, хониш,  
Маҳфил — фалак, юлдуз — қадаҳ,

нур — май эрур, ҳилол — болиш,  
Азалдан то абад жонлар сеникидир, ё муҳаббат!  
Оташин дил, қайноқ қонлар сеникидир, ё муҳаббат!

Дил поласи ой куйига ўралар биз борган жойда,  
Гулнинг яро кўнглидан сўз сўралар биз борган жойда,  
Ишқин куйга солар булбул — жўралар биз борган  
жойда,

Маъшуқа гул бўйиндандир бойлигимиз, ё муҳаббат,  
Ошиқ булбул куйидандир бойлигимиз, ё муҳаббат!

Гарчи сенга етмас токи  
битмас жонининг шикояти,

Ё раб, бизга осон берма  
роҳи ранжнинг ниҳоятин,  
Хижронингдур — иноятинг,  
азобларинг — ҳимоятинг...

Висолмас, дард истаганлар умматингдир, ё муҳаббат,  
Фалак чархин айлантирган қудратингдур, ё муҳаббат!

Ғуломжон Еқубов, Ўзбекистон халқ артисти;

— Дилмурод Исломов алоҳида созанда сифатида  
ҳам жуда довруғли, олиймаком маҳоратли, санъати, иқ-  
тидорини кўрган киши ҳайрат бармоғини тишламай ило-  
жи йўқ эди. Ёнига укаларини олиб ҳар бирлари учта,

түртта, бештадан доира чала бошлаганларидан кейин эса унинг шуҳрати самоларга етди-ёв... Мен шунингдек, биродарларимизнинг устозлик фаолиятини алоҳида таъкидламоқни истар эдим. Улар минглаб болаларни қўлига ҳунар, қўнглига муҳаббат солиб, ҳаётга йўлланма беришгани билан қадрлидирлар. Бу фаолият учун акаука Исломовларга ҳар қанча таҳсин айтсанг кам!

Миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ривожига қўшилган бундан ортиқ ҳисса яна қайдга бор!

Уткир Сиддиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

— Ўзбекнинг тўйи машшоқсиз, муғанийсиз ўтмаган, халқимиз бир чиройли тўй қилсаму, эл олдига дастурхон ёзиб, топган-тутганимни сочсан, келганлар қўлларини фотиҳага очиб, фарзандларимга яратган Парвардиордан бутун баҳт тиласалар, деган эзгу ниятлар билан яшайди. Шугинамас, тўйимда фалончи санъаткорлар келишиб, меҳмонларнинг табъи ойнасини равшан қила-диган сулув ашулашар айтиб беришса, тиниқ, гамсиз, губорсиз шодлик, хурсандчилик бўлса ўша кун, дея мурод қиласди. Менимча, тўйга ўхшаган йирик анжуманлар, давралар қадим-қадимдан халқимизнинг маънавий, маданий тараққиётидаги муайян аҳамиятга эга бўлиб келган. Афсуски, бир маҳаллар Тошкентнинг тўйлари ниҳоятда бетариб ўтадиган, аксарият ҳолларда масти-алатс безориларнинг уруш-жанжали билан туғайдиган бўлиб қолганди. Бунақа тўйларда дилдан яйраб қўшиқ ижро этиш ёки мезбону меҳмонлар шаънига зарофатли сўз айтишга илож қайдамиш-у имкон не ердамиш!.. Дилмурод, унинг биродарлари, дўстлари бирлашиб, мана шу аҳволни ўнглай олишди. Маҳаллаларга боришли, оқсоқоллар билан маслаҳатлашишди, ўша атанган муштумзўрлар билан тил топиб гаплашишди. Ҳозир пойтахтдаги тўйлар бағоят тартибли, маданиятли, етук одамларнинг даврасидай ўтмоқда.

Туйғун Отабоев, «Ўзбекистон» дастасининг мусиқа раҳбари, бастакор, хизмат курсатган артист.

— Мен Дилмуордни моҳир санъаткор сифатидагина эмас, олий ҳиммат, очиқ қўл, саҳоватли, ҳар замони, ҳар вақт ёрдамга тайёр инсон сифатида ҳам қадрлайман. Ҳамкасларимиздан бирортасининг бошига мушкул иш тушган кеэлларда укамиз сира лоқайд қараб турган эмас. Қимнидир касалхонага жойлаштириш,

Ýýкишга киритиш, иш топиб бериш, уй билан таъминлаш каби ишларда Дилмуроднинг сонсиз-саноқсиз одамга ёрдами теккан, бир сўз билан айтганда — савобнинг тагида қолди бу йигит!.. Истиқлолимиз шарофати билан Дилмурод ўзи суйган яна бошқа бир соҳа — тадбиркорлик билан эркин шуғулланадиган бўлди. Фирмаси маълум мавқега, моддий қувватга эришгандан бери, у бизнинг жамоамизга ҳам мадад бўлиб келаяпти — кийимкечак, пойабзал, парда, чолғу асбоблари, ускуналар... Дастурхони очиқ йигит бўлганидан қанча-қанча меҳмонларимиз унинг даврасидан баҳра олиб, кузалгандар.

## ТУРТИНЧИ ДАВРА ОЛДИДАН. УСТА ОЛИМ ИЗДОШЛАРИ.

(Давоми.)

Муаллиф: — Уста Олим тўплаб, интизомга келтирган усуллар хазинаси асосида пайдо бўлган, сўнгра унинг ўз шогирдлари, набира шогирдлари томонидан давом этдирилган мактабнинг бутун республикадаги доирачилик, нафақат доирачилик, балки умуман мусиқа сапъатимизга катта таъсири бўлди.

Дилмурод: — Албатта. Ҳозир хоразмлик ҳамкасбларимиз бчлан гаплашсак, улар ҳам ўз услубларида шу мактабнинг таъсири борлигини тан оладилар. Жумладан, авваллари Хоразмда чилдирманни қиздирмай чалиш урф эди. Тошкентда таълим олган, устанинг мактабини ўтган созандалар бориб ижод қила бошлагач, у ерда ҳам доирани қиздириб чалиш одат бўлди.

— Муаллиф: — Вилоятлик мошшоқлар Тошкентдаги қуёш эриб турган чашмадан бир ирмоқ очиб вилэятларга олиб кетдилар, дейиш мумкин. Улар бу ирмоқнинг нурли сувидан ўзлари яшайдиган жойлардаги ҳалқни ҳам баҳраманд этдилар, кейин эса ирмоқ тасарруфини, мансублик масъулиятини шогирдларига ўтказдилар.

— Дилмурод: — Эҳтимол. Турли воҳаларда давраларни гуллатиб, злу-юрт кўнглига маъмурлик, умид-ишенчи га қувват бериб юрган доирачиларнинг ҳаммаси ҳам пири-устознинг шогирдлари эмасдир. Айниқса, кекса авлод созандалари ораснда ўзлари туғилиб ўсган манзилдаги қайсидир устоди комилдан тарбия олиб етуклик мартабасига етганлари кўпроқ бўлиши тургаи гап.

Бироқ, такрор айтаман: пири устозимиз мактабининг таъсири сирли шамол сингари Ўзбекистонни кезиб юрган, бу таъсирини сезмаслик мумкин эмасди. Колаверса, уста ўз мактабини турли воҳалардаги усуллар,

услубларни жамлаб, тартибга солиб яратганларини унутмайлик. Фарғонада Йўлдошли ака, Ўшда Соғиржон ака, Андижонда Эргашвой Ҳасанов, Турсунбой ака, Маҳмуд ака, Наманганда Файзон ота (Файзулла Қорнинев), Тожиали ака Олимов, Бухорода Хотам буқри деган устоз доирачилар кўп маҳаллар элнинг давраларини обод қилиб юришган.

Муаллиф: — 1910 йилда туғилғаи, андижонлик Раҳмонжон Отабоев ҳам ўша Сиз айтгани авлодга вакил эди. У дастлабки таълимни доирачи, ҳофиз ўтган отасидан олади. Отабой ҳофиз вафот этгач эса, ҳамشاҳарлари — созандалар Мўминжон Жабборов, Тўхтасин Жалилов ва Ориф Гармонлар бошчилигида ўз ҳунарини такомилга еткизади. Раҳмонжон акани қўли ипакдек майин, пирранг доирачи, қўшиқлар, яллаларнинг уста ижочиси, бир неча рақсларни саҳналаштирган истеъдоди серқирра санъаткор эди деб таърифлайдилар. 1939 йили санъатшунослик институтида Шораҳим Шоумаровдан юзга яқин күй ёзиб олингандা, айни шу заршунос соғзанда усуллар берган эди.

Дилмурод: — Ҳаётим мобайнинда турли вилоятлар, шаҳар-қишлоқларга ижодий сафарлар, сайиллар, тўйларга бориш насиб этди. Шунда ҳар воҳада ўнлаб камол эгаси, камтарин, мард, олийжаноб ҳамкасларим борлигига амин бўлганман. Деярли ҳаммалари билан дўстлашиб кетдик. Уларнинг кўпи балки биздан устароқ, етукроқ созандадир, бироқ, шаронт шундай бўлганки, ортиқча шуҳратга етмаганлар, унвонлар мукофотлар тақсимланар екац, буларга ҳеч ортмаган — четда яшаганлар-да... Шундайлари ҳам борки, санъати ҳам койилмақом, бир умр қўлини қонатиб доира чалган, аммо ҳаётини кўрсанг — ўртамиёна, хокисор... Чунки, бу инсоилар учун битта фазилат умумий — фидоийлик. Ҳунарига, санъатига содиклик... Ака, санъатнинг гули шундайки, бир ҳидлаган одамнинг умрбод кайфи тарқамайди... Қамтарин ҳамкасларимизни ўшандай шуҳрат, унвон, бойлик қидирмай, бир четда ўзлари яшаган мавзилини файзиёб қилиб ўтганлари учун азиз биламан.

Муаллиф: — Мен ана шу санъаткорларни ҳалқ орасида, унинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронгу кунларини, аччин-у чучугини бирга баҳам кўриб яшаганларини таъкидламоқ истар эдим. Ҳалқ билан ёима-ён дарддош умр кечирганлари сабабли ҳам улар куйни элнинг кўнгли оғангидан, усулини унинг юраги уришидан топганлар.

Халқ орасида, ўз элининг битта вакили бўлиб яшаган санъаткор созининг юраги дарзли, юрагининг сози дардлидир.

Дилмурод: — Хали юқорида эслаганимиздан ташқари вилоятларда усул санъатининг ёшлари биздан улуғ, бизга тенгқур, ёки кичик ўнлаб ўқтам моҳирлари ўтишган, ёки ҳозирда яшаб ижод қилмоқдалар.

Хоразм диёрида Бахтиёр исмли расоликка етган ҳамкасбимиз бўлар эди. Худо ўз даргоҳига чақирган, раҳматига олган бўлсин. Яна Қадам оға, Ҳамидjon, Зоқиржонларнинг ҳам у юртда мавқеси сарбаланддир.

Сурхондарёга ўтсак қўйини кўксига қўйиб Раҳматжон чиқади. Элниг эҳтиромини қозонган доирадаст, ўнлаб шогирдларни етиширирган устоз. Яна Нусратжон бор — панжаси ширин, ардоқли санъаткор.

Қашқадарё доирачилари орасида Жамшидни пешқадам биламан.

Бухоро тарафларида Комилжон, Толибжон, Баҳромжон, Бахшуллоларга етадигани йўқ. Санъати — маҳоратлари бенуқсон, шогирдлари — издошлари беҳисоб.

Самарқандда Аслиддин исмли оқаҳонимиз бор, асл доирachi, асл мураббий. Ҳавасманд ёшларнинг бошпни бир қилиб, даста тузиб юрадиган жонкуяр ташкилотчи.

Фарғонада Қаюмхон ака, Анвар ака исмли заргар созандалар бор эди, тенги йўқ инсонлар эди. Худо раҳмат қиласин. Яна Баҳодиржон исмли чапдаст, шинам доиракаш бор, ўзига ўшаган, доирани бийрон сўзлатадиган шогирдлари ҳам анча...

Наманган доирачиларининг муқаддами, илгори, чечани Тожиали ака. Санъатимиз ривожига кўп хизматлари сингган, камтарин, дилкаш инсон. Яна Метинбой, Собитхон, Толибжон исмли биродарларимиз ҳам бу ҳунарда фарзона бўлиб кетишган, ёшларга устозлик қилишган... Шу ўринда Узбекистон халқ артисти Камолиддин ака Раҳимовнинг ҳам соҳамиз ривожи йўлидаги хизматларини айтиб ўтишин истар эдим. Уста ижодни доирачиликдан бошлаганлар, кейинчалик жуда кўп ёшларни бу касб сирларидан баҳраманд этканлари таҳсинга сазовор.

Андижон томонларда... Мақсад ака, Шавкатжон, Баҳромжон, Исройлжон (марҳум) каби дўстларимизнинг санъати сеҳр мақомида... Комилжонни биласиз — олов, шинддати, шижоатига тараф йўқ. Эллик-олтмиш одам тоқат қилиб эшитса бўлаверадиган овозиям бор.

Комилжон ўзига ўхшаган чапани, сачраб турадиган анжанлик йигитчаларни жамлаб даста тузган, қайга борса, қанақа даврага тушса — ёндиради!

Марғилонлик Мамасидиқ қизиқ айни чоғда камолида айби йўқ чилдирмачи ҳамдир. Шу шаҳар фарзандлари, дўстларимиз Абдураҳмон Холтожиев (ҳозир — машҳур қонунчи) ва Абдулаҳад Абдурашидов (найчи) лар ҳам етиқ доирachi ҳисобланадилар.

Тошкент шаҳри, вилоятида маҳорати камолоти тоқига етиб, машҳури жаҳон бўлиб кетган доира маэстро-лари жуда кўп. Марҳум Равшан Акбарбековнинг ўзига хос ижросини, техникасини, усуллардан шодалар тузиб юборишини унугиб бўладими! Ўзбекистон ҳалқ артисти Қаҳрамон Дадаевнинг жаҳон кезиб қилган хизматлари-ни, услубий янгиликларини-чи! Талъат Сайфуддинов, Одил Камолхўжаев, Мурод Фозилжонов, Одил Исахонов, мана ёшлардан Ҳасанбой Азимов, Ёқубжон, Баҳодир Турсунмаматов, Даврон Акбарбеков буларнинг ҳар бирини ўзбек санъатида ўз ўрни бор, мавқен бор...

Муаллиф: — Ушбу қаторда, албатта, Сиз ва укала-рингиз Холмурод ва Элмуроднинг ҳам номлари бор.

Дилмурод: — Раҳмат.

Муаллиф: — Ҳар бир давр ўзи билан бирга бошқа соҳалар қатори санъатга ҳам анвойи-анвойи янгиликлар, оқимлар, ўзгаришлар олиб келади. Турли мамлакатларда юз берәётган янгиланишлар таъсиротини ҳам сезмаслик, ҳис этмаслик мумкин эмас. Юқорида Сиз тилга олган ҳамкасларингиз, миллий маданиятимизнинг жонкуярлари, посбонлари сифатида, ўша йўналишларга хос оҳанглар, мусиқалар, усулларни эшишиб, «Дуруст экан», — десалар-да, барибир ўз боғини парваришлаб, ўз мевасини етиштириб, элига ҳам, жаҳонга ҳам тақдим этиб яшаганлари билан ҳам қадрлидирлар.

## ТҮРТИНЧИ ДАВРА

### 1

Бора-бора Дилмуроднинг давраси бутун оламни қамраган кунлар келди.. Спортни тинчлик элчиси дейдилар, санъатчи? Санъат ҳам элдан-элга, дилдан-дилга ёруғ мужда элтадиган, йўл соладиган, хайриҳоҳлик, бир-бирини англаш, тушуниш, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини боғлайдиган йўлчидир, элчидир.

Аҳли таъб дунёнинг қайси бир мамлакатига бориб ўз олийнав ҳунарини намойиш этар экан, ўзбекнинг боғидан гул, дилидан туйғу олиб боргандай, ўзбек деган миллатнинг табиати, феълу атвори, тоза ниятлари, орзулари; дўстликни, тинчликни, гўзалликни қадрлай олиши, иложи-имконини кўз-кўз қилгандай бўладилар. Икки юрт ижодкорларининг мулокоти, бир нафис анжуマンда қатнашиб бир-бирларини ўз санъатларидан баҳраманд этишлари — аввалари бегона бўлган, кейин тез дўстлашиб кетган икки инсоннинг дил суҳбатига, дардлашувига ўхшайди.

Дилмурод Исломов собиқ Иттифоқ миқёсида ўтказилган ҳадсиз-ҳисобсиз концертларда, декадалар, қўриклар, фестивалларда иштирок этиб, донғи дунёга кетган санъаткор. Ленинград, Москва ва бошқа йирик шаҳарларда ўтган улкан анжуманларда ўзбек созандасининг маҳорати «олий» дея баҳоланганд, Дилмурод бу хил давраларнинг кўпчилигидан соврин билан қайтган.

Тақдирнинг ҳукми или Ҳазар бўйидан, Озор юртидан Тошкентга келиб қолган созанда Одилжон Алимирзаевнинг эътироф этишича, Дилмурод Исломовни Озарбайжонда ҳам яхши танишар, айниқса, урма асбобларнинг моҳир ва машҳур ижрочилари — Чингиз Меҳтиев, Зураб Мамедов, Ғулом ноғорачи каби номдор машшоқлар дўстимиз санъатига таҳсин ўқиб юрар эканлар.

Булар Дилмуроднинг бошқа атоқли ўзбек санъаткорлари қатори Бокуга бориб концертларда қатнашган пайтлар ортирган дўстлари, муҳлислари дидир.

— Озарбайжон, Осетия, Арманистан, Гуржистон каби Кавказ халқлари билан бизнинг мусиқамизда оҳангдошлиқ, уйғунлик кўп бўлганидан, уларниң усулчилари концертга келиб ўтиришар, концертлардан кейин қўлимни сиқиб, раҳмат айтишарди. Албатта, уларниң мусиқа санъатидан ҳам ўрганадиган нарсалар кўп... Бироқ, биз чалған усулларни улар аҳм ўзлаштиришга ҳракат қилишганини, мураккаброғини магнитафонларга ёзиб олишганини кўп кўрганман.

Дилмурод кулимсираб, хотираларига сўз беради:

— 1974 йили собиқ Иттифоқнинг нуфузли ташкилотларидан бирининг йўлланмаси билан чет эл сафарига жўнашим керак бўлиб қолди. Ҳаммаси яхши-ю, борадиганлар албатта комсомол аъзоси бўлиши керак экан. Шунда дeng... Фақирни мактабда пионерга ҳам олишмаганди, бу гал эўрни кети тегирмон юргизар экан-да — бир кунда комсомолга ўтиб келдим.

Дилмурод Исломов жаҳоннинг олтмишдан ортиқ мамлакатига ижодий сафарларга бориб келган жаҳонгашта, сайёранинг сайёраси санъаткор. Унинг ва ҳамсафар ҳунардошларининг айтишларича, ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳорати, миллий мусиқамиз, рақслар, либосларнинг рангинлиги, бенисбатлиги бирор мамлакатда бўлсин томошабинларни лоқайд, беҳис қолдирган эмас. Аввал қайд этилганидек, концерт ўтадиган кун дунёнинг қайсиdir шаҳрида бир залга тўпланган кишиларнинг кўнгли ногоҳ ўзбекнинг чаманистонига айланниб, у ерда бизнинг чечаклар яшнаб-яйраб юз очгандар, бизнинг булбуллар чаҳ-чаҳ уриб хушилҳон суруд ижро этганлар.

Бу концертларда Дилмурод Ислом ўғли деган сеҳр гарнинг не мўъжизалар кўрсатганини тасаввур қиласиз.

Абдураҳмон Холтоҗиев эслайдилар:

— Дилмурод ака билан бир талай хорижий мамлакатларда бирга бўлганимиз. Ўша ердаги томошаларда Дилем ака бири-бўридан чиройли усулларни, кутилмаган завқ, кўтаринкилик, илҳом асносига чиқиб кетадиган тақсим (импровизация)ларни намойиш этганда залга йигилганларнинг ақли шошиб, мот-муаттал бўлгандарини кўрганимиз. Олқишлиар, қарсаклар ёғилиб кетарди.

Газеталар, журналларда таҳсин, офарин изҳори мақолалар, доирадай-доирадай суратлар... Ойнайи жаҳон

орқали сұхбатлар... Албатта, ҳар бир мухбир, ҳар битта томошабин иложи борича чилдирмани ушлаб күради, чалишга уринади, қўлидан ҳеч нарса келмагандан кейин бошини сарак-сарак қиласди:

— Наҳотки кўрганларим, эшитганларим тушим эмас, ўнглиги рост, — деса керак. — Наҳотки шу тегарак ёғочдан шунаقا ақл бовар қилас мас садолар чиқса?..

Въетнамда Дилмурод Исломовни «Дўстлик» ордени билан тақдирлайдилар. Бу олий мукофотни ўзбек созандасига давлат раҳбари Фам Ван Донгнинг ўзи топширгапини таъкидламоқ жоиз. Швецарияда ташкил этилган «Урма асбобларпинг жаҳон фестивали»да эса, у ўз соҳасининг Паганиниси экан дея тан олинади, фестивалининг ғолиблик совини тақдим этилади.

Дилмурод ўзининг подиракор санъати, қолаверса, дўлворлиги, мардлиги, ҳақсўзлиги туфайли ва яна жамиятда тутган ўрни, мавқе-эътибори, ёши, хулқ-автори ғавоий-анвойи одамлар билан осон чиқишиб, тил топиб таплашиб кетаверишдек фазилати бонс жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидан мухлислар, дўсту-биродарлар орттириди.

Американинг олис Ню-Жерси шаҳрида яшайдиган Ҳожи Муҳайё, Аинвар ака, Нурмуҳаммад исмли ҳамюртларимиз ана шулар жумласидандир.

Нуридиндик Ҳайдаров Қувайтда ўтган санъат байрамида доғистонлик назм устаси, дилбару дилкаш инсон Расул Ҳамзатовпинг Дилмуродга меҳр қўйиб, дўст бўлиб қолганини гапиради:

— Расул оға — обрўли одам, Уни ўша юртнинг қазо-казолари олиб юришади. Давраларнинг тўрида қўр тўкиб ўтиради. Лекин у кишининг расмий одамлар билан юрганда сира чехраси ёришмайди, ёзилиб, яйраб гаплашолмаса керак-да... Ҳар гал Дилмурод акани кўриши билан эса, қўзлари порлаб кетади, қучогини очиб келади: «Ди-ли-им!» деб...

Шу сұхбат аввалида айтганимиздек, Дилмуроднинг давралари бутун оламни қамрай олган кунлар келди. Энди бу давраларда Муслим Магомаев, София Ротару, Алла Пугачёва, Ботир Зокиров, Жўрабек Муродов каби замонанинг энг нурафшон юлдузларини кўрганлар ажабланишмас эди.

1976 йили эди. Уч биродар Элмурод гўзал кашфиёт даражасидаги бир иш — гўзал саҳна асари билан майдонга чиқдиларки, бу ўзбек миллий санъати тарихига зебо саҳифа бўлиб ёзилди — aka-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовларнинг доирачилар триоси пайдо бўлди.

Расотакомил доирачилардан иборат мўъжаз жамоанинг туғилиб дунёга келиши ўз тарихига эга ва у тарих шундан иборат:

Маълумки, санъатнинг, ижоднинг, изланишнинг елканли кемаси ўзи мурод этган дарёга ёки денгизга етгач, қаноти қаноат топиб, муқим бўлиб қолган эмас. Унинг елканлари янги шабадаларни ҳис этиб, сезиб титрайдилар, ўша насимлар, эркинлар даъвати билан яна йўлга отланадилар. Сабаби, турғунлик, муқимлик санъаткор учун орқага кетиш билан, балки нобудлик билан баравар.

Хилма-хилу гуногун жамоаларда концертлар, байрамлар, анжуманларнинг бағрига олов ташлаб, энг машҳур хонандаларга қанот бўлиб юраркан, Дилмуроднинг фикру-ўйи, кўнгли ҳам ўзи мансуб санъатнинг, ҳунарнинг бундан бўёнги тараққиёти йўлларини қидириш билан банд эди.

Айтганимиздек, унинг Анвар Аҳоров билан бирга кўш доирада тайёрлаб намойиш этган кичик мужассамоти ўзи янгилик эди.

Кейинчалик эса ўзи учта, тўртта, токи бештагача доиралар билан чиқиб терма усуллар тизимини чалиб юрдики, бу ҳам ҳали бирор забт этмаган чўққи бўлди.

Лекин Дилмуроднинг кўнглида анчадан бери укаларим билан бирга чиқиш қилсан, битта жамоача, ансамбл бўлиб чалсак деган яхши ният туғилган, бу ниyatнинг ҳар томони, ҳар жиҳатини ўйлаб пишишиб қўйилганди.

Холмуроду Элмурод ҳам aka ортидан из қувиб усулнинг инжа маҳорат наққошлари мақомига этиб қолгандаридан сўнг, бу умид васли учун имкон йўли очилди. Биродарлар маслаҳатни бир жойга қўйиб аввал уйда машқ бошладилар.

Шу орада қурилган бир даврада улар Узбекистон телеграф агентлигининг фототасвирчиси Ҳамид Усмонов билан танишиб қоладилар. Ака-укаларнинг ажойиб

тақдири, мафтункор санъати, ва айниқса, ўша кунларда тайёрлаётган ишлари машҳур сураткашга жуда таъсир қилди. У ичиде жигарларнинг иродаси, муҳаббати, садоқатига таҳсин ўқиб, уларнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида, ҳар хил кўринишларда сувратлар олди. Орадан кўп ўтмай ўша суратлар республиканинг қатор газеталари, журнallарида чиқиб кетди.

Аслида, бир кунда нечта газета чиқмайди-ю, унда қанча-қанча фотосуврат босилмайди дейсиз! Бироқ Ҳамид Усмонов эълон қилган сувратлар муаллифнинг маҳорати ва шинавандаларнинг оға-инилар ҳаёти ва санъатига қизиқишилари сабабли жуда машҳур бўлиб кетди. Бошқача айтганда ўша тасвиirlар каби уч навқирон дараҳтнинг олтин япроқларини бир шабада каби оламга ёди.

Бу — ака-ука Исломовларнинг машҳурлар ҳавас қилса арзийдиган шуҳрати, ибтидоси эди. Ҳалқнинг ўз истеъододларини яна яқинроқ танигани майли, шу сувратлар баҳона, санъат мутасадилари ҳам ўз ҳодимларининг янги қирраларидан воқиф бўлдилар.

— Бизда шундай даста бор экан-у, бехабарлигимизни қаранг! — деди Ўзбек Давлат филармониясининг директори Ўйғун ака Ашрафов тиззасига шапатилаб.

Энди тайёргарлик мутлақо жиддий ва қатъий интизом остида олиб бора бошланди, Ўйғун ака бунинг учун йигитларга ҳамма шароитни яратиб берди — жой, вақт ажратди, нима даркор бўлса сўранглар, деди. Ўйғун аканинг хайриҳоҳлиги, ишончи, ҳа, ҳорманглар, деб далда бергани ҳам созандаларга ғайрат, илҳом баҳш этиб турди.

Ҳар қандай бадиҷ асар ноёб истеъдод, дадил ният ва улкан меҳнат асосида, уларнинг биримаси, бирга келиши натижасида пайдо бўлади. Дилемуроднинг хәэлига келган фавқулодда дадил, ойдин ният биродарларнинг олмос истеъдоди ва неча ой мобайнида доира саҳнини қўлнинг кони бирла алвон лолазор этиб қилинган меҳнат натижасида рўёбга чиқди.

Оға-ини Исломовларнинг ўзига хос ижодий кашфиёт даражасидаги саҳна асарлари машҳури олам бўлди — уни кетма-кет энг нуфузли йиғинларнинг бадиий қисми дастурига кирита бошладилар — қурултойлар, ҳосил байрамлари, съездлар, фестиваллар учун концерт тайёрланар экан, уларни биринчи наебатда таклиф этишиди. Бутун Ўзбекистон ўрнидан қалқиб турди-ю, қарсак-

нинг терламаган жойидан, заҳирада асраб қўйилганидан топиб олқишилади уларни. Ота-оналар ўғиллариининг исмими Дилмурод, Холмурод, Элмурод қўйишиди. Йоҷтасида телевидение, радио, филармонияга хат ташиб чарчадилар. Аксарият конвертларни очсангиз бирорта шинаванда чиқиб келар ва руҳининг овози билан таҳсин ўқирди:

— Офарин, кам бўлманг азаматлар!

Айрим номалар қатидан эса қайсиdir вилоятда яшайдиаги қиз юрагининг бир парчаси чиқар, билмай ушлаб олган одамнинг қўли жаз этиб куйиб, жизгинак бўлиб қоларди.

Вилоятларда доирачилар, шу санъат муҳиблари жамланган дасталар аввалгидан ҳам кўпайиб кетди. Мана-сенга асл маънавиятимизни тиклайлик, миллий маданиятимизни асраб авайлаб, ривожлантирайлик қабилидаги мингта қуруқ гапдан, оқиллик, алоҳида аҳамият ва уҳдадорлик билан амалга оширилган битта яхши ишнинг афзалиги исботи! Албатта панду-насихат, йўл-йўриқ ҳам, ўрнида, топиб айтилган гап ҳам кераг-у, бироқ ҳалқнинг руҳини кўтарадиган, ортидан эргаштира оладиган, унинг орзусига, маънавий изланишига йўналиш бера оладиган чиройли, зўр амалий ишга нима етсин!

### 3

Ака-укалардан иборат жонон жамоа ҳаётидаги энг ёрқин, энг ҳаяжонли воқеа 1978 йили август ойида Гаванада бўлиб ўтган Жаҳон ёшларининг XI фестивали билан боғлиқ. Танлов ҳайъатининг бутун Туронзаминдаги минглаб мўъжизакор ҳунарпешалар орасидан айнан ўзбекистонлик чандаст чирмандакашларни-ю, санъати руҳи дилни маъмур этувчи раққоса Маъмура Эргашевани танлагани ҳам олий шараф, ҳам юксак масъулият эди. Бинобарин, биродарларимиз биз тайёрмиз-ку, ёндириб ташлаймиз, деганлари йўқ. Бунақа пайтлар шафқат, аяш нима билмайдиган сардор — Дилмурод етакчилигида кундузлари эрталабдан то қуёшнинг иш куни поёнига еткунча, кечалари то ойнинг кўзи уйқуга кетгунча ишлашди, тайёргарлик кўришди.

Энди доира чиндан ҳам қўлнинг давомига айланган-дек, созанданинг қўлидаги томирлар чолғунинг вужу-

дидаги томирларга уланиб, пайванд булиб кетгандек эди... Юракдан ўтган ҳар кичик тўлқин, ҳис-ҳаяжон сезгир, ҳамроz сознииг садосида ўз ифодасини топарди.

Энди маҳорат тилло үзукка-ю, ижро этилиши зарур усуллар мужассамоти шу узукнинг ёқут кўзинга айланиб эди.

Уша пайтлар Мукаррама опа Турғунбоева Московдаги шифохоналардан бирида даволанаётган эдилар. Маъмурахоннинг рақси ҳам тайёр эди-ю, кўнглида гашлик йўқ эмасди: Эй, опам бир кўриб берганларида, деб хиқиллаб юради. Собиқ Иттифоқдан фестивалга жўнайдиганларни Москвага тўплашганда, булар, Худога шукур, дейишди-ю, ўша шифохонага боришли.

— Шунда, — дея ҳикоя қиласи Элмурод, — меп опанинг ўз санъатига севгисини ҳамда санъатнинг инсонга қандай куч-қувват, шижоат баҳш этиши мумкин эканлигини ўз кўзим билан кўриб қойил қолганимаи. Бизни «Кечаси мазам «ёмон қочди» деб, инқиллаб кутиб олган опа Маъмурахоннинг рақсини, қусурини боса бошлидилар-у хасталиклари, оғриқларини тамом унудилар. Санъаткорга илҳом, ижод, яратишдан ҳам улуғроқ баҳт, шодлик, шифо йўқ экан — опа тўё тамом соғайиб кетгандек, ёшартгандек эдилар. Бизлар китобни, столни, сандиқчани чертиб, уриб, усул бериб турдик, опа иккни соат деганда ўша рақсни — «Ларzon»ни ҳам чиройли қилиб бердилар, қўшимчасига яна иккита бошқа ўйинни ҳам ўтиб чиқдилар.

Бироқ!

Мукаррама опа хайрлашишдан олдин ёшларни рўпарасига ўтқизди-да, мутлақо жиддий оҳангда, қатъий қилиб деди:

— Бу ёги-ку — бўлди... Аммо битта шартим бор: мана учта абжир паҳлавон, ва битта паридай сулув — паридай сеҳргар ҳунар эгалар шунақа катта мусобоқага кетаяпсизлар... Қуруқ бўй, қуралай кўз билан жўнатаётганимиз йўқ. Қайси юртдан кетаётганингизни, қайси миллатнинг вакили эканлигинизни, аждодларингиз, устозларингиз ким эканлигини унутманг! Ўтган галги фестивалга Ўрта Осиёдан тоҷик қардошларимиз боришуви — қўллари қуруқ қайтди. Шартим шу: сизлар ҳам қўл учida ҷалиб, лауреатликни ололмай қайтсанглар — келмай қўяверинглар, барибир Тошкентга киритмайман.

Сўнгра, опа қўл очиб шогирдларини дуо қилди.

Ёшлар опа билан жиддий тортиб хайрлашдилар, ташқарига чиқиб то мәҳмонахонага еткунларигача ҳам уларни ана шу жиддийлик тарк этмади. Улар ҳозиргача Мукаррама Турғунбоева деб аталмиш табаррук хилқат эмас, унинг тимсолида муқаллас ўзбек санъати, балки она Ўзбекистоннинг ўзи топшириқ берганини, шарт қўйганини, дуо қилганини тушунган эдилар.

Онажон Ўзбекистон!

Москва касалхонасида Мукаррама Турғунбоева берган дуо санъатимиз умидларини қўллади, уларнинг юраги ҳаяжон титрофи, кўтаринкилик завқи, ишонч қуввати орасида бўлди ўша кунларда... Мана, Элмурод, у кунларни эслар экан ҳозирги замонни, Тошкент кўчапарини тамом унутади, тарк этади, ўзини ўша раигоранг либослар, кулган чеҳралар яшнаган гулистанда, мусика, қўшиқ, рақслар тинмаган ўйингоҳларда кўради яна. Юраги яна ўша тезликда, ўша шиддат билан ура бошлайди...

— Ҳамма босқичларни ўтдиг-у якуиловчи концертга етиб келдик... Ҳар бир мамлакат вакилига бир ярим дақиқа вақт берилган... У чиқаяпти, бу чиқаяпти, кўриб, навбат кутиб ўтирибмиз. Қотириб қўйишаяпти азаматлар. Ундан ўтказиш мумкин эмас. Юрак кучнинг борича кўкракни тепади — қўйвор, чиқиб кетаман дейди-да! Ниҳоят: «Ўзбекистон!» деб эълон қилишди. Ўзбекистон — у ерда биз эдик!. Қани, хой, яхшилар! Ўтказиб юборинглар, ўзбекнинг чолғуси ҳам анчадан бери ўзини созлаб турибди, бир нима демоқчи!. Маъмура доиранинг садоси остида париллаб айланниб даврага тушиб кетди — шунақа айланаяпти, қараб, қўрқиб турибман — тўхтай олмаса керак, деб... Ё у шунақа тез айланди, ё биз ҳаддан зиёд тез чалдик. Қўлларимиз «вентилятор» бўп кетди, дедим-ов...

Ўзбекларнинг гуркираган завқидан чўғ тушдими, ўйингоҳга тўпланган 50—60 минг одамнинг юрагини ҳам олов олди: ўтирган одам қолмади, ҳамма қийқиради, олқишлияди, ҳамма ўз билганича рақсга тушади.

Ўзбекистон, онажонгинам! Илоҳим, ҳар битта фарзандингга ҳам сенинг равнақинг, сенинг шуҳратининг учун мана шу йигит-қизлардай хизмат қилиш насиб этин, омин!

Кейин... ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди. Яна ҳаяжон. Ҳар бири асрга чўзилган кутиш, мунтазирлик, умид, хавотир билан тўла дақиқалар... Осмон

кўйлагига бунча кўп садаф тугма қадабди! Заминнинг бир кичик япроқдек жойига, биргина кафтига бунча тўлқин, бунча олов қандай сиғдийкин!

Аввал Маъмура Эргашевани эълон қиладилар. Сўнгра... Нима учун, нега шундай... Ким билади... Рўйхат якунланай дегандагина ака-укаларнинг исму-шарифи ўқилади:

— Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар. Узбекистон.

Голиблик нишонини олар экан, оғир, босиқ Дилмуроднинг ҳам киприги намланди, завқли, туйгули Элмуроднинг кўзидан ёш оқди, кўнгилчан, юмшоқфеъл Холмурод эса ўша нишонни ўпиб, йиғлаб юборди:

— Сениям оладиган кун бор экан-ку, ука!

Иигитлар ва Маъмурахон Тошкентга келишгач, биринчи навбатда Мукаррама опага учрадилар. Опа уларни ҳар бирини бағрига босиб, азamatлар, уч оға-ини ботирлар, дея севиниб-севиниб қутлади.

#### 4

...Фестивал кунларидан бирида собиқ Иттифоқдан борган гуруҳни Куба республикаси раҳбари Фидел Кастро қабул қилди. Ана шу маросимда ҳам ёшлар ўз санъатларини намойиш этадилар. Кастрога ўзбекистонлик артистларнинг маҳорати айниқса маъқул тушиб, уларни ўз ёнига чақириди, ва бироз суҳбатлашиб ўтиргач, шу ерда турган «Там-там» деб аталгувчи ногорани Элмуродга кўрсатди:

— Кубача усул чала оласанми?

Элмурод қўлинини кўксига қўйиб кулади ва Кастро-нинг илтимосини дўндириб бажо этади.

— Шунақа асбобдан совға қилсан, юрtingда чалиб юрармидинг? — деб сўрайди мамнун бўлган Фидел.

— Асли, Кубага борсак «Там-там»дан олиб келамиз, деган ниятимиз бор эди. Лекин, дўконларни истаб кўрдик — йўқ экан.

Эртаси Куба раҳбарининг буйругига биноан артистларимиз жойлашган меҳмонхона ёнига бир юк машина тўла катта-кичик «Там-там»лар олиб келишади. Машина атрофини бир зумдаёқ ноёб сознинг ишқивозлари ўраб олишади. Бироқ, мутасаддилар аввал ўзбекистонлик созандаларни топишади, улар танлаб олишгандан

кейингиңиң бошқа талабгорларга бўлиб беришади.

Ўшанда дўстларимиз Кубадан иккита катта ва битта кичкинароқ «Там-там» олиб келишган эди. Шундан кейинги йилларда қайси мамлакатга ижодий сафарга бориша, ўша юртнинг урма созидан харид қилиб, Ўзбекистонга келтириш таомилга айланди. Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Африка ва Оврупопинг бир қатор давлатларидан барабан, даф, табло, дойла, зарб, ногора, там-там каби кўрки-кўриниши, катта-кичиклиги, овози-садоси ҳар турли йигирма чоғли усул созлари йиғилиб қолар экан, ака-ука Исломовларда шу асбоблардан фойдаланган ҳолда «Дўстлик усуслари» номи билан маҳсус мужассамот яратиш нияти туғилди. Биринчи марта 1979 йили филармониянинг аввалги биноси саҳнасида намойиш этилган ушбу мўъжаз саҳна асари ҳам катта муваффақият қозонди.

Парда очилиши ҳамоно томошабин нигоҳи саҳнани бошдан-оёқ тўлдириб турган анвойи-анвойи урма асбобларга тушарди. Қарсакни, олқиши қўяверасиз! Доиранинг даврасига жаҳоннинг турли тарафидан созлар келтирилган. Суҳбатни мезбоннинг ўзи бошлар, сўнгра эса ҳар бир чолғу ўз мамлакати, ҳалқи, санъати ҳақида жўшиб-ёниб ҳикоя қилгандек бўларди, куйлаб берарди. Дўстлар суҳбатини яна лутфи ширин, хушзабон доира якунлар эди.

Ўша йили мана шу композиция Ленинград шаҳрида ўtkазилган «Эстрада санъати кўриги»да иштирок этди ва кўрик галиби бўлиб қайтди. Мутахассислар бу дастурни жаҳон боғларидан териб жамланган ноёб гулдаста дея баҳоладилар, уч биродарнинг эса ҳозирги замоннинг энг мўъжизакор (виртуоз) созандалари мақомига етканлари тан олинди.

## 5. Холмурод

Даврага Холмурод кирдими, билинг, у билан бирга кулги, ёруғлик киради. Дастилаб учрашганингда у бир қадар соддадил, ҳазилкаш, ҳожатбарор, некбии, ҳар нарсага юмор, киноя назари билан қарайдиган, ҳатто ўзининг камчиликлари, хатолари устидан кулишдан ҳам қўрқмайдиган одам сифатида таассурот қолдириши мумкин. Бу ҳамма хислатлар унинг табиатида албатта мавжуд, бироқ — ана шу хусусиятлар Холмурод феъли-

сажиясининг устки қабати холос. Уларнинг ортидан эса анча-мунча ҳаётй тажрибага эга, кўпни кўрган, босиқ, оқил инсон қараб туради.

У оиласда Дилмуроддан кейинги фарзанд, демакки, ҳар бурда ионнинг қадрини ҳам эрта билди-ю, меҳнат-у машаққат ила ҳам бот ошно бўлди. Руҳининг сочи эрта оқарди. Акаси сингари ҳаётда ва ижодда ҳар нега эришган бўлса, фақат пешона тери билан, яхши хулқи, оқибати билан эришди.

Яхшилигги... Гарчи ҳаёт бошқа биродарлари, опа-сингиллари қатори Холмуродни ҳам кўпда аямади, ёғлиқ патир, ширин қаймоқ билан сийлайвергани ҳам йўқ. Бироқ у яхши кунларга еткунча бўлган уринишлар, ҳаракатлар, курашларда ўзининг Оллоҳ томонидан ато қилинган очиқкўнгиллилик, ҳар нарсани кулиб, шукур қилиб қабул қила олиш хусусиятларини, умид-ишенчини, иекбинлигини бой бермади.

Холмурод:

— Дилмурод акамнинг доира чалишига ишқивоз бўлиб, камина ҳам Ўқувчилар саройига қатнай бошладим. Қарасам, жуда меҳнати оғир иш экан, бундан ўйин яхшимасми, шакароб хуррак яхшимасми, деган фикрга келдим. Кузда бир — ўн-ўн бўш кун қатнашаманда, кейин унга-бунга алаҳсиб боролмайман. Борсам ҳам устанинг кўзини четга қоқиб ғойиб бўламан. Сўнгра қиши ичи кўриниш бериб қўяман. Шунаقا қилаверганимдан кейин, охири Тўйчи акам кулдилар: «Ҳа, Фасловӣ,— дедилар — ҳар фаслда бир кўринниб қочиш экан-да?»

Бир воқеа:

— Тўйчи акам ногора чалардилар. Мен оғзимни та-ноби қочиб томоша қилардим. Кўнглим кетиб юрардим-да... Лекин ногора сотиб олгани у маҳаллар бизда нул қайда! Бир куни иккита сопол гултувак топдим-у, уларга парда тортиб, сим билан танғиб қотирдим. Чўпининг ўрнига иккита кабоб син олдим. Чалиб кўрсам — балодек «таранг-таранг» қилади. Битта белбоққа тугиб саройга олиб бордим — чаламан, устага яхши кўринаман деганман-да... «Тугунингда нима бор?» — деб сўрадилар уста. Иймациб кўрсатдим. «Чалиб боқчи», дедилар. Таранглатиб кетдим-ку... Уста мени тўхтатиб, ўзлари ҳам бир-икки чалиб кўрганлар-да, кейин... отворганлар.

Яна бир воқеа:

— Мактабда ҳаваскорлик жамоасига қатнашаман. Ногоҳ концертимизни телевизорда кўрсатадиган бўлиб қолди. Роса тайёрландик. Ўзим у пайтларга келиб ногоҳани билан бинойидай чалардим, доира билан гаплашгани ҳам тилим келишиб қолган. Бироқ, орага ғаламис аралашди-да... Кимдир: телевизордагилар ансамблнинг ўртасида ўтирадиган чангчини, унинг ёнидаги найчини кўпроқ кўрсатади деса, шунга ишониб битта най топибман. Уни зигфир ёғда ёғлаб ярақлатибман. Режиссёrlар сўраса, ҳозир уста найчи келадилар, иккаламиз бирга ча-ламиз, деб баҳона қиласман дебман-да, телестудияга етиб борибман... Лекин, номардлар, машқ бошланиши билан «Найнинг овози нимага эшитилмаяпти?» деб қолди. Менинг найда фурт саводсиз эканлигимни билиб, умуман ансамблдан чиқариб юбориши.

Муштдеклигидан Абдусалом сурнайчи гуруҳида акаси билан ногоҳа, доира чалган, онлага, онасига ёрдам бўладиган ҳар на меҳнатдан қочмаган Холмуродни ҳам Дилмурод ўтган университетларни имтиёзли диплом билан битирган дейиш мумкин.

Мактабдан кейин у заргарлар тайёрлайдиган ўқишини танлади, бироқ охир-оқибат «ёшлиқда берган кўнгул» кучлилик қилди: яна суюкли доирасини қўлга олди. Ака-ука Исломовлар жамоасининг битта муносиб, кучи тенг, маҳорати қолишмас аъзоси бўлиб баробар тер тўkkани, топган шуҳратига баробар шерик бўлганидан ташқари Нуриддин Ҳайдаров, Илҳом Жўраев ва бошқа таниқли хонандларга жўрнавозлик қилди.

Холмурод Исломовнинг Ўзбекистон Ҳунар-техника таъминоти вазирлиги қошидаги «Ҳилола» ашула ва рақс дастасидаги фаолияти ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Жонкуяр, бетиним раҳбар экан, изланувчан ижодкор экан, у ўзи бошқараётган жамоани ҳалқаро миқёста олиб чиқди. «Ҳилола» вақтида Германия, Болгария каби мамлакатларга бориб, миллатимиз санъатини кўз-кўз этиб қайтди. 1980 йили эса Москва Олимпиадасида иштирок этди, бир ой вақт ичida улкан спорт байрами қатнашчиларига ўнлаб концертлар берди.

Ўртанча ботир 1984 йилдан бери Республика Ўқувчилар саройи қошидаги Тўйчи Иноғомов номли доирачилар дастасидаги энг ёш ҳаваскорлар гуруҳига сабоқ бермоқда. Холмуроднинг қўлига ҳар йили 50—60 нафар олти-етти ёшдаги болалар — умидларимиз келадилар, у эса — устози аввал, уларга ҳунарнинг имлосини ўргата-

ди, ҳарф танитади, етаклаб йўлга киритади ва шундан кейингина укаси Элмурод бошқараётган катталар гуруҳига узатади. Шуни айтиш керакки бу ўринда Холмурод ўзига мос, кўнгли суйган ишни, вазифани, аъмолни, вазифа-аъмол эса ўзининг жуда муносиб эгасини топган. Ушбу вазифани Холмурод Исломов — болаларни яхши кўрадиган, тушунадиган, меҳрибон, сабрли-тоқатли одамдан бошқасига топширмоқнинг ўзи ғалат бўлар эди. Негаки, болаларнинг бутун ҳаёти ватанга, халқа, санъатга бўлган муносабатлари, муҳаббатлари кўп жиҳатдан устози аввалининг шахсий ва ижтимоий хусусиятларига боғлиқ эканлиги маълум.

Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов Холмуродни одамжон, оқибатли, ҳаракатчан, ҳамиша кулиб, табассум қилиб турадиган инсон ва ташаббускор, тиниб-тинчимас санъат ташқилотчиси дея таърифладилар.

— Турли вилоятларда ўтадиган концертлар, давралар, сайил-байрамларнинг бадиий қисмини ташкил этишда кўпчилик айни шу ҳожатбарор йигитга мурожат қиласиди, — деди у киши. Холмурод Исломов 1999 йили Узбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига савор бўлди.

Холмурод рафиқаси Дилоромхон, фарзандлари Хожиакбар, Дурдонахон, Дилдораҳонлар билан тотув, баҳтли умр кечирмоқда.

## 6. Элмурод

Рисоладаги хонанданинг ҳар бир ашуласи, қўшиғи мўъжаз спектаклга ўхшайди — гарчи сўзлари маълум тарихни, воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб бермаса-да, ашуланинг усули, оҳангি, суръати, шунингдек нағмасозининг ўзини тутиши, ҳаракатлари, юз ифодаси, овозининг товланишларидан ўша тарих ҳақида тўла тасаввурга эга бўласиз, ашула бошланиб поёнига етгунга қадар ўтган дақиқалар соатларга, кунлар ойларга чўзилиб кетгандай туюлади. Қўшиқ тугайди — Сиз ўша тарих, воқеа, тақдир бўйлаб қилинган сирли-сеҳрли сафардан қайтасиз-да, орадан атиги уч-тўрт дақиқагина ўтганидан таажубланасиз.

Ҳофиз-ку, ана шу спектаклда бош ролни ижро эта-ди, созандалар-чи?

Кўп кузатганим бор — мутлако беҳис, қўллари, бармоқлари — алоҳида, кўнгли — алоҳида ўтирадиган машшоқлар ҳам бор, куйнинг таъсирида юраги оқиб турсада ўзининг ифодасида ана шу таъсир кўрнишмайдиганлар ҳам кам эмас. Бирок, шу хил созандалар ҳам борки, улар ҳофиз билан, куй, қўшиқ билан баробар яшайдилар: қувонадилар, фахрланадилар, дард чекадилар.

Дилмуроднинг шундай гапи эсимда:

— Нуриддин, «ўзимизнинг» ашуалалардан ҳам айтгин — бир яйрайлик.

Элмурод Йсломов ҳам ана шундай созандалардан — унинг сеҳркорона ижросидан, маҳоратидан (бу бўрада унинг камолотида айб йўқ, у акаси Дилмуроднинг энг муқаддам шогирдларидан) бир ҳисса таъсир олсангиэ, туйгани завқдан, хузурдан ўн ҳисса ортиқроқ маза тонасиз.

Абдухошим Исмоилов яхши айтдилар:

— Элмурод билан сайилларда, анжуманларда бирга ижро этишга ёки кимнингдир ижросини ёнма-ён ўтириб тинглашга тўғри келган, ва ҳаргал агар бирор қўшиқ ёки мусиқа гўзал бўлса, рақс жозибали, жонпарвар бўлса, мен уларнинг нафосати таъсирини, аксини Элмуроднинг табассумида кўрганиман. Аслида, ўзидан зўрроқ санъаткорнинг ижросини кўриб, эшишиб унга олқиш айтмаса, «дўст!» демаса, у одамии ижодкор деманг. Унда самимийлик, одамийлик йўқ — кибр бор, ҳасад бор... Ундиад одамнинг дили билан тили орасида юз чақирим масофа ётиди. Еллиниб ўтирасиз, «жинни бўлиб» эшипасиз-ку — мана шу ҳолат — савқи табиийлик ҳолати Элмуродни доим тарк этмайди... айниқса ижод пайти...

Элмурод Исмоилов 1969 йил 22 августда туғилган. Уйлашимча, унинг тили сўзга, қўли ҳунарга баравар — бир вақтнинг ўзида ўрганган. Элмурод беш-олти ёшга борганда Дилмурод давраларга дадил дорийдиган доингдор доирачи бўлиб, Холмурод ҳам ногорани қандай урса, ширин қарсилашини тушуниб қолган вақтлар эди. Шунинг учун, биродаримиз қайси йўлдан борсам мақбулроқ дея ортиқ андиша этмади, боиси борар йўли «қўй қадам!» дея оёғининг остида мунтазир эди.

Биринчи синфга бормаёқ, онладаги санъат мактабининг бир неча синфини ўтиб қўйгани учун, ўқувчилик йилларида ҳаваскорлик жамоасининг илфорларидан бўлди — мактабдаги, дам олиш масканларида ўтадиган талбирларнинг гўзал қисмини у сиз тасаввур қилиш мум-

кин эмасди, кўрикларда, фестивалларда улоқни олиб чиқиб кетадиган суворийлардан бири ҳам у эди.

Элмуроднинг ўзига сўз берайлик:

— Мен қийинчилик, муҳтоҷлик — нима, билмай ўс-  
ганман. Кейин, ақлимни таниганимдан сўнг тушундим—  
адамлардан кейин оиласизга осон бўлмаган экан. Би-  
роқ катталаримиз ўзлари қаттиқлик кўришса ҳам бизга  
юмшоқ нон едиришга ҳаракат қилишган. Балки, булар  
(Машҳура синглим билан ўзимни назарда тутаяпман)  
отанинг дийдорига, меҳрига тўйишмади деб аяшгандир,  
кўпроқ меҳр кўрсатишгандир бизга...

Дилмурод хусусида у шундай дейди:

— Акам инсон сифатида ҳам, санъаткор сифатида  
ҳам баҳоси йўқ одам. Ёши қирқ бешга борди — бироқ,  
тўқсон-юз йил умр кўрган кишилардай комил, етуқ, до-  
но. Айни чоғда, фақат ақл билан, совуқон туриб эмас,  
юраги билан, жон куйдириб иш юритади. Маслаҳат сў-  
расанг кутганингдан зиёда қилиб йўл кўрсатади, ёрдам  
беради. Албатта, биринчи устозим ҳам, акам ҳам, отам  
ҳам — шу инсондир.

Фоғир ака Азимов, Тўйчи ака Иноғомов, Дилмурод  
тиришқоқ йигитчани ҳунарга, санъатни севишга, бу бо-  
рада муайян даража, миқёс, обрўга эга бўлиш учун  
тонгни тонг отдириб, кунни кун ботдириб меҳнат қи-  
лишга, доимо такомилга, янгиликка интилиб яшашга  
ўргатишиди.

Элмурод жуда ёш эканидаёқ машҳур хонандаларнинг  
назарига тушди. Ғуломжон Ёқубов, Ортиқ Отажонов,  
Хайрулла Лутфуллаев, Аҳмаджон Шукуровлар билан  
озоқ, Ҳалимжон, Илҳомжон Жўраевлар билан кўпроқ  
ҳамкорлик қилди. Ҳозир яна бир машҳури жаҳон, ман-  
зури кўнгил хонандамиз Насибахоним Абдуллаева гу-  
руҳида ижодий фаолиятини давом этдирмоқда.

Агар бугунги кундан Элмурод ўз ижодий фаолияти-  
ни бошлаган даврга қайтиб гапирсак, у 1976 йили Ўз-  
бек Давлат филармониясининг мусиқа бўлимига ишга  
кирган, орадан бир оз ўтгач эса «Баҳор» давлат рақс  
ансамблига таклиф этилганди.

Элмурод — хуш суратли, дилкаш сийратли, фикри  
тивиқ, мақсади аниқ йигит, мана яхши ишимни-ю ра-  
вон йўлимни топдим, ейиш-кайишидан камим йўқ, қў-  
лимни осмонга узатсам етади, демади. 1974 йили Тош-  
кент Маданият-Оқартув техникумига кириб ўқиди, сўнг  
эса акалари билан Тошкент Маданият институтининг

сиртқи бўлнимини битириб, олий маълумотли мутахасис бўлди. У олийгоҳдаги устозлари Фани Нажимов, Бахтиёр Сайфуллаевларни самимий эҳтиром ва миннатдорлик билан тилга олади.

1980 йилга келиб Тўйчи ака Иноғомов пенсия ёшига етдилар-у, фахрийлар сафига ўтдилар. Ўқувчилар саройидаги доирачилар дастаси сарбонсиз қолди. Бу ишни ўз қўлига олишга муносаб одамлар оз эмасди — уларнинг бири яхши мутахассис, иккинчиси дуруст мураббий, учинчиси санъатимиз, ватанимиз фидонийси эди. Бироқ, дастани бошқаришга келадиган одам ана шу фазилатларнинг барчасини ўз шахсида мужассам эта олган бўлиши даркор эди.

Дилмурод бир муддат болаларни уйга олиб кетиб шуғуллантириб юрди. Сўнг ой қаерда қўниш берар экан деб ўтирамай, укасига маслаҳат солди:

— Шу тўгарак ҳаммамизга ҳам азиз, қадрдон. Бекилиб қолмасин. Ўзинг бошқаргин.

Элмуродга бу таклиф маъқул келди ва 1981 йил январда «тойчоқ»ларни қабул қилиб олди. У янги ишига ҳам табиатига хос шиддат, ғайрат билан киришди, елиб-югуриб ишлади, талабчан, ташаббускор, меҳрибон устоз эканлигини намойиш қилди. У келган пайтда жамоага йигирма-йигирма бешта бола қатнашар эди, икки ой муҳлат орасида уларнинг сони юз элликтага етди. Элмуроднинг обрўси, шуҳрати, болаларнинг янги устоз таърифини Тошкент маҳаллаларига сарин сабо хуш исни еткургандек тарқатганлари боис бўлди бунга. Чилдирмага қизиқиб, яхши устоз қидириб юрганлар оқиб шу ерга кела бошладилар.

Уша йилнинг баҳорида тиниб-тинчимаган, шиори изланиш, янгилик бўлган Исломовлар яна бир бор барчани баравар лол қолдириб, умумтаҳсинга сазовор бўлишиди: республика пахтакорларининг қурултойига бағишлиланган концертда саҳнага бир йўла юз чоғлиқ чирмандақаш болакайлар — шогирдлари билан чиқишиб, терма усуллар намойиш этишди.

Сиз ҳаво очиқ куни денгиз қирғоғида турибсиз. Кўзингиз унинг ложувард саҳнида кезаётган оқ елканли енгил, кўркам қайиқчанинг томошаси шодлигидан порлайди. Бағрингиз денгизнинг тўлқинларига туташиб кетган — сатҳининг давомига айланган, ҳозир ўша шодлик тимсоли; улкан, азим, қадим қудратнинг шинам элчиси бўлмиш қайиқча оҳиста сузиб, Сизнинг руҳингиз-

га кириб келса ажаб эмас. Сиз ана шу бемисл қудрат, бекиёс гўзаллик, шодлик, улкан жараёнга дахлдор эканингиздан беҳад баҳтиёrsиз.

Бу — биргина қайиқнинг назар саҳнидаги ўйинидан, жилвасидан келган сурур, саодат.

Курултойга аталган ўша концертда эса саҳна отлиқ денгиз узра бир эмас, юзга яқин оқ қайиқча сайр этгани эди.

Дастлаб томошабинлар шунча доирачи бир жойга тўпланибди, ҳозир ҳамма ёқни кўчириб беради, қулоқни қоматга келтиради булар деган хаёлга боришиди. Бироқ яхши устанинг тарбиясини олган — мактаб кўрган доирачининг устунлиги, моҳирлиги ҳам шундаки, у жони борича, оловга айланиб ижро этса-да, унинг қўллари остидан чиқаётган зарбдан малол сезмайсиз, завқ оласиз, ҳузур сезасиз.

Ўша куни шинавандалар санъатимиз денгизининг улуғвор гувиллашини, ёш юракларнинг муҳаббат билан, ўйғунликда уришини, бир-бирига эш, ҳамроз ел-кандарнинг шиддат билан ҳилпирашини эшитдилар, гувоҳи бўлдилар.

Элмуроднинг фикр этганимиз илми ийқоъ толиблари дастасига раҳбарлик қиласётганига ўн саккиз йилдан ошиди. Абдуҳошим Исмоилов айтганидек, санъатда бирорга устозлик қилиш осонмас. Унинг устига Элмуроднинг ёшига етган йигитнинг устозлик мақомини эгаллаши — жуда улуғ иш. Асли шу йигитга хос фазилат бор — у ўзи ижод қиласа ҳам, шогирдларига тарбия берса ҳам бу ишни ҳалқи олдиндаги, санъати ва виждани олдиндаги бурчини адо этаётгандек бажаради.

Ҳар йили ўртача саксон-юэ боланинг бу дастада тарбия олиб чиқаётгани эътиборга олинса, бугун Узбекистонда кенжа Исломовнинг қарийб икки мингта шогирди борлиги маълум бўлади. Биродаримиз бу ўринда устоз Тўйчи Иноғомов тамойилларига асоссан иш тутиди. Айтадики, балки йигитчаларнинг барчаси ҳам улфайишгач чилдирмакашлик қилишмас, бироқ санъатнинг ҳам, санъаткорнинг ҳам қадрига етадиган, диди нозик, кўнгли пок инсонлар бўлишлари аниқ. Дарвоқе, Доирачилар дастаси ҳозир Тўйчи Иноғомов номи билан аталади. Дастани у киши номи билан аташ ҳақидаги таклиф ҳам кун тартибига Элмурод томонидан қўйилган.

Мени қувонтиргани: энг кичиги олти-етти ёшда бўлган бу йигитчалар минг йиллик санъатимизга ўзларини даҳлдор ҳис этиб, жиддийлик ва ғуур билац машқ қиласлари каби шахдам, ўқтам, дадил, ғуурли, орли йигитлар бўлиб ўсишади, қийинчиликни кўрганда «соҳ-воҳ» чекадиган, бирорни айблайдиган, хавф-хатар келганда бўйинни қисадиган забунлар, мутелар чиқмайди булардан. Қолаверса, мана шунақсанги чапдаст, юриши, гапириши, фикрлаши бутун йигитлари бор санъатнинг боши асти ҳам бўлмайди. Ҳали бу болаларнинг доираси ҳам Дилмуроднинг, Холмурод ва Элмуроднинг доиралари каби кенгайиб, қулоч ёзиб бутун дунёни қамраб олишига ишонаман.

Даста қатнашчилари шу яқин беш-үн йил орасида Туркия, Жазоир каби мамлакатларда, «Артек»да ўтказилган турли анжуманларда иштирок этишди, қўллари баланд бўлиб қайтишди.

1987 йили Элмурод Исломовга Узбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди.

Узбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлиган байрамларда Элмуроднинг шогирдлари халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърига басталанган бир қўшиқ билан даврага тушдилар, ўша қўшиқ ҳозир доираласт санъатчиларимизнинг ўзига ҳос мадҳияси бўлиб қолди:

Донрасимон дунёни  
Кезиб чиққан доирам,  
Ҳар зарбидан бир қўшиқ  
Сизиб чиққан доирам.

Келди кутган замоним,  
Кўнглимда йўқ армоним,  
Дунёга бўй кўрсатди  
Она Узбекистоним.

Тўйлардан хабарчисан,  
Байрамдан даракчисан,  
Буюк элнинг шуҳратин  
Таратгуви жарчисан.

Мулки Турон бахтига  
Бобо Шарқдан қолгансан,  
Куйингга дунёларни  
Иўргалата олгансан.

Элмурод ҳәётидаги энг баҳтли воқеалар сарасига 1991 йили Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каимов раҳбарлигидаги делегация билан Саудия Арабистонига боргани ва Муқадас Ҳаж амалларини баҗариб кайтганини ҳам тилга олади.

— Ўртбошимиздан мен эмас, балки менинг етти пушт авлодларим ҳам, миннатдор бўлишларига аминман, негаки, факат у киши туфайлидангина каминага шундай баҳт ато этди — Каъбатуллоҳнинг ичига кириб ибодат қилганлардан бирни бўлдим. Икки марта қаттиқ тўлқинлашдим, кўзларимдан ёш чиқди. Биринчиси — Жиддада, меҳмонхонада эҳромларни кийиб Ислом акаши кутуб турибмиз. Гарчанд, у кишининг Оллоҳ жорий этган қоида-қонунларга бўйсуниб, эҳром кийишларига амин бўлсак-да, барибир юртбошимизни Ҳаж либосида кўриб ўзимни тутолмадим... Сўнгра, бошқа амалларни бажарганимиз охирида бизга Оллоҳнинг уйи эшигини очиб бердилар. Ахир бу қандай баҳт! Яна бу янглиғ улуғ саодат, ота-онам етолмаган баҳт мендай бир етимга ато этса!.. Жиддадан Маккан Мукаррамага кузатиб колган юртдошларимиз, булар Байтуллоҳга киришган, Ҳожи Акбарлар — булар деб бизни зиёрат қилишди. Кўрдингизми, бундай Олий шараф ўша мамлакатда яшаётганларга ҳам насиб этавермас экан.

Элмурод Исломов 1982 йилда уйланган, дилбар рафиқаси Маликахон — уй бекаси, ширин шакар фарзандлари Элёр, Элдор, Эъзоз, Бегимхонлар ота-оналарининг қувончи, хонадоннинг мунааввар чироғи.

Элмуродлар кенжа фарзандларига доирачи зарнинг лири устози Уста Олим Комиловнинг рафиқаси, машҳур Нурхоннинг опаси — Бегимхон аянинг исмини қўйишган.

— Давралардан бири ниҳоясига етгач, кексароқ аёлни уйларига машинада олиб бориб қўйдим. Йўлйўлакай суҳбатлашиб кетдик. Тасодифни қаранг, бу муҳтарама аёл уста Олимнинг рафиқалари экан.

Шундан кейин Бегимхон ая оиласига қадрдонига айландилар — байрамлар, ҳайитлар, йўриқлар — бирга, яхши-ёмон кунлар — бирга. Элмурод аянинг ҳолидан мунтазам хабар олиб турди, хасталигига дўхтирга кўрсатди. 1991 йили опа қазо қилганларида, расм-русумини жойига қўйиб сўнгги йўлга кузатди. Номлари ўчмасин деган ниятда кичкина қизига у кишининг исмини қўйди.

Элёр ва Элдор замонавий, фозил йигитлар бўлиб ул-

тайишмоқда, яъни замон талаб этган илмларни астойдил ўзлаштиришмоқда. Бироқ, ота касбини ҳам улуғ биллишади, икковлари ҳам бу ҳунар, санъатнинг ҳадисини олган моҳири сифатида таниқли хонандалар — До ниёр Тошмуҳамедов ва Азим Муллахоновлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

7

Зулфия опа эрининг ҳалокатидан кейин келган совуқ туманли кунларнинг ажзу мукофотини бу дунёда эканидаётк кўрди — ўғил-қизлари обрўли-мартабали, уҳдатик-корафта кишилар бўлиб етишдилар. Энди у болалари орасида иззатда, талашда эди — «Нега бизникига бормайсиз» қабилидаги ёқимли гинахонниклар, қайга борса — юмшоқ кўрпача, меҳрнинг тандирида пишган нон, муҳаббатнинг ўчогида қайнаган иссиқ чой.

Оланинг ҳаётини, учар йўли ёмғирлими-қорлими; аёзми-жазирамами, фурурини бой бермаган, ишончини ўйқотмаган турнанинг парвозига қиёс этким келади.

— Йўқ, болаларим интернатда яшашмайди — ўзим ўқитаман. Ўзим боқаман! Йўқ, қизим шу ёшидан ишга кирмайди. Керак эмас! Ўзим ишлайман. Ўзим топаман. Йўқ, ўғилларим — отаси мурод қилган йўлдан қайтмайди — ўзим кўтараман.

Ўзим... Ўзим... Ҳар не оғирликни мумкин қадар ўз устига ортиш, ҳар мушкулни ўзи тортиш, ҳар бало, кўнгилсизликка ўзи қалқон бўлишга одатланган бу аёл болаларининг бешигини эмас, дунёни тебратди, Меҳрни, Ҳақгўйлик, Оқибатни тарбия қилди. Муҳиддин аканинг, ўзининг муродлари эмас, ўзбекнинг муродларини, суюнган тоғларини ўстирди.

...Опажон! Кўз ёшлари билан ювилган қўйлаклар кир бўлмас, эскирган эмас — билдик, сабрнинг риштаси билан қадалган тугма узилмас экан — англадик, бисмилло билан бошланган нонушта кечгача оч қўймас экан, юракнинг титрофи қўшилган дуо-фотиҳа мустажоб бўлар экан — тушундик, Сиз ўргатдингиз, опажон!

Республика Ўқувчилар саройининг директори Олия Иброҳимова aka-укаларнинг волидаларига кўрсатган пизат-икроми, эҳтиромини ҳар қанча таҳсиндан баланд, ҳар қандай мақтодан юксак дея баҳолайдилар:

— Дилмурод ҳам, Холмурод-у Элмурод ҳам оналарини фариштадек эъзозлаб, тишларида тишлагандек

парваришилаб олиб юришди. Тилга жорий бўлганини эмас, кўнглида лайдо бўлганини пайқаб, шуни ортиғи билан ато этишди. Чунки, бу оқил йигитлар оналари олдидаги қарзлари нақадар улканлигини, уни ҳар қанча хизмат билан узмоқ мумкин эмаслигини яхши тушунар эдилар. Бу ерда яна икки нуқта, икки жиҳат бор: болалар онанинг дуосини олганлари, унинг умидини оқлаганлари сари сарафролик топавердилар. Она эса — фарзандларининг хоҳлаганидан аъло инсонлар бўлиб этишганларидан хурсанд — дуо-фотиҳани аямади. Кетар тогида ҳам кўнгли хотиржам, рози кетди зурриёдларидан.

Фидоийман, содиқман дёган ҳар кимсага ишонмоқ мумкинми? Фидоийлик осон бўлса экан! Фидоий аталишга муносиб инсонлар нималардан ихтиёрий равишда воз кечиб, қандай азиз, ёқимли, дилошуб оромларни, ҳузурларни, сокинликни тарқ этиб умр кечирганларини ҳамма биладими? Фидоийлик даъвосини қилаётган ҳар ким ҳам ана шундай яшашга ирода, куч топа оладими ўзида?

Фалончи — фидоий одам, ўз иши, ўз ватани ёки ўз оиласи — фарзандлари учун жонини аямайди, деймиз. Аямаган жоннинг кўп фурсат ўтмай не аҳволга бориши маълум — дардлар енгадилар, касалликлар йиқадилар уни. Зулфия опа ҳам оғир мавсум кунларида кам ухлади, кам дам олди, ўзини қаратгани, даволатгани вақтиям, имкониям бўлгани йўқ. Оқибат унинг жони ҳам турли дардларга эрта йўлиқди — қон босимининг баандлиги, бош оғриғи, қанд, юрак хасталиклари бу жонни ўзларига доимий манзил қилиб олдилар. Қўлоқлари шамоллаган, кўзларини парда қоплаган эдилар.

Ҳаэрратим айтганларидек:

Заиф танда ғамингдин юз эски бўлған доғ,  
Ҳар эски доғ бу шоҳ узра бир қуруқ япроғ.

О, албатта! Фарзандлари одамининг қўлидан келадиган ҳар қандай давони, муолижани қилишди. Аммо Ҳабиб ёнинг чорлаб тургандан кейин табибининг қўлидан нима келарди?

Уша машъум кун Зулфия опани кўрган киши бу аёл ўлим тўшагида ётибди деб сира-сира ўйламасди — опа хотиржам эдилар, кулиб, гаплашиб ётардилар. Беморнинг ҳолатини кузатиб турган ҳакимлар, кекса ёшли кишилар фурсат яқинлашиб қолганини сезиб, опани ди-

вандан пастга, кўрпача устига олиш зарурлигини айтадилар.

Дилмурод тўполон кўтаради:

— Нимага ваҳима қиласизлар? Ойим кўп марта бунақа касал бўлганлар, тузалиб кетадилар.

Унинг қаршилигига қарамай онаизорни пастга ётқизадилар. Сўнг тирсакни тишлаб бўлмайди, онагдан рози-ризолик олиб қолгин дейдилар. Дилмурод яна кўшимайди.

— Мумкин эмас, тузаладилар ойим, — дейди. — Нимага сизлар ҳалитдан розилик сўрашга тушиб кетдинглар, — деб жанжал қиласиди.

Она ўғлининг аҳволини кўриб бағрижони куяди, оҳиста шивирлайди:

— Ло илоҳа илаллоҳ...

Шундагина бор ҳақиқат — аччиқ ҳақиқат Дилмуроднинг миясига «гуп» этиб урилади, у зарбанинг кучидан тиз чўкиб қолади, калимаи шаҳодатни кўзининг ёшида намлаб ўқир экан, онасини қучоқлайди:

— Рози бўлинг, онагинам... Рози бўлинг хизматларигизга, — деб йиглайди.

— Розиман, болам. Минг марта розиман. Сендақа бола борми дунёда, — пичирлайди Зулфия опа.

Табиати беозор, руҳидили беғубор аёл ана шундай беозорлик билан, қийналмай, зўриқмай жон таслим қилди — буни хонада турганлардан бирор билди, бирор билмай қолди.

Оиланинг тўнғич фарзанди Дилбархон опа:

— Ойимлар ўтдилар, — дегандан кейингина оҳуфарёд, йиги кўтарилиди.

...Хеч нарса керак эмас. Сўзлар, гирялар, навҳалар... Ҳатто мусиқа ҳам ортиқдир ҳозир. Сокинликнинг ўзи кифоя. Тип-тиниқ, кичкинагина шарпа тимдаламаган сукунат. Заррача ғубор қўна олмаган оппоқ сукунат. Киприкка чиқсан ёшининг ерга тушгани эшилсан, оппоқ булатларни босиб кетаётган малакларнинг қадам товушлари эшилсан... Гарчи дунёда дўстлар бисёр, дилдошлар бисёр, бироқ онадан ҳам яқинроқ, содиқроқ дўст қайдা бор, дилдош қайдা бор?

Энди... фарзандларингизнинг етимлиги рост бўлди, опажон. Уларгина эмас, бир асл она кетиб, бир меҳрибон аёл кетиб дунё, бани башар ҳам етиromoқ бўлиб қолди бугун...

Дилмурод Исломовнинг ташаббуси, елиб-югуришлари натижасида тузилган «Ўзбекистон доирачилари уюшмасининг пайдо бўлиши 1988 йилга тўғри келади. Ушбу даврга хос аломатлардан бири юпқалашиб қолган тақиқ деворларининг йиртилиб, йиқила бошлиши ва пайдо бўлган тешиклардан, йириқлардан яхши-ёмон шабадаларнинг хуш-ноҳуш бўйларни олиб кира бериши бўлди. Очиқ, бўш майдон бор экан, жавлон уриб қолайлик деб видеокассеталарга муҳрланган бўлар-бўлмас фильмлар от сурин кирдилар. Журналлар, газеталарда беаёв, шафқатсиз, фош этувчи мақолалар пайдо бўлди — тез орада авра-астари ағдарилмаган соҳа қолмади ҳисоб. Китоб дўконларини бири-биридан ажабтовур китоблар босиб кетди. Мусиқани-ку... Йўлини тўсадиган куч азалдан кам эди, ошкоралик дегани ўша камларни ҳам орадан кўтариб ташлади.

Буларнинг барини тўғри қабул қилиб, тўғри баҳо беришга бизнинг томошабинимиз, ўқувчимиз, шинавандамиизда зарур малака, тайёргарлик бўлмагани важҳидан, ўша оқим маънавиятимизга ҳам, маданиятимизга ҳам жиҳдий таъсир кўрсатди. Биз ўша гаъсир асоратидан ҳамон қутула олмаётимиз.

Дилмуроднинг уюшмаси ана шу ҳужумдан ўзлик қадриятларимиз, санъатимиз, маданиятимизнинг бирор-да топилмас жиҳатлари, жозибаларини ҳимоя қилиш йўлида санъаткорларнинг, бу ўринда доирачи созандаларнинг кучларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилди. Уюшма ўз олдига олийжаноб ниятларни қўйди ва бутун фаолияти давомида оғишмай-чарчамай уларни амалга ошириб борди: устоз-шогирд анъаналарини сақлаб қолиш чора-тадбирлари кўрилди, жойларда тажрибали чолғучиларнинг ўз ҳунарларини шогирдларга ўргата олишлари учун зарур шарт-шароит яратилди, қийналиб қолган, араваси оғиру оти ориқ бўлиб турган ҳамкасбларни, уларнинг оиласари, зурёдларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилди. Истеъододли ёшлиларни рӯёбга чиқишилари, ўқув юртларига кириб ўқишилари, билим масканларини битирганларидан кейин эса ишга жойлашишларида ёрдам берилди. Тўй-маъракалар бирга ўтадиган бўлди, қариялардан, беморлардан хабар олиб турилди, уй-жойи, шароити кўнгилдагидай бўлмаган ҳамкасбларга ёрдам кўрсатилди.

Хулласи, шунча созанда, ҳамдарду ҳамкор — худди бир оила аъзоларидай аҳил, бир-бирларидан бохабар яшадилар.

Уюшма ўз фаолиятини бошлагандан кейин ўтган қисқа вақт оралиғида бар; а вилоятларда ҳам унинг бўлимлари очилди. Натижада, доирачилик санъати атрофидаги кўпгина муаммолар бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда ҳал этилди. Янги жамоалар, дасталар тузилди. Доирачилар аҳил, кучли, дўстлик, биродарлик кайфияти ҳукм сурган жамоанинг аъзоси эканликларини, унинг мададини, қувватини доим ҳис этиб турдилар.

Кейинчалик бу уюшма атрофига Марказий Осиёда яшаб ижод қилаётган чилдирмачи чапдастлар ҳам қўшилдилар. Уюшма аъзолари ҳар ўн беш кунда Тошкентда, вилоят марказларида йиғилиб, турли масалаларни муҳокама қилишар ва зарур чора-тадбирлар белгилашар эди.

Уюшманинг катта йигинларидан бирин республика доирачиларининг «Зарб-91» номи билан ўtkазилган кўрик-синови бўлди.

— Шундай йигин ўтказиш жуда зарур бўлиб қолган эди, — дейди Дилмурод. — Санъатимизнинг бошқа турлари каби доирачиликда ҳам умумий йўналиш ўзгара борди. «Она заминдан» узоқлашиш, ўғай оҳанглар, усуслар, созларнинг кириб келиши тезлашди... Ҳар қандай янгилик, янги оқим, тўлқин миллийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, керак-нокераклиги аниқлангандан кейингина қабул қилиниши даркор — ҳар қандай ниҳол миллий заминга ўтқизиб парвариш этилса дуруст. Биз кўрикни, анжуманини ана шу заминни асрар, авайлаш, эъзозлаш, унинг соҳибкорларининг кучини, имконини кўриб қўйиш, фикрини, дардини эшитиш, имкон кўтарган қадар кўмак бериш учун ташкил этдик. Кўрикнинг биринчи шарти Уста Олим яратган, доирачилик санъатининг асоси бўлган «Доира дарслиги»ни чала билиш, иккинчи шарти эса устозлар бисотидан тузилган усуслар тизимини ижро этиш эди.

Кўрикнинг шартлари ва чалиниши зарур усуслар ёзилган оҳанграбо тасмалари вилоятларга, қўши мamlакатларга уч-тўрт ой илгари тарқатилди. Соғир Солиҳов, Раҳим Исахўжаев, Қаҳрамон Даҳаев, Камолиддин Раҳимов, Абдуҳошим Исмоилов, Маъмурда Эргашева, Одил Камолхўжаев каби устоз санъаткорлар ҳакамлик қилишган мазкур синовда фақат Ўзбекистондан эмас,

бошқа қўшии республикалардан ҳам турли ёшдати усул ажирлари иштирок этдилар.

Ушбу санъат анжуманинг барча ташкилий масалалари ҳамда қатнашчиларнинг келиб-кетиши, меҳмонхона, нақлиёт, ғолиблар учун совринлар билан боғлиқ харажатлар асосан унинг ташаббускори, ташкилотчиси Дилмурод Исломовнинг зиммасида бўлди.

Кўрик ўтди. Кимdir ғолиб бўлди, кимгадир мукофотлар, совринлар топширилди. Албатта, унинг ташкил этилиши, муваффақиятни ўтказилиши ҳам сўз юрити-лаётган соҳада маълум жонланишларга олиб келди... Камолида айни йўқ, балогати бенуқсон чолғу усталари, навраста ҳунарпешалар бисёр эди. Бироқ, Дилмуроднинг ташвиши кучайса кучайдики, камайгани йўқ:

— Назаримда қатнашчилардан бирортаси сўралган нарсаларни менинг кўнглимдагидай — рисоладаги дара-жада чалиб беролгани йўқ... Муҳаббати ҳам, маҳорати ҳам кучли йигитлар, созандалар кўп, лекин... Барибир нимадир кам, нимадир етишмайди, қайдадир тойиб кетишлар, оғиб кетишларни кузатдим. Таъбим олинди. Хуллас, шундай йифин ўтказиш заруратини кун тартибига қўйган муаммолар энди кўз олдимда аниқ намоён бўлди... Ҳар қалай, шунга эришдик-ку: вазиятнинг томирини ушлаб, рангига зеҳн солдик, бундан буён нимага аҳамият беришимиз, қайси йўналишда иш олиб боришимиз кераклигини кенгашиб, келишиб олдик.

...Таассуфки, турли сабаблар билан «Доирачилар ўюшмаси»нинг фаолияти ҳозирча тўхтаб қолган. Аммо, Дилмуроднинг кўнглида ушбу фаолиятни яна юргизиб юбориш ва замон қўяёғган муаммолар, масалаларни шу ўюшма, унга жам бўлган ҳамкасб биродарларнинг ёрдамида ҳал этиш нияти йўқ эмас.

## 9

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳал қилиниши давлат аҳамияти миқёсига кўтарилиган — ишбилармонлик, тадбиркорлик, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш халқимиз дилидаги орзунинг, армоннинг фарзанди эди.

— Қизиқ замонлар эди-да!.. — зарда ва ҳайрат билан тахлил қиласи Дилмурод. — Фалончи хусусий мулкини кўпайтиришга, бойлик орттиришга ҳаракат қилали, яъни бадавлат бўлмоқчи деган гапни душманга, жи-

ноятчига нисбатан гапиргандек гапирилар эди. Ахир, инсоннинг кечагидан яхшироқ яшашга интилиш нияти, нималарнидир кашф этиш, қуриш, тузиш, ташкил қилиш истак-иштиёқини, ташаббусини қирқаверган, йўққа чиқараверган жамиятда ривожланиш бўларканми!

Қолилларга сифмайдиган, тақиқларга беписанд инсон Дилмурод ижро даврида ҳам тижорат билан, тадбиркорлик билан шуғулланган қайсарлардан, қайтмаслардан бири эди.

— Икки-уч қур кийим-кечак, пойафзал тикиш устахоналари очганман. Булардан тушган, ҳамда ўзим ишлаб топган маблағларни сармоя қилиб тижоратга, савдога солғанман — пул айланиб турсин деганман... Мустақиллик келди-ю, кўкрагимизга офтоб тегди — ана шу ишлар билан қонуний асосда, эркин шуғулланиш имконига эга бўлдик.

Дилмурод 1992 йилдаёқ, яъни аввалгилардан бири бўлиб ўз номи билан аталган фирмага асос солди. Уша нийтда бу фирманинг ошхонаси, шаҳарнинг турли жойларида дўконлари бор эди.

Фаолият майдони-қулочи кепгайиб бораётган фирманинг ташкилий масалалари бугун Дилмуроддинг опаси Мавжудаҳоннинг зиммасида.

— Бу ерга ишга ўтганимда кўпчилик таажжубда қолишиди, ҳайрон бўлишди, ахир Биология фанлари номзоди — олимаман. Бироқ мен ишлаб турган Илмий-текникиш институтидаги сокишлиқ, фаолиятсизликдан бўғилиш даражасига етгандик. Курсида беиш-бекор ўтиравериб, илдиз чиқариб юборишта ёки пўпанак боснинг бориб қолгандик. Ўйлаб-ўйлаб оёқ-қўлимнинг чигалини ёзиб, фаол яшаб, фаол ишлайн деган қарорга келдим.

Мавжудаҳон ҳам иниларига ўхшаб ҳаракат, ишодами, бу аёлнинг гайрати, ишчанлиги, оқиллигига таҳсин ўқимай иложининг йўқ. Бироқ, шундай бўлса-да, синглимиз ва Дилмуроднинг фирмани «қўтариш», ривожланириш, янги тармоқлар очиш йўлида қандай мashaққатлар, қийинчиликлар, не хил ғов-тўсиқларни енгиб ўтишганини эшишиб ўтирас эканман, уларнинг собитаҳдлиги, яхши маъниода қайсарлиги, диловарлигига яна бир бора тан бердим. Чунки, осон эмас ҳалиям бу майдон ичра кирмоқ, бу йил миллий ҳурриятимизнинг саккиз йиллигини нишонладик, бироқ шўровий тузум қолдирган бюрократизм, тўрачилик, ўзига қарашлидан бошқа

одамнинг тирноғини ўстирмаслик, «узат-узат» каби иллатлардан тамом ҳоли бўлганимиз йўқ. Уша иллатлар йўлнинг ўртасидаги йўлтўсардек семириб, йилтираб ўтириди.. «Ўзим — хон, кўланкам — майдон» дейди, айтганини бажарсанг, сўраганини жигилдонига тиқсанг — ўткизади, йўқ эса — йўқ.

Ҳар битта таклиф, ташаббус, янгилик асабларни қоқ қиласиган, томирдаги қонингни зангга айлантирадиган, бор-йўғингни шилиб оладиган, баъзан, бор-е менга ни ма, оч қорним тинч қулоғим деб, чиқиб кетишга олиб борадиган даражадаги тўсиқлар, сарсон-у саргардонликларни енгиш орқали йўл топмоқда ўзинга. Агарки корафталаримиз — фақат уларнинг эмас, бутун мамлакатимиз тараққиётига гов бўлаётган ана шу беъманигарчиликларни итариб-сурниб ўтиб, ўзлари ва эл-юртларига фойда, наф келтиришга муваффақ бўлаётган эканлар, фақат офарин айтмоқ керак уларга!

Офарин у иродагаким, улуғ бир эҳтиёж, буюк бир қудрат ила қад ростлаётир, энг баланд самоларни қўзлаб қанот ёзаётир, энг юксак авжли қўшиқни айтиш учун тор созлаётир!

1994 йилнинг феврал ойларида Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокимилигига Трактор заводи атрофида жойлашган «Аҳмад Юғнакий», «Хумоён» ва «Аҳиллик» даҳалари аҳолиси номидан шу даҳаларнинг катта йўлга яқин жойларини ободонлаштириш, майший, озиқ-сзываёт ва савдо шоҳобчаларини қуриш зарурлиги баён этилган сўровнома — хатлар келиб тушади. Туманинг ўша пайтдаги ҳокими Шавкат Мирзиёев хатда айтилган илтимослар, таклифларни бажаришини «Дилмурод» фирмасига топширади.

Орадан бор-йўғи тўрт-беш йил ўтди. Бироқ, ҳозир кўрган одам бу ерларни қачондир ташландиқ, ахлатхона, киши кундузи қадам босгани ҳам ҳайнқадиган овлоқ жойлар бўлганинга ишонмайди. Сабаби сўз бораётган манзил Тошкентнинг энг шинам, энг гавжум, энг файзли гузарларида бирига айланган. Дилмуроднинг гузари. Бу ерда либос ва буюмлар бозори, ўнлаб ошхона, савдо дўконлари фаолият кўрсатиб турибди. Гузар ёнидан ўтган сой бўйнда эса сулув дам олиш маскани пайдо бўлди. У — сайргоҳ, кафелар, турли миллатларнинг таомлари ҳозирланадиган ошхона, чойхоналар, ҳатто кичикроқ тадбирлар ўтказишга мўлжалланган алоҳида айвоили-уйли ҳовличадан иборатдир.

Ижод ила меҳнат қалами зебу орқ берган бу жойлар-нинг жамоли шундай очилдики, мабодо Ҳудо раҳмати Таваккал ака Қодиров тирик бўлсалар-у, қадам ранжида қилсалар балки бу қўшиқни айтармидилар:

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимиstonлар.  
Дўстлар, ғаниматдур, саир этинг гулиstonлар.  
Қумрилар қилиб ку-ку,  
булбул айлабон чаҳ-чаҳ,  
Сарв гул уза доим  
тортар оҳу афғонлар.

Буларнинг бари Дилмурод ва унинг толмас ҳамкорлари Мавжудаҳон, Обид ака ва бошқаларининг одамлар эҳтиёжи, истироҳати, дилободлигини ўйлаб, гўзаллик, ободончилик, фаровонлик излаб қилган яхши ниятлари натижасида дунёга келди. Бундай ниятлар покиза муҳаббатли тоза қалбларда туғилиб, вояга етади.

## ТҮРТИНЧИ ДАВРА ЯҚУНИ ОЛДИДАН

(Дилмуроднинг дилидаги дардларидан)

...Аслини олганда бу гаплар ўткинчидек, эрта индин ҳал бўлса, кун тартибидан тушиб кетадигандай туюлиши мумкин. Китоб эса, ҳар қалай, бугун учун, эрта учун ёзилмайди, уни биздан кейинги авлодларимиз, жилла курса мусиқа санъатимиизга қизиқиб, буларнинг пайтида машшоқлар қандоқ яшашди экан дейдиган шинавандалар ҳам ўқир деган умидимиз йўқ эмас.

У чоғларгача бугун биз жон тириаб сўзлаётганимиз — муаммолар ечимини топиб кетар, иншаоллоҳ. Ҳар давр жамият олдига, шу жумладан, санъаткорлар олдига ҳам ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб муаммолар, масалалар қўяди, тўғри. Бироқ, эҳтимол биз айтган гаплар — дунёда яшаб, жаҳон кезиб, ўнқирниям-чўнқирниям, оғирниям-енгилниям кўриб топганимиз хulosалар — биздан кейин яшайдиганларга қай дараҷададир ёрдам бериб қолар, ким билади.

Қолаверса, хulosаларимиз, фикрларимиз орасида ҳамма замон учун мұхимлари ҳам йўқ эмас. Улардан бири — илдиз, ўзак масала — ўз миллатини севиш, ўз халқи маданияти, санъатининг фидойиси бўлиш масаласидир.

Уни бошқа халқлар санъатидан ортда қолиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, бу билан бирга ўзиға хослигини ҳам асраб қолиш даркор.

Бизнинг замонларга келиб, афсуски, хорижий маданият унсурларига, хусусан мусиқий йўллари, услублар, оҳанглар, усувларга қизиқиш эмас, сажда қилиш урф бўлиб кетди, шундай тарқалдикি, чидашга тоқат йўқ.

Соф миллий мусиқа, ўзимизнинг оҳанглардан, усувлардан келиб чиқиб «ишланган» куйлар, қўшиқлар йўқ эмас, бор. Лекин уни эшиткувчилар аста-секин кексайиб, ўтиб бормоқда. Ёшлар ўртасида эса, шошма, мен қайси халқнинг Фарзандиман, менинг миллий санъатим қайси ўзи деб, ўзиникини эшитадиганлар, шуни ривожлантиришга бош қўшадиганлари камайиб кетгандек.

Санъатни назарни түқ, күзи түқ, дунё күрган, санъатни ҳам, санъаткорни ҳам қалдан чуқур тушунадиган, қадрига етадиган, улар учун жон күйдирдиган, ҳар жиҳатдан ҳалол одамлар бошқариши даркор! Буниси курсдошим, буниси улфатим ёки юртдошим, ёки буни қўлласам менга мана бундай наф келади, қайсидир нафсимни қувонтираман деб ўйлайдиган майдар, нопок, таъмагир, гаразли кишилар ҳамиша санъатнинг ривожига халақит бериб келганлар.

Бундайлар учун санъат ва санъаткорларимизнинг тақдири эмас, ўзининг мартабаси, нафси, чўнтати муҳимроқ, шу бугун катталарга яхши кўриниб олиш зарурроқ. Ким қандай яшаяпти, қандай ижод қилаяпти, фалончи хонанда, созанда нимага кўринмайди...

— Хе... уни ҳеч ким эшитмай қўйди! — деб қўя қолишади... Ҳа, номард, сен оломон кимни эшитса ўшани ишлатиб, ёгини олаверсанг, эртага бунгаям бирор қарамай қўйса, буниям четга сурин қўяверсанг, сенинг раҳбарлигинг қайга боради? Қайга олиб боради? Нима учун миллий мусиқа асбоблари, масалан, доирга астасекин сурилиб чиқиб қолаяпти — унинг парвосига келмаган, келмайди ҳам!

Кўп йиллардан бери миллий саҳнамизга фонограмма, турли мусиқий ёки техникавий асбоблар аралашуви хақида баҳслар кетади — бирор мутлақо тақиқлаб қўйинши таклиф қиласди, иккинчи бирор эса йўлни катта очиб қўйиш керак дейди.

Ҳолбуки, ҳар соҳада бўлганидек, бу ерда ҳам меъёр зарур. Чунки, ҳар қандай тақиқ одам боласини маълум нарсага қизиқишини кўпроқ орттириб келган. Агар жамиятдаги эстетик қарашларнинг ривожланиши шуни тақозо этаркан, балки, энг чиройли овоз берадиган созларнинг миллий маданиятга кириб келиши тўғридир.

Иккинчи томондан эса йўлни катта очиб қўйини ҳам нотўғри. Бу ҳали айтганимдай миллий созларнинг сурилиб қолишига олиб келади.

Доирата келганда у билан дунёдаги барча халқларнинг усулларини жуда жарангдор, жозибали қилиб чалиб бериш мумкин. Шундай экан, уни бошқа созлар билан ёки компьютер билан алмаштириш шартми?

Мусиқа юракдаги туйғунинг, завқининг, илиқ оқимларнинг изҳори, кечинмаларни оҳанг орқали тингловчига етказувчи санъат. Созанда маълум бир куйни та-

биятига қараб, мавзусига қараб нохун уради, камон тортади, зарб беради.

Фахриддин ака Умаров етмишга бордилар, аммо ҳали бирор марта фонограммада қўшиқ айтган эмаслар. Ҳозир еттига кирган бола ҳам фонограммада айтади ёки чалади. Бир марта чалиб ёзib олингани нарсани ҳамма жойда қўйишади-да, чолгуни ушлаб, чалаётган-дек бўлиб тураверишади. Бу ерда-чи, бу ерда қани завқ, айни концерт маҳалида келадиган илҳом, кутилмаган хаёлотлар, сайрлар қани?

Шунақаларни кўрсам, булар асли ҳақиқий санъаткор, моҳир созандга эмас, соҳага тасодифан аралашиб қолган одамлар деб ўйлайман. Афсуски, бундайлар кўпайиб кетаяпти. Тасодифий одамлар кўпайган санъатнинг аҳволи, тақдири нима бўлади!

Санъатга ношудлик ёки лоқайдлик билан раҳбарлик қилиш оқибатида ўғай созлар, оҳанглар, услуб, усувлар бетартиб аралашиб кетди миллий мусиқамизга. Буни унда-бунда бир гапириб қўйиш эмас, давлат даражасида қарорлар билан тартибга келтириш керак.

Ўзбекнинг димогида ҳеч бир миллатникинга ўхшамайдиган, ўзига хос «ғум»и, оҳангни, шираси бўлади. Оналаримиз алла айтганларида, болалар «бойчечак» айтганда, қориларимиз Қуръон ўқиганда, кўчада кетаётган одам хиргойи қилганда ёки катта хофизлар ашула айтганда кўп кузатганман ана шу ғумни!

Ҳақиқий ижодкор, санъаткор — давлат арбоби ҳисобланади, у ўзи мансуб миллат маданиятининг бугуни ва эртаси учун масъулдир, жавобгардир. Бугун соҳамизга кириб келаётган ёшларимизда ана шу жавобгарлик ҳиссини тарбиялашимиз даркор деб ўйлайман. Уларнинг санъатига энг аввало, ана шу нуқтai назардан туриб баҳо бериш керак.

Нимага деганда, биз мансуб авлоднинг ёши ҳам эллиknинг эшигига яқинлаб қолди.

Эртага маданиятимиз қиёфасини белгилайдиган, демакки, ҳалқимиз маънавий дунёсини шакллантирадиган, жаҳон саҳасида бизга обрў-шуҳрат олиб берадиганлар улар — ёшлардир.

Бугун уларнинг аксарияти ўғай оҳангларга, ёт мусиқаларга қўнгил қўйиб, эшикса майли-я, бироқ осон шуҳрат топиш йўли бу ёқда экан деб, ўша ножинс оҳанглар, йўллар, усувлар, талаффузларни миллий «гулзоримиз»га олиб кираётган экан, бу энг аввало, ўз

гулзорини севмаслик, билмаслик, унинг улуғлиги, бетакрорлигидан ғуур, унинг тақдири учун масъулият, жавобгарлик ҳис этмасликдандир.

Шунинг учун бу ўринда кексаларнинг, устозларнинг тажрибасини ўрганиш, сабоқларини, панд-насиҳатлари ни жон қулоғи билан эшитиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳофиз Шерозий айтганлар-ку:

Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст — Ақлли баҳтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.

...Устоз кўрган доирачи, устоз кўрган санъаткор ба-рибир бошқача бўлади. Устознинг қанотида юарар экан, шогирд бола салом-аликни, юриш-турниш сабогини, қайси жойга қандай кийим билан бориш даркорлигини, сўзлашиш, давра одоби, саҳнага чиқиш, у ерда ўзини тутиш маданиятини ўрганади. Кекса санъаткорларни йўқлаб туришга, уларнинг олдида тавозеъ сақлаб туриш, билиб-бilmай от солиб юборавермасликка одатланади.

Ўз қасбимизга қайтиб гапирсам, доирани қандай ушлашни, қандай қоплашни, қасқонни қайдан олнишини, қайси доира яхши-ю, қайсиси ёмон — мана бу сирларни ўзлаштиради устадан.

Бу ҳам — бир дард... Мана шу таомиллар йўқолиб кетмаслиги керак санъатимиз, маданиятимиздан.

Негаки, ана шу қоидалар, таомиллар ҳам ўзбекчи-лигимизнинг, маънавиятимизнинг ажралмас, таркибий қисмидир. Улар олиб қолинмаса, устозлар билан бирга кетади, кейин! «Тиклаш керак, «оҳ — воҳ», деб юрамиз.

Бундан ташқари, менга қолса бу йўлни тақдир деб танлаган шогирд, толиб бошқа бир мактабни ҳам ўтиши керак: қишлоқларда, далаларда, шийлон-у яйловларда кундузи, кечаси, баъзан хов тун яримдан ўтгандан кейин бошланадиган концертларда қатнашиши керак. Пишиши керак.

Деҳқон билан, чорвадор, ишчи, қурувчи билан тил топишиши, дардлашмоғи керак. Уларнинг дилидан ўтган гапларни, ҳасратни, орзунг тушунадиган бўлиши керак. Ахир, ким боқаяпти сени! Қайси ҳалқнинг, қандай миллатнинг фарзандисан? Нимани орзу қиласди ҳалқнинг, нимани яхши кўради? Нима керак, қандай қўшиқ, қандай мусиқа даркор унга! Буларни англамай, киндиқдан ҳис этмай туриб таниш-билиш орқали ўзини саҳнага, телевизорга урган ёки сал афти таниш бирорта ҳофиз билан тўйга борган билан санъаткор бўламан дейиш бефойда!

## ТҮРТИНЧИ ДАВРА ОХИРИ

Китобимиз сўнгига етиб қолди. Бироқ Дилмурод Исломовнинг, унинг укалари, ҳамкаслари, юзлаб, минглаб шогирдларининг дилкаш давралари давом этаётир. Демак, фақат юртимизда эмас, жаҳоннинг не бир гўша-сидадир Бизнинг Санъатимиз давра бермоқда, нафосат ва гўзаллик байрами бўлмоқда, меҳр ва муҳаббат куйчалиб, қўшиқ айтбоқда!

Севги ва дўстлик ришталари боғланмоқда!

Дилмурод Исломов энди қирқ беш ёшга борди. Унинг кўнглида орзулари, режаларнинг ўнлаб, юзлаб оппоқ кемалари сузид юрибди. Бу кемаларнинг манзилга етиши ва халқимиз улар келтирган самаралардан баҳраманд, санъатимиз эса яна бойроқ, сарватмандроқ бўйлишига шубҳа йўқ.

Қачондир биродаримиз ташкил этган «Ўзбекистон доирачилари уюшмаси» ҳозирча ўз фаолиятини тўхтатган деб айтдик. Унинг яқинлари, ҳамкаслари, шогирдлари билан суҳбатлашар экан, фақир шундай андишага бордикки, ҳозир ўша уюшманинг аксар ишларини Дилмурод Исломов деган инсоннинг ўзи адо этиб турибди экан.

Шундай ҳам: уюшмага муроду мақсад бўлган хайрбод ишлар тўхтаб қолгани йўқ — муҳтоҷларга ёрдам берилмоқда, bemorларни яхши шифохоналарга жойлаштирилмоқда, кексаларга ғамхўрлик, ёшларга мадад ҳар қадамда кўрсатилмоқда.

Боз устига: бу хил мурувват, саховат аъмоллари фақат доирачиларга, фақат санъат аҳлига эмас, балки санъатдан йироқ одамларга ҳам кўрсатиб турилибди.

Шуларни эшитар эканман, Дилмуроднинг — дастлаб кўрган кишига ўта жиддий, тунд, ҳатто тўпорироқ туюлиши мумкин бу одамнинг бағри кенг, дилкаш, олийжаноб, кимнидир баҳтли кўрса баҳти бисёр бўладиган, бирорни ўксик, забун кўрса қайғуси, дарди ортадиган асл инсон эканлигига қайта-қайта амин бўлдим.

...Китобимиз давомида қурган давралар, сұхбатларимизда «зәвқ» сүзини күп ишлатдик. Бу — бежиз әмас. Яхши созанданинг құли юрагидан бошланади, сози, өлгүсі эса құлининг давомидир.

Әнг яхши созандаларимиз, уларнинг қаторида Дилмурод Исломов ва унинг жигарлари ҳам ахли оламни, Она сайёраны үтқизиб қўйиб унга соз чалиб берган, доира чалиб берган, ўзбек деган миллатнинг қадим ва улуғ санъатини, ошиқ юраги, қудрати, шиддати, шижоатини намойиш қиласкан азаматлардир.

Мана шундай — шижоатли, қарсилаган, зәвқининг зўри билан дунёни рақсга тушира олган ўғлонлари бор миллатни ээзилган, забун, муте деб ким айтади?

Ким айтади, бу миллат эрк истагини, ҳар қандай занжирни узиб ташлаш, ҳар нечук ҳақсизликни маҳв этиш ниятини йўқотган эди, бўйсуниб, хокисор, тупроққа кўмилиб яшашга ўрганиб қолган эди деб?

Ким айтса ҳам бекор айтибди!

Шундайин мард, танти, асов, саркаш, бахту шодлик, ҳақ ваadolat излаш истагидан қайтмайдиган йигитлари бор экан, ўзбек деган миллатнинг, Ўзбекистон деган мамлакатнинг албатта ўз муродига етиши, озод ва обод, ҳур ва бақувват, буюк ва қудратли бўлиши аниқ!